

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 711.134:711.451*

ҲАМРАЕВ АҲТАМ НУРЛИБАЕВИЧ

**САМАРҚАНД АГЛОМЕРАЦИЯСИ ШАҲАРСОЗЛИК ТАРКИБИЙ
ТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ
ТАДҚИҚ ЭТИШ**

**5А340103-Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш
жойларини комплекс қуриш**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
арх.ф.н.доц.Мирзаев М.К.
арх.ф.н. Салоҳиддинова Д.З.**

Самарқанд – 2017

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Шаҳар агломерацияларининг вужудга келиш ва ривожланиш йўллари.....	8
1. “Шаҳар агломерацияси” тушунчалари ва уларнинг мазмун-моҳияти.....	8
2. Чет эллардаги шаҳар агломерацияларнинг ривожланиш йўллари...	15
3. Ўзбекистонда аҳоли жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари	22
I боб бўйича хулоса.....	29
II боб. Шаҳар агломерацияларини тартибга солиш бўйича илмий - лойиҳавий концепциялар таҳлили.....	31
1. Шаҳар агломерацияларини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича илмий-лойиҳавий концепциялар таҳлили.....	31
2. Шаҳарлар ва аҳоли турар жойларининг ўзаро боғланган гуруҳли тизимга ўтиш концепциясининг таҳлили.....	38
3. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли турар жойлари гуруҳли тизимининг яхлит функционал-режавий тузилмасини шакллантириш услуги.....	45
II боб бўйича хулоса.....	52
III боб. Самарқанд агломерациясининг таркибий тузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш тамойиллари.....	55
1. Самарқанд агломерациясининг шаклланган таркибий тузилмасининг таҳлили.	55
2. Самарқанд агломерациясининг ўзаро боғланган гуруҳли тузимини шакллантириш йўллари.	61
3. Самарқанд агломерацияси гуруҳли тизимининг яхлит таркибий тузилмасини ривожлантириш тамойиллари.	67
III боб бўйича хулоса.....	74
Хулоса.....	77
Адабиётлар рўйхати.....	82
Илова.....	85

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги: Инсоннинг бунёдкорлик фаолиятининг ажойиб қуроли сифатида пайдо бўлган архитектура эса, бошланишидан бутун тараққиёти давомида жамиатдаги мавжуд техник имкониятлар ва эстетик қарашлардан фойдаланиб, инсоннинг муҳим эҳтиёжлари: қулайлик ва хавфсизликни яхши яратишга ҳаракат қилди. Бугун технологиянинг мисли кўрилмаган ривожланган босқичга етиб келиши қурилиш ҳудудида энг кучли архитектуравий ғояларни ҳам амалга ошириш имкониятлари мавжуд.

Бутун дунёда бошланаётган устувор ривожланишга жавобан бинонинг экологик устворлиги, яшил қурилиш тамойиллари қурилишда кундан кунга ошиб бормоқда. ХХI аср архитектурасининг ривожланишида кенг техник имкониятларнинг ечилгани сабабли, замонавий меъморлар ўзлари ишлаб чиққан лойиҳаларининг шаҳар муҳити ривожига кўрсатадиган таъсирини ҳам ҳисобга олишни бошлашлари керак.

Ўзбекистонда шаҳар аҳоли турар жойларининг тараққиёти Республика ҳудудининг 6 % дан 10 % гача қисмини ташкил этувчи оазис зоналарнинг интенсив шаҳарсозлик ўзлаштиришлари асосий зоналари ҳисобланадиган ўзига хос табиий-географик шарт-шароитлар билан мос равишда аниқланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида бутун Республика ҳудудининг 7 % ташкил этувчи оазислар ҳудудларида ялпи аҳолининг 90 % қисми яшаши.

Шундай қилиб, аҳолисининг зичлиги 300 киши/км² ва ундан кўпроқни ташкил этадиган оазислар мамлакат масштабида аҳоли жойлашишининг энг интенсив бўлган, аҳолининг гуруҳли жойлашишининг перспектив тизимларининг ривожланиши учун энг қулай бўлган район сифатида ажратиб кўрсатилиши мумкин.

Ушбу шарт-шароитларда шаҳарлараро марказлар тизимининг шаклланишида аҳоли турар жойларининг перспектив режалаштирилган структурасининг асосий функцияларини бажарувчи хизмат қилишни ташкил этишнинг замонавий тамойилларидан фойдаланиш Ўзбекистонда оазисли аҳоли турар жойларининг шаҳарсозликни ташкил этилишининг методикасини сифат жиҳатдан янги даражада ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармонида, 2000-йил 26-апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонида, 2005-йил 30-августдаги “Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида, 2017-йил 1-майдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонида ҳамда 2011-йил 4-январдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан қайта тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси” да Ўзбекистондаги шаҳарлар агломерацияларини лойиҳавий жиҳатдан тартибга солиш масалалари ёритилган ва ушбу тадқиқот иши учун асос бўлиб хизмат қилади [1,2,3,5,8].

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқотнинг бош *объекти* Ўзбекистон худудларида шаклланган ва перспективали гуруҳли тизимларнинг шаклланиши учун асос бўладиган шаҳар аҳоли турар жойлари ҳисобланади.

Оазисли жойлашишнинг турли зоналарини халқ-хўжалигининг ва маданий-маиший тараққиётнинг ҳамда табиий-иқтисодий шароитларнинг бир қатор кўрсаткичлари бўйича таққослаш тадқиқотнинг аниқ *предмети* сифатида Самарқанд вилоятининг, хусусан, Зарафшон оазисининг асосий маданий маиший маркази ҳисобланадиган Самарқанд шаҳрининг таъсир зонасини танлаш имконини беради.

Самарқанд шаҳрининг маданий-маиший таъсирлари зонасининг чегараларида жойлашган шаҳарлар ва бу йирик шаҳарнинг ўзи ҳам Ўзбекистон шаҳарларининг катта қисми учун шаҳарсозлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етарлича умумий тенденциялари билан характерланади.

Бу эса аниқ танланган тадқиқот объектининг Ўзбекистоннинг оазисли аҳоли турар жойларининг перспективали ўзлаштириш шароити учун етарлича типик деб ҳисоблаш имконини беради.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари: Аҳоли пунктлариаро хизмат қилишни ташкил этишнинг замонавий шаҳарсозлик назариясидаги турли концепциялари ва оазисли аҳоли жойлашишнинг аниқ шарт-шароитларини ўрганиш тадқиқотнинг қўйилган мақсадга эришишига мос келадиган қуйидаги вазифаларни аниқлаштиришга имконият яратади:

-Ўзбекистоннинг оазисли аҳоли жойлашишининг табиий–географик ва ижтимоий – иқтисодий шароитларини ўрганиш;

-худудий ташкил этилишнинг мавжуд бўлган қонуниятларини аниқлаб кўрсатиш;

-халқ-хўжалигининг ва шаҳарсозликнинг аҳоли пунктлариаро хизмат қилиш сфераснинг режали ташкил этилишининг янада ривожлантириш йўллари аниқлаш;

-оазисли аҳоли жойлашиш зоналарида гуруҳли тизимларни шакллантириш шароитига мос аҳоли пунктлариаро хизмат қилиш марказларининг функционал типологиясини ишлаб чиқиш;

-оазисли аҳоли жойлашишнинг перспективали режалаштириш структурасида аҳоли пунктлариаро хизмат қилишнинг ягона тизимини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Ўзбекистоннинг оазисли аҳоли жойлашишининг ўзига хос хусусиятларини, анъаналарини ва ривожланишининг перспективали тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда сифат жиҳатдан янги даражада даражадаги тартибга туширилган ва гуруҳли тизимга эга бўлган моделини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: XXI асрда ер юзидаги аҳоли жойлашувининг ривожланиши янги шаҳар шакли-агломерациянинг шаклланишига олиб келди. Тадқиқотчилар томонидан шаҳарлар агломерацияси хусусиятларини ўрганиш натижасида уларнинг хронологик кўриниши; мамлакатлар ва гуруҳларга бўлиб ўрганиш тавсия этилди.

Тадқиқотлар жараёнида шаҳарсозлик структурасининг (агроейлашувлар, агротуманлар, агрошаҳарлар) типологик кўриниши куйидаги хусусиятлар асосида аниқланади: бу эса шаҳарларнинг биосферадаги ўрни; атроф-муҳит билан ўзаро таъсири; территориядан фойдаланиш; ҳажмий-режавий концепсия танлови; композицион структурасининг ўзгариши; турар-жой қурилмалари типологиясини ўз ичига олади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили):

-бирламчи манбалар, тарихий материаллар таҳлили;

-архитектуравий лойиҳалаш, шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси ҳудудидаги адабиёт ва назарий тадқиқотларни таҳлил қилиш, хорижий манбалар билан ишлаш;

-постиндустриал объектлар муҳитини ўзгартириш тажрибаларини намоиш етувчи лойиҳа ва реал объектлар, постиндустриал шаҳарлар агломерациясининг структураси муҳитини шакллантириш ва архитектуравий муҳитга табиий шакллар интергациясини таҳлил қилиш киради.

Тадқиқотлар услубий адабий манбалар, илмий ойномалар, интернет-ресурслар, илмий-ҳужжатли филмлар, меъёрий ҳужжатлар, шаҳарсозликнинг умумжаҳон тажрибасини таҳлил қилиш базаси; илмий-техник ишланмаларни кўргазмаларни ўрганишга асосланган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи: Қуйидаги илмий изланишларни ўз ичига олади:

- магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича назарий – методологик ва лойиҳа - экспериментал (тажрибавий) маълумотларни тизимлаштириш;

-табиий текшириш ва аҳоли жойлашуви тизимининг комплекс таҳлилини амалга ошириш;

-аҳоли жойлашиш тизимида хизмат қилиш сферасини ташкил этишнинг, аҳолига хизмат қилиш марказлари типологиясини қуриш, экспериментал схемаларнинг графоаналитик таҳлилининг моделини ишлаб чиқиш;

Тадқиқот методикаси тизимли ёндашиш тамойилларидан фойдаланишга ва методологик шароитларнинг бирлигига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: Тадқиқотда олинган натижалар Ўзбекистоннинг, хусусан, Самарқанд вилоятининг ўзига хос шарт-шароитларида регионал аҳоли турар жойларининг схемаларини, районли режалаштиришнинг схема ва лойиҳаларини, шаҳарларнинг асосий режаларини ишлаб чиқишда фойдаланиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи: Диссертация таркиби кириш, учта боб, асосий хулосалардан иборат. Шунингдек унинг таркибида аналитик жадвал ва график материал мавжуд. Илмий тадқиқотлар натижаси бўйича шаҳарлар агломерацияси модели лойиҳаланган. Кириш қисмида мавзунинг

долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва амалий аҳамияти кўрсатилган.

Диссертациянинг I боби “Шаҳар агломерацияларининг вужудга келиши ва ривожланиш йўллари” га бағишланган бўлиб, унда “шаҳар агломерацияси” тушунчалари ва улрнинг мазмун-моҳияти; чет эллардаги шаҳар агломерацияларининг ривожланиш йўллари; Ўзбекистонда аҳоли жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари қараб чиқилган.

II боб “Шаҳар агломерацияларини тартибга солиш бўйича илмий-лойихавий концепциялар таҳлили” га бағишланган бўлиб, унда шаҳар агломерацияларини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича илмий-лойихавий концепциялар таҳлили; шаҳарлар ва аҳоли турар жойларининг ўзаро боғланган гуруҳли тизимга ўтиш концепциясининг таҳлили ўрганилган.

III боб “Самарқанд агломерациясининг таркибий тузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш тамойиллари” масалаларининг ечимига йўналтирилган бўлиб, унда Самарқанд агломерациясининг шаклланган таркибий тузилмасининг таҳлили; Самарқанд агломерациясининг ўзаро боғланган гуруҳли тизимини шакллантириш йўллари; Самарқанд агломерацияси гуруҳли тизимининг яхлит таркибий тузилмасини ривожлантириш тамойиллари каби илмий-лойихавий ечимлар берилган.

Диссертациянинг хулоса қисми тадқиқотнинг назарий ва амалий натижаларини ўз ичига олган.

I БОБ. ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

1.1. “ Шаҳар агломерацияси “ тушунчалари ва уларнинг маъзмун- моҳияти

Шаҳарлар агломерацияси – йирик марказлар атрофида ҳосил бўлаётган шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бирлашмаси ҳисобланади. Улар одамларнинг ҳаёт тарзини чуқур ўзгартирадиган шаҳарлашишнинг ҳақиқий манбаини, унинг асосий жараёнларининг моҳиятини ўзида акс эттиради.

Бутун жаҳонда шаҳарлар агломерацияси тараққиётида маълум бир тартибни вужудга келтириш жуда муҳим иқтисодий, социал ва экологик вазифа сифатида қаралади. Шаҳарлар қурилишидаги, туманларнинг режалаштирилишидаги, иқтисодий географиядаги, регионал иқтисоддаги ва социологиядаги агломерация муаммосига жуда катта эътибор қаратилаётганлигини шу билан изоҳлаш мумкин.

Агломерациянинг шаклланиши – халқ хўжалигининг ҳудудий ва тармоқлар бўйича тараққиёти томонидан стимулланиб турадиган объектив жараён ҳисобланади. Аҳолининг ҳаддан ташқари кўп бир жойда тўрежаиб олиши ва ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви, ҳудудни режалаштиришдаги тартибсизлик атроф – муҳитнинг ва одамлар яшаш шароитининг сезиларли даражада ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Шунинг учун агломерацияни бошқариш ўта муҳим жараён ҳисобланади. Бу нафақат унинг тараққиётининг салбий оқибатларини бартараф этишга, балки, сезиларли даражада социал, иқтисодий ва экологик эффектларга эришиш учун шарт-шароит яратиш учун ҳам муҳим ҳисобланади.

“Агломерация” терминини тушунишдаги жаҳон илмий адабиётидаги ўзаро фарқлар бу ходисанинг мураккаблигини, ва у ёки бу мамлакатнинг хусусиятларини яққол акс эттиради. Агар собиқ совет географик ва шаҳарсозлик фанида агломерацияни шаҳар ва қишлоқ жойлашишларининг ҳудуд жиҳатдан яқинлашган, аммо фазовий ажралишларга эга бўлган гуруҳланиши тушунилган бўлса, ғарб тадқиқодчиларининг фикрича, у қурилган ҳудудларнинг бирлашиши натижасида ҳосил бўлган узлуксиз маскан ҳисобланади.

Шаҳар агломерацияси – шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ихчам ҳудудий гуруҳлашган тўпламмаси бўлиб, у кўпқиррали жадаллашган – ишлаб чиқариш, коммунал-хўжалик, меҳнат, маданий-маиший, рекреацион ҳамда берилган ҳудудни ва унинг ресурсларини

биргаликда фойдаланиш алоқалари билан бирлашган мураккаб ўзгарувчан локал тизим ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш муҳимки, шаҳар агломерацияси – бу нафақат аҳоли пунктлари йиғиндиси, балки улар орасидаги фазо ҳам ҳисобланади. Бу, худди шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар атрофи худудлари билан бирлашган зич тармоғидек бўлиб, юқори даражада шаҳарлашган худуд ҳисобланади.

Агломерация, *бу турли типдаги жойлашувларнинг бирлашмаси*, йирик марказнинг ва кўп сондаги кичик ҳамда ўрта шаҳарларнинг, кўрғонларнинг (поселкаларнинг) ва қишлоқ жойларининг бирлашиб кетишидир. Кичик шаҳарлар йирик марказнинг бевосита таъсир доирасига кириб, агломерациянинг таркибий қисми бўлиб қолади. Аммо жойлашишнинг ва ишлаб чиқаришнинг режали равишда ривожланишида улар агломерация ичида юқолиб кетишмайди. Агломерация шаҳарни инкор этмайди, аммо уни ўзгартиради. Агломерацияларнинг таркибига у социал ва иқтисодий жиҳатдан янги, янада мураккаброқ ва самаралироқ ҳаётни олиб киради. Агломерацияни ҳосил қилувчи шаҳарлар системанинг бир қисми сифатида вужудга келиши юз беради.

Агломерацияларда шаҳар ва қишлоқ жойлари бир – бирига бирлашиб, жипс боғланиб кетишади. Умуман олганда шаҳар ва қишлоқ жойлари орасидаги чегара тарихан ўзгарувчан, ҳаракатланувчан ва шартли ҳисобланади. Агломерацияларда эса бу яққол кўриниб туради. Бундаги қишлоқ жойларда ўз функцияси ва ҳаёт тарзи бўйича ярим шаҳарлик аҳолилар жуда кўп. Агломерациялар шартли нафақат шаҳар ва қишлоқнинг бир-бирига муваффақиятли яқинлашишига, уларнинг интеграциясига кўмаклашади, балки, умуман турли жойларнинг муаммоларини, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ёрдами асосида ечишда шароит яратади. Шаҳарларнинг чегараланган худуди доирасида реал ўзаро боғланган ечимларга йўл очади.

Агломерацияни, унинг юқори интенсивликка ва хилма-хилликка эга бўлган ички алоқалари бирлаштиради ва унга бирлик ҳамда бутунлик беради. Агломерация учун *аҳоли бўйича алоқалар* – маятникли, меҳнат бўйича, маданий-маиший ва рекреацион қатнашлар энг характерли ҳисобланади. Ўзаро боғлиқ жойлашиш худудлари бўйича агломерациянинг хусусиятлари аҳолининг юқори ҳаракатланувчанлигидан далолат берувчи маятникли миграциянинг кўлами ва интенсивлигида намоён бўлади. *Максимум соатларида* ҳаракатнинг ортиши ва сутка давомида кўп ҳаракатли йўналишларнинг алмашинуви (эрталаб марказга йўналган ва кечқурун марказдан ташқарига йўналган) бу ҳаракатга *олиб келиш ва олиб*

кетили характерини беради. Бу жараёнда ўнлаб ва юзлаб кишилар иштирок этади.

Агломерацияларда асосий аҳамият шаҳар-марказ зиммасида бўлади. Бу эса агломерациянинг генезисидан келиб чиқади, яъни унинг шаклланишини кўп ҳолларда йирик марказнинг функционал ва фазовий ривожланишининг юқорироқ босқичи деб қараш мумкин. Шаҳар-марказдан агломерациянинг бирлашганлиги, бутунлиги ва компонентларининг ўзаро таъсирларининг интенсивлиги боғлиқ бўлади. Агломерация ички алоқаларининг жуда кўпчилик қисми шаҳар–марказга йўналтирилган бўлади ва у агломерацияни ва туманлараро алоқаларни ўз ичига олади (2-планшет) [14].

Шу билан бир қаторда агломерациянинг бошқа жараёни ҳам мавжуд-агломерацияларнинг туманлардан шаклланиши. Шаҳар-партнерларлар ҳудудий гуруҳлари орасида (масалан, ишлаб чиқариш марказлари) бирор шаҳар хўжалик-ташкилий, илмий, маданий ва бошқа функцияларини ривожлантириб, аста-секин бошқаларига нисбатан катталашади ва шу асосда агломерациянинг маркази бўлиб қолади. У маълум даражадаги етуклик даражасига етгандан кейин, агломерациянинг ривожланиши биринчи вариант бўйича амалга оша бошлайди (2-планшет) [14].

Агломерациянинг шаклланиши-бу катта шаҳар потенциалининг реализацияси, унинг тараққиёти ва шаҳарсозлиги бўйича долзарб муаммоларининг ечимлари, воситалари ва имкониятларининг кенгайтиши, аммо шу билан бирга бутун агломерацион ҳудуднинг имкониятларидан-унинг ресурслари, ҳудудининг локал сифими, инфраструктураси, географик жойлашишидан тўлароқ фойдаланиш ҳисобланади.

Агломерация - кўп компонентли ишлаб чиқариш-ҳудудий комплекснинг ривожланиши учун ўзига хос бўлган муҳит: унинг таркибида юқори малакали кадрларга эга бўлган ривожланган техник ва социал инфраструктурали марказларнинг гуруҳлари мавжуд бўлади. Агломерациялар муҳитининг кўпсондаги “ўсиш нуқталари”, функцияларининг дифференциацияси, махсус ишлаб чиқаришнинг чуқурлашуви, фан, лойиҳалаштириш, таълим ва унинг турли хилларининг интеграллашуви, тармоқлараро бирлашмаларнинг шаклланишига эга бўлади.

Агломерациянинг динамиклиги уни аслида ўз-ўзича инерт ва консерватив ҳисобланган жойлашиш жараёнида фаол звено сифатида ажратиб туради. Шаҳар агломерациялари фақатгина ўзлари тез ривожланибгина қолмасдан, балки уни ўраб турган ҳудудга, туманлар, марказлар, кенг алоқалар фазолари системасига кучли таъсир этади.

Жойлашиш, умуман олганда инерт ҳисобланади, агломерация эса таракқиётнинг уйғотувчиси ҳисобланади.

Агломерациянинг самараси сифатида унинг турли ҳудудий даражаларда кўринадиган, халқ хўжалигининг ва жойлашишнинг ҳудудий структурасида агломерацион жараёнлар таъсиридаги ижобий силжишларнинг мажмуи ҳақида гапириш мумкин (3-планшет) [14].

Шаҳар агломерацияси диаметрал қарама-қарши жараёнлар ҳаракатининг майдони ҳисобланади. Унинг доирасида улар бир-бирини стимуллаштириб жипс равишда ўзаро таъсирлашиб туради. Агломерация-қарама-қаршилиқлар бирлигининг ҳаётга тадбиқи ҳисобланади: бир томондан, фаолият турларининг дифференциацияси – иккинчи томондан интеграцияси; яна бир томондан, аҳолининг, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш сфераларининг концентрациялашиши ва бошқа томондан уларнинг сийраклашиши ҳисобланади.

Агломерацияларни шакллантириш, уларнинг ривожланиш ва ишлаб туриш хусусиятларини илмий билиш, уларнинг хўжалик ва жойлашишнинг ҳудудий структурасидаги ўрнини билиш билимлари бўйича тузилган режа асосида бўлса, жойлашишнинг бу юқори формада ривожланишининг барча салбий оқибатлари сезиларли камайтиради.

Демак, агломерациялар ривожланаяпти ва ўсаяпти, чунки жамиятнинг талабларини тез ва сифатли бажариш қобилиятига эга. Ўз вазифасини бажаришни янада давом эттириш учун, улар ўз функцияларини қайта кўриб чиқиши ва тўғрилашлари лозим, функционал структурасининг фақатгина юқори даражада урбанизациялашган муҳит ҳақиқатан ҳам талаб қиладиган қисминигина қолдириши лозим бўлади. Агломерациянинг ютуқларидан тўла равишда фақатгина унинг ривожланишини илмий асосланган бошқариш йўллари орқали фойдаланиш мумкин.

Агломерациянинг ҳудудий структураси умумлашган кўринишда келтирилган схемада кўрсатилган (3-планшет) [14]. Ядро – яқин йўлдошларга эга бўлган марказий шаҳар (баъзан унинг ўзи ҳам агломерацияни ташкил қилади) қудратли фокуси бўлиб, мономарказий системада етакчи бўлган марказга интилма оқимларни ўзига тортувчи марказ, бирлаштирувчи тугун ҳисобланади. Шаҳар-ядро маркази доимий равишда ортиб боровчи юкломани ҳис қилиб туради ва ривожланаётган агломерацияга хизмат қилади. Бу эса унинг янги тузилишга ўтиши лозимлигини, бутун агломерацияларга нисбатан бурчини янада самаралироқ бажаришга лаёқатли марказ системасини тузишни тақозо этади.

Яқин йўлдошлар – марказий шаҳарнинг административ тузилишидан ташқарида жойлашган, у билан шаҳар транспорти ёрдамида боғланган, унинг периферия районларига ўхшаб ривожланаётган ташқи районлари ҳисобланади. Уларнинг ривожланиши замонавий шаҳарнинг чегараларининг ноаниқлашишига олиб келади, шаҳар-марказдан унинг атрофига ўтишнинг аста-секин жараён эканлигидан далолат беради.. Уларнинг шаҳар-марказ остонасида жойлашганлигининг қулайлиги бошқа кам бўлмаган ноқулайликлар билан боғлиқ. Яқин йўлдошлар ҳудудидан доимий равишда кучли катнов билан тўлиб турган транспорт трассалари ўтади. Катта транспорт йўллари шаҳарни кесиб ўтади, унинг режалаштириш структурасининг яхлитлигини бузади, шаҳар ичидаги алоқаларни мураккаблаштиради.

Агломерациянинг шаклланиши–жой потенциалининг реализацияси, элита шаҳар ишлаб чиқаришидан фойдаланишни яхшилайти. Йўлдош шаҳарлар йирик шаҳарларга яқин жойлашганлигининг натижасида унга хос бўлган элита шаҳар ишлаб чиқаришидан фойдаланади, бу эса уларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш имкониятларини ниҳоятда кенгайтиради. Микрожойлашишнинг қулайлиги уларга марказий шаҳарнинг йирик социал-маданий потенциалидан кенг фойдаланиш имконини беради.

Агломерацияларнинг реал структураларида ва уларни такомиллаштиришнинг лойиҳа таклифларида чегаравий йўлдошлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Улар жойлашган ҳудудларда маятникли кўчишнинг марказга интилма оқими деярлик йўқ.

Шаҳар қурилишининг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан чегаравий йўлдошлар агломерацияларда тараққиётнинг етакчи марказлари сифатида қаралиши лозим, чунки бу қандайдир даражада марказга интилма меҳнат оқимларини сусайтиради ва марказдан қочма оқимларни стимуллайти.

Агломерациянинг периферия ҳудудидан шаҳар-марказга маятникли катнов деярли мавжуд бўлмайди, аммо аҳолининг банд қисми у ердан шаҳар-йўлдошга боради. Периферия ҳудудининг чегараси вақт ўтиши билан ташқи тарафга силжийди, бир қисми эса кенгаётган йўлдош қатлами билан бандлашиб боради. Периферия ҳудудида жойлашган шаҳарлар агломерациянинг ядросига нисбатан тугун-пасангиларни ҳосил қилади. Шаҳар қурилишининг режалаштириш схемаларида уларнинг ролига ҳам катта аҳамият берилади [14].

Агломерацион ҳудуднинг ҳар бир халқали зонасининг ички қисми бир жинсли бўлмайди. Марказий шаҳардан чиқиб тарқаладиган транспорт

йўллари бу халқали зоналарда аҳоли пунктларининг концентрациялашган йўлакларини ҳосил қилади ва улар агломерациянинг бутун қатламли структурасини бир бутунга бирлаштириб турувчи стержен вазифасини ўтайди. Концентрация йўлаклари нисбатан кам банд бўлган ҳудудлар билан аралашиб кетади. Шундай қилиб, халқали зоналарга вақт ўтиши билан аҳамияти ортиб боровчи секторлар қўшилади. Секторал структуранинг йўлакли структурага қўшилиши ҳудудни трапеция кўринишдаги шаклларга ажратади. Бу эса режалаштириш ва лойиҳалаштиришдан олдинги информациялар йиғиш тадқиқотлари учун ҳудуд бирлиги сифатида фойдаланишда мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агломерациянинг ҳудудий структураси схемасининг кўриниши умумлашган назарий ҳолда шундан иборат бўлади. Шаҳар-марказ ўзини ўраб турган атроф муҳитга нисбатан турли кўринишдаги алоқаларнинг фокуси сифатида намоён қилади. Агар бу алоқаларни карта устига туширилса, уларнинг радиуслари қийматларининг турли хиллиги туфайли чегаралар “оиласи” ҳосил бўлади. Булар меҳнат ва маданий-маиший алоқалар, рекреацион қатновлар, коммунал-хўжалик таъминоти, марказий шаҳарни сут, мевалар, картошка ва ҳоказолар билан таъминлаш ҳудудларининг кўринишлари ҳисобланади. Агломерациянинг интеграл чегараси юқорида айтиб ўтилган ҳудудларнинг, хусусий чегараларнинг бирлаштирилишига асосан аниқланиши мумкин (3-планшет) [14].

Агар бутун мамлакатнинг ёки унинг йирик бир қисмининг агломерацияларининг мажмуи ўрганилаётган бўлса, у вақтда агломерациялар чегараларини аниқлашнинг оддий транспорт қатнови имконияти кўрсаткичига асосланган билвосита метод ёрдамида иш кўрилади. Шаҳар агломерациялари ўз ривожланиши давомида жойлаштириш олдида турадиган икки асосий вазифанинг ўзаро боғлиқ бўлган ечимлари учун тайёргарлик кўради: одамларнинг яшаши учун атроф муҳитни тўлақонли яхшилашни ҳам ўз ичига олган ҳолда қулай шароитни яратиш ва ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятларининг ривожланиши ва ишлаши учун қулай шароит таъминлаш. Собиқ иттифоқда йирик шаҳар агломерациялари замонавий ва перспектив жойлашишнинг асосий формаси сифатида юқори даражадаги динамикани кўрсатади. 20 йилликда (1959-1979) унинг шаҳар аҳолисининг сони икки мартадан кўпроққа ортди (мамлакатнинг шаҳар аҳолисининг сони 63,6 % га ортди). Агломерация шароити янги шаҳарларнинг барпо бўлишига олиб келдики, уларнинг сони ҳам икки мартадан кўпроққа ортди. Асримизнинг охириги чораклигида барпо бўлган янги шаҳарларнинг асосий кўпчилик қисми йирик марказлар атрофида жойлашди. Шаҳарлар

агломерациялари шаклланишининг бориши уларнинг жойлашишдаги ва аҳолининг умумий сонида уларнинг улушининг сезиларли ортиши тўғрисида далолат беради. 1979 йилда фақат йирик шаҳар агломерацияларида мамлакат шаҳар аҳолисининг деярли 60 % ва шаҳарларининг 30 % жойлашган. Уларнинг ривожланиш динамикаси ҳақида жадвалда келтирилган рақамлар бўйича хулоса чиқариш мумкин (1-жадвал) [14].

*МДХ йирик шаҳар агломерацияларининг ўсиш динамикаси
(Г.М. Лапто бўйича).*

Жадвал-1.

Йиллар	1959 й.	1970 й.	1979 й.
Агломерациялар сони	40	61	80
Улардаги шаҳар типдаги жойларнинг сони	921	1330	1658
Шу жумладан шаҳарлар сони	320	475	615
Агломерацияларда шаҳар аҳолисининг сони (млн. киши)	44.9	71.9	96.2
Агломерациялар умумий аҳоли сонида йўлдош шаҳарлар ҳудудининг улуши (%)	29.9	30.0	30.4

Агломерацияни ҳозирги вақтдаги ва перспектив жойлашишнинг асосий формаси сифатида тан олиш унга жойлашишнинг барча мураккаб ва кўп қиррали муаммоларининг ҳал этувчиси деб қарашни билдирмайди. Агломерацияларнинг шаклланиши танлаб олинган жараён бўлиб, уни ҳамма жойга ҳам тадбиқ этиб бўлавермайди. Кўпчилик кенг ҳудудлар агломерацияларнинг ривожланиши учун умуман шароитга эга эмас.

Агломерация ҳудудларнинг концентрацияланган ривожланиши учун қулай шароитга эга бўлган жойлардагина ҳосил бўлади. Бундай ерларда жойлашиш тармоғи системага айланади. В.В.Покшишевский “шаҳар жойларнинг ҳудудий тармоғи” ҳақида гапирганда уларнинг гуруҳли тармоқларига, шу жумладан “ёрқин кўриниб турган агломерацион характерга” эътибор қаратади ва “охирги формалар шаҳар системалари дир” деб хулоса қилади [14]. Шундай қилиб, агломерацияларни фақатгина локал даражаларда қараш уларнинг кўпчилик хислатларини очиб бериши мумкин, аммо уларнинг хўжаликни ҳудудий ва жойлашишидаги ролини тўлиғича ёритишга имкон бермайди. Агломерацияларни регионал даражада қараш уларнинг янги қирраларини очиб беради - улар регионал

социал-иқтисодий системанинг ядроси сифатида юзага чиқади, район ташкил этувчи ва район ҳосил қилувчи вазифасидаги ролни бажаради. Мамлакат миқёсидаги даражада эса агломерациялар районлараро алоқаларнинг тугунлари сифатида, жойлашишнинг таянч каркасининг муҳим тугун элементлари сифатида юзага чиқади. Агломерациялар жойлашишнинг ўта динамик элементи сифатида яқин ва узоқ ҳудудлар билан фаол ўзаро таъсирда бўлади ва шу билан жойлашишда ўзига хос “агломерацион резонанс” ҳосил бўлишига ундайди.

1.2. Чет эллардаги шаҳар агломерацияларнинг ривожланиш йўллари

Ҳозирги замон ишлаб чиқариш кучлари ва аҳоли жойлашувининг кўриниши катта шаҳарлар ва уларнинг атрофида йирик, тез ривожланаётган аҳоли жойларининг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Улар шаҳар агломерацияси, катта шаҳарлар “туманлари”, “урбанизациялашган туманлар”, “конурбация”, “метрополитен ареаллари” деб аталади [9].

Шаҳар агломерацияси деб яқин жойлашган шаҳарлар ва бошқа аҳоли жойлари гуруҳига айтилади. Улар аҳолиси ўзаро яқин меҳнат, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш алоқаларига эгадир. Агломерацияларнинг кўйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

- 1) Агломерация аҳолисининг сони – ҳудуднинг табиий-иқлимий тавсифномасига, ижтимоий-иқтисодий фаолиятига ва мавжуд аҳоли жойлашуви тизимига боғлиқ. Аҳоли сони бўйича янги ўзлаштирилган туманлардаги, юқори урбанизациялашган ва рекреацион туманлардаги агломерациялар бир-биридан кучли фарқ қилади. Шунинг учун ҳар бир конкрет ҳолатда минимал аҳоли сони белгиланиши лозим;
- 2) Аҳоли зичлиги – унинг ўсиши билан аҳоли жойлари ва уларга ёндошган ҳудудлар агломерация кўринишини оладилар. Жаҳон энг йирик шаҳарлари маконий таркибининг қиёсий таҳлили шуни

кўрсатадики, бир қанча фарқларга қарамай, уларнинг ҳудудида яққол кўзга ташланадиган зоналар фарқни ифодаловчи 3 та элементни ажратиш мумкин: шаҳар-марказ, шаҳаролди қисми ва ташқи қисм. Қуйидаги жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бу асосий қисмларда аҳолининг ҳудудий жойлашувини тавсифлайди. Бунда марказдан чет қисмларга аҳоли концентрациясининг камайиши кузатилади. Шундай қилиб йирик шаҳарлар атрофида пайдо бўлган аҳоли жойлашуви туманлари аҳолининг ҳудуд бўйлаб анчагина нотекис жойлашуви билан тавсифланади;

*Жаҳон энг йирик шаҳарларининг маконий таркиби
(М.К. Мирзаев бўйича).*

Жадвал-2.

Шаҳарлар	Аҳолининг нисбий сони %				Ҳудуднинг нисбий майдони %				Аҳоли зичлиги, одам м ²				Аҳолининг нотекис жойлашуви коэффициенти
	Марказ шаҳар	Шаҳар олди қисми	Ташқи қисм	Аҳоли жой. туманлар	Марказ шаҳар	Шаҳар олди қисми	Ташқи қисм	Аҳоли жой. туманлар	Марказ шаҳар	Шаҳар олди қисми	Ташқи қисм	Аҳоли жой. Туманлар	
Париж	765	85,9	14,1	100	6,2	12,0	88,0	100	8610	5030	110	700	0,78
Лондон	44,8	65,6	34,4	100	5,7	16,3	83,7	100	7410	3780	380	940	0,53
Нью-Йорк	60,9	81,4	18,6	100	8,5	25,3	74,7	100	6430	2890	220	900	0,65
Токио	53,5	61,9	38,1	100	9,2	22,7	77,3	100	14590	6890	1230	2510	0,46

3) Шаҳарлар орасидаги функционал алоқаларнинг ривожланиши, улар аҳолининг иш жойларига ҳаракати интенсивлиги билан белгиланади. Бундай марказий шаҳарга ҳаракатлар улушининг ўсиши қишлоқ хўжалигида машғул бўлмаган аҳоли сонининг ошиб бориши ҳамда ишлаб чиқаришнинг йирик шаҳарларда жойлашуви билан боғлиқ. Бу алоқалар ривожланишига асос бўлиб мавжуд ва барпо қилинаётган инженерлик тармоқлари, автомобиль ва темир йўл коммуникациялари хизмат қилади. Агломерацияларнинг чегаралари уларнинг транспорт етарлилиги асосида аниқланади [9].

Шаҳар агломерацияларини аниқлаш қуйидаги кўрсаткичлар:

1км² ҳудуддаги аҳоли зичлиги, қишлоқ хўжалигида машғул бўлмаган аҳолининг нисбий катталиги, актив аҳолига нисбатан марказга ишга келувчиларнинг улуши бўйича ўтказилади.

Моноцентрик агломерациянинг қисмларга бўлинишини қуйидаги функционал-макониё модел сифатида тасаввур этиш мумкин.

1. Агломерациянинг марказий ядроси, у марказий шаҳарнинг тарихан шаклланган қисмини ўз ичига олади. Энг йирик агломерациялар марказий ядроларида аҳоли зичлиги 20...30 минг одам/км²ни ташкил этади.
2. Сиқик агломерация (ёки фактик шаҳар), унинг таркибига марказий ядродан ташқари, маъмурий чегарадаги марказий шаҳар ҳамда аҳоли жойлари ва шаҳар олди қисмининг у билан аралаш ва яхлит маскан ташкил қилувчи майдонлари киради. Баъзи энг йирик шаҳарлар сиқик агломерацияларининг майдони: Москва – 1290км², Лондон – 1420км², Париж -1250км². Бу шаҳарлар сиқик агломерацияларидаги аҳоли зичлиги 5...7 минг одам/км².
3. Кенгайган агломерация, унга сиқик агломерациядан ташқари агломерация марказий ядросидан бир соатлик транспорт етарлилиги зонасида жойлашган бир қатор аҳоли жойлари киради. Бу ерда жаҳоннинг энг йирик агломерациялари аҳолисининг бутун маятникли миграциясининг 90% дан ошиғи жамланган. Бундан келиб чиқиб “кенгайган агломерацияларнинг” майдонлари – Москваники-4650км², Парижники – 3550 км², Лондонники – 6800 км². Кенгайган агломерацияларда аҳоли зичлиги – 1,5-3 минг одам/км².
4. Таъсир доирасидаги аҳоли жойлашуви тумани. Унга юқорида келтирилган ҳудудлардан ташқари агломерация ядросидан икки соатлик транспорт етарлилигидаги аҳоли жойларини ўз ичига олган ташқи қисм ҳам қўшилади. Бу аҳоли жойларининг марказий шаҳар

билан маятникли алоқалари ҳам анча кучсиз. Аҳоли зичлиги ҳам катта эмас. Масалан, Москва агломерациясида у 50 одам/км² ташкил этади.

Урбанизациянинг энг юқори даражаси метропол қисмлар учун характерлидир. Метропол қисмни фазовий узлуксиз йирик шаҳар аҳоли жойлашуви тизими сифатида қараш мумкин. Улар камида битта йирик шаҳар ва у билан боғлиқ урбанизациялашган қисмни ўз ичига олган алоҳида маъмурий бирликлардан иборат [9].

Ҳозирги пайтда метрополияларнинг кутблашув жараёнлари кучаймоқда, бунинг натижасида асосий шаҳар ташкилий функцияларнинг концентрациялашуви юз бермоқда. Масалан, италян шаҳарсозлари ягона стандартлар бўйича метропол қисмлар тузишни таклиф қилмоқдалар. Бундай ёндошув аҳолини метрополияларда анъанавий концентрациялашувини чеклайди ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кучсиз туманларни ҳамда кичик аҳоли жойларини ривожлантириш имконини беради.

Метропол қисмларнинг тўрежаиши турли мамлакатларда мегаполисларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳозирги пайтда пайдо бўлаётган мегаполисларни таҳлил қилаётиб, мутахассислар улар аҳолисининг минимал сонини 25 млн. одам деб атадилар. Олти шундай мегаполисларни кўрсатиш мумкин: Шимолий Америкадаги Шимолий-Шарқ ва Буюк кўллар, Япониядаги Токайдо, Буюк Британиядаги Лондон ва Ливерпул, Европанинг шимолий-ғарб қисмида, учта мамлакат худудини ўз ичига оладиган (Голландия, Германия, Франция), Хитойда Шанхай-Нанкин. Буларга аҳоли сони бўйича Бразилиядаги Рио-де Жонейро, Сан-Паулу, шимолий Италиядаги Милан-Турин-Генуя, АҚШдаги Лос-Анжелес, Сан-Франциско мегаполислари яқинлашмоқда. Мегаполис асосий коммуникацион ўқ ва шу ўқ бўйлаб шаклланадиган, халқаро ва миллий аҳамиятдаги турли функцияларни бажарувчи “ядро”лар (шаҳар марказлари) билан тавсифланади.

Мегаполисларнинг асосий функцияси “иқтисодий ўзак” вазифасини бажаришдир (4-планшет) [9].

Бу нарса Бостон-Нью-Йорк – Вашингтон, Токио-Осака, Лондон-Ливерпул каби мегаполислар учун ҳам тўғридир.

Мегаполисларнинг бошқа муҳим тавсифи – юқори аҳоли зичлигидир. Худди мегаполисларда инсон фаолияти ва ҳаёт тарзининг анъанавий шакллари ўзгариши ва трансформациясининг замонавий тенденциялари пайдо бўлади. Мутахассислар мегаполисларни шундай анъаналарнинг “инкубаторлари” деб атайдилар, чунки уларда бу ўзгаришлар бошқа туманларга нисбатан интенсивроқ ўтади.

Шаҳар агломерацияларини ажратгандан сўнг, уларни аҳоли сони бўйича, унинг зичлиги, шаҳарлар ва аҳоли жойларининг бир-бирдан узоқлик даражаси бўйича баҳолаш муҳимдир. Бу кўрсаткичлар бўйича агломерацияларнинг кучсиз ривожланган, ривожланаётган ва перспектив турларини ажратиш мумкин (4-планшет) [9].

Агломерациялар ривожланиши қуйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин:

- **белбоғ** бўйича - агломерация маркази атрофида, 50-100 км масофада йўлдош шаҳарлар халқаси яратилади;
- **параллел** - марказий шаҳар билан бир қаторда худди унингдек функцияларга эга шаҳар барпо этилади;
- **секторли** – транспорт ва коммуникацион ўқлар бўйлаб ривожланиш;
- **йўналтирилган** – аҳоли жойлари тизими бирор танланган ўқ бўйича шаклланади (5-планшет) [9].

Агломерациялар ривожланишини бошқариш бир қатор функцияларни тарқатиш, меҳнатни ҳудудий тақсимлаш, ишлаб чиқариш фаолиятини концентрациялашуви ва интеграцияси асосида олиб борилади.

Бу агломерацияда иш-уй борди-келдилари 31% ни, ўқув муассасаларига – 10%. Ҳамма борди-келдиларнинг 54% индивидуал автомобилларда ва 31% - жамоат транспортида амалга оширилади.

Йирик ва энг йирик агломерацияларни тархйй тахлили кўрсатдики, ривожланиш мобайнида саноат корхоналарининг стихияли тарқоқлиги, марказ-шаҳардаги саноат ривожланиши йўналиши билан мослашган ҳолдаги саноатни рационал жойлашувига ўрин бўшатиб берди. Масалан, Москва аҳоли жойлашуви тизимида жанубий-шарқ йўналиши ҳал қилувчи ривожланишга, Горький аҳоли жойлашуви тизимида - жанубий-ғарб, Санкт-Петербург тизимида – жанубий, Пермда – жанубий ва жанубий-ғарбий йўналишлар олдинга чиқдилар. Бу ҳол шу билан шарҳланадики, саноат туманларининг жойлашувига агломерация инфраструктурасининг ривожланиш даражаси катта таъсир кўрсатади.

Агломерацияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан ижобий ҳол бўлиб, унинг ҳудудидаги аҳолининг иш жойлари билан таъминланишига, маданий-маиший хизмат кўрсатиш турларидан фойдаланишга, қисқа ва узоқ муддатли дам олиш туманлари хизматидан баҳраманд бўлишга йўл очиб беради. Шу билан бирга агломерациялар ривожланишида бир қатор салбий ҳолатлар борки, уларни турли хил йўллар билан йўқотмаслик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолатларга агломерация марказий шаҳри ҳудудининг шаҳар олди қисм қурилмалари билан биргалашиб кетиб, узлуксиз қурилмаларнинг пайдо бўлиши, очик ва кўкаламзор ҳудудларнинг камайиб кетиши, марказий ва чет ҳудудлар ўртасидаги диспропорция, саноат корхоналарининг дуч келганча жойлашуви, агломерация ҳудудида экологик ҳолатнинг ёмонлашуви, нораціонал иш жойларига ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш жойларига бориб-келишлар ва бунинг натижасида “транспорт чарчоғи” деб номланган ҳолатнинг пайдо бўлиши ва ҳ.к [9].

Агломерацияларнинг салбий томонларини йўқотиш учун “аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизими” деб номланган концепция ишлаб чиқилган. Аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизими деганда турли катталиқдаги ва халқ хўжалик профилидаги, ўзаро ўсиб боровчи муносабатдаги, аҳолининг турли хил алоқалари, умумий тархйй таркиб

ва улардан комплекс фойдаланишга асосланган, табиий-ландшафт муҳитидаги аҳоли жойлари гуруҳини маконий ташкил этиш тушунилади.

Аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизими ҳудудий-ишлаб чиқариш кўрсаткичи бўйича, ишлаб чиқариш ва аҳоли жойлашувининг рационал даражада концентрациялашувини; ишлаб чиқариш комплексларини оптимал жойлаштиришни; бош инженерлик иншоотлари ва коммуникацияларини кооперациясини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Бу тизимда аҳоли жойлари ўзаро боғлиқ шаҳарсозлик тузилмаларининг таркибий-функционал элементлари сифатида ривожланади.

Агломерацияларнинг ривожланиш даражасининг янги кўрсаткичи бўлиб: марказий шаҳарнинг катталиги, аҳоли ва аҳоли жойларининг зичлиги, аҳолининг нисбий кўрсаткичлари ва машғуллик таркиби, аҳоли жойлариаро алоқаларнинг таркиби ва интенсивлиги кабилар хизмат қилади. Аҳоли жойлашувининг гуруҳли тизими ажратиш мезонларидан бири бўлиб марказий шаҳарнинг вақт етарлилиги хизмат қилса, кейингиси – барча аҳоли жойларининг функционал яхлитлигининг кучайишидир.

Мамлакат аҳоли жойлашуви иерархик турлари қуйидагиларни: хўжалик ичи, туман, вилоят ва республика тизимларини ўз ичига олади. Вилоятлар гуруҳлари асосида аҳоли жойлашуви тизимларининг шаклланиш жараёни кузатилмоқда. Бу тизимга регионал аҳоли жойлашуви тизими деб айтилади. Ҳозирги пайтда регионал аҳоли жойлашуви тизимлари шаклланишининг 3 та босқичи мавжуд: вилоят, вилоятлараро ва ундан юқори [9].

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш характери кўрсатадики, аҳоли жойлашуви тизими автоном шаҳарлар гуруҳи сифатида эмас, балки уларда кечадиган жараёнларга мувофиқ бир-биридан фарқ қиладиган ихтисослашган функционал қисмлар тўплами сифатида шаклланиши лозим. Катта аҳоли жойлашуви тизимларини лойиҳалаганда

табiiй ресурслардан рационал фойдаланиш, табиат муҳофазаси масалалари олдинга чиқади.

1.3. Ўзбекистонда аҳоли жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё регионининг марказида жойлашган бўлиб, кўшни мустақил давлатлар ўртасида боғловчи халқа вазифасини бажаради.

Унинг *иқтисодий-географик ҳолати* Буюк Ипак йўлининг аналоги бўлган *Евроосиё иқтисодий илмий ва маданий кўпригини* қуришда ва Республикамизни давлатлараро товарлар алмашлаш ва транзити, капитал тўплаш ва халқаро иқтисодиётга интеграцияланувчи, бир қатор йирик транснационал инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос регионал марказга айланишида катта имкониятларни очиб беради.

Ўзбекистоннинг 70% ҳудудини чўллар ва ярим чўллар, 20% ини тоғлар, 10% га яқинини эса суғориладиган ерлар – воҳалар ташкил ташкил этади. Аҳолининг 90% шу воҳалар ҳудудида яшайди.

Ўзбекистоннинг *ўзига хос хусусияти* шундан иборатки, аҳоли жойлашуви ривожланиши жараёнида бу ерда интенсив шаҳарсозлик ўзлаштириш қисмлари (воҳалар) шаклланди, уларда аҳоли жойларининг, меҳнат қилиш жойларининг, хизмат кўрсатиш марказларининг ўзаро боғлиқ ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Аҳоли жойларининг *маконий интеграцияси* жараёнларининг кучайиши натижасида аҳоли жойлашувининг таянч каркаси, ягона ҳудудий-функционал организм – *аҳоли жойлашуви тизими* шаклланди [9].

Дунё миқёсида юз бераётган урбанизация жараёнлари Ўзбекистон учун ҳам характерлидир. Қишлоқ хўжалигининг катта меҳнат талаблиги, аҳоли табиий ўсишининг юқори даражаси ва аҳоли миграцион ҳаракатчанлигини камайтирувчи миллий ҳаёт тарзининг бир қатор

хусусиятлари туфайли бу жараёнлар секинроқ амалга ошадилар. *Энг ривожланган ва урбанизациялашган* туманлар Республиканинг шарқиди (Тошкент вилояти ва Фарғона водийси), камроқ урбанизациялашганлари эса – янги ўзлаштирилган ерларда, хусусан Мирзачўл ва Қарши чўлларида жойлашган. Республикада аҳолининг асосий машғулоти пахта етиштириш ва сув хўжалиги билан, энергетика ва тоғ-кон саноати билан боғлиқ. Ўзбекистон учун хўжалик функциялари ва аҳолининг йирик марказий шаҳарларга тўрежагани характерлидир. Демографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики яқин 20-30 йил ичида Ўзбекистон аҳолисининг 50% дан кўпроғи қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда яшайди [9].


Воҳаларда аҳоли жойлашувининг ўзига хос шароитларида илгаритдан ўзаро боғлиқ аҳоли жойлари гуруҳлари шаклланишига қулай асос пайдо бўлган. Бунга табиий-худудий бирлик ва аҳоли жойларининг иқтисодий бирлиги, воҳа худудининг юқори даражада хўжалик ўзлаштирилиши, аҳолининг катта зичлиги ва бир текисда жойлашуви, воҳа доирасида аҳолининг ҳаракатчанлиги ҳам ёрдам беради. Шу билан бирга урбанизациянинг нисбатан паст даражаси ва аҳоли жойлариаро транспорт ва инженерлик инфраструктурасининг паст даражада ривожланганлиги бу ерда ривожланган аҳоли жойлашуви гуруҳлари шаклланиш жараёнини секинлаштиради.

Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ томонидан ишлаб чиқилган “*Бош аҳоли жойлашуви тузилмаси*” га кўра мавжуд ва пайдо бўлаётган ўзаро боғлиқ аҳоли жойлари гуруҳларини босқичма-босқич бошқариладиган ҳар хил турдаги аҳоли жойлари тизимларига айлантириш дастури кўзда тутилган. Бу моделга кўра республика худудида 1 та йирик, 23 та ўрта ва 9 та кичик аҳоли жойлашуви тизимлари ажратилган. Турли катталиқдаги аҳоли жойлашуви тизимларининг мажмуи регионал аҳоли жойлашуви тизимини ташкил этади [9].

Осиё худудида урбанизациялашиш жараёнининг табиий – тарихий ривожланиши анъанавий равишда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, ва Қирғизистон Республикаларининг худудларини ўзлаштиришнинг асосий формаси сифатида оазисли жойлашишнинг мукаммалланиши билан боғлиқ.

Фақатгина оазислар доирасидагина уларнинг табиий-географик шароитлари туфайли қишлоқ хўжалиги учун, шаҳарларни ва уларнинг табиий ҳудудларини кўкаламлаштириш учун етарли бўлган имкониятлар таъминланади. Қишлоқ хў-жалиги оазислар ҳудудларини ўзлаштиришнинг энг қадимий шаклларида бири бўлиб, уларнинг доирасида жойлашишнинг интенсив ривожланиши учун асос бўлади.

Оазислар Ўрта Осиё Республикалари қишлоқ ва шаҳар аҳолилари концентрациясида ўзининг асосий районлар функциясини сақлаб келмоқда. Масалан, Ўзбекистонда республика умумий ҳудудининг тақрибан 7 % ни оазислар ташкил этган ҳолда, улар республика аҳолисининг деярли 90 % ни ўзига жойлаштиради. (1- расм) [9].




1–расм. Ўзбекистон Республикаси оазислари бўйича аҳолининг тақсимоти (А.Б. Балгаев бўйича).

Ҳудудий – географик районлаштиришнинг элементлари сифатида оазислар сунъий равишда суғориладиган ерларда интенсив равишда деҳқончилик билан шуғулланадиган жойлар ҳисобланади. Уларнинг амалга ошиши бошқа кўшни районларга нисбатан ер ости сувларининг, булоқлар чиқишининг кўплиги билан, дарёларнинг, кўлларнинг, каналларнинг мавжудлиги билан боғлиқ.

Ҳар бир оазис бир ёки бир нечта нисбатан мустақил, тоғлар, қирлар, қум масканлари билан банд бўлган суғорилмайдиган жойлар билан чегараланган жойлашиш системаларини ўз ичига олади. Оазислар ўлчамларидаги фарқлар уларнинг ҳосил бўлишидаги тенг бўлмаган шарт-шароитлар натижасида ҳосил бўлади. Энг кичик ўлчамдаги оазислар жойлашиш учун фойдаланиладиган ерлар дарёлар водийларида ўз оқими


билан суғориладиган ҳудудлар доирасида ёки дарёларнинг тоғлик текисликларга чиқишларида ҳосил бўлади. Аммо, оазисларнинг чегаралари турғун ҳисобланмайди ва улар ирригацион (суғориш) каналларининг ёки бошқа шаҳарсозлик иншоотларининг қурилиши билан доимий рвишда кенгайиб бориши мумкин. Шунинг учун оазисларни уларнинг ўлчамлари ёки жойлашиш шароитлари билан эмас, балки халқ-хўжалигини ўзлаштириш интенсивлиги ва шаҳар ҳамда қишлоқлар аҳолисининг зичлиги билан характерлаш қулай ҳисобланади. Ўтган асрда Ўрта Осиёдаги оазисларда шаҳар тармоқлари сезиларли равишда янгиланди, шаҳар жойлашиш ҳудудлари анча янгиланди, аммо ҳозирги замонавий жойлашиш системасида катта ва йирик шаҳарларнинг роли тўлиғича сақланиб қолди. Ҳозирги вақтгача оазисларда жойлашишнинг асосий тугунлари сифатида қадимий шаҳарлар – Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Ашхобод, Андижон, Душанбе ва ҳоказолар ҳисобланади (2- расм) [34].



2–расм. Ўзбекистон Республикасида шаҳарларро хизмат сферасининг ривожланиши (А.Б. Балгаев бўйича).

Шу билан бир қаторда Ўрта Осиё Республикалари учун миқдорий жиҳатдан шаҳар жойларнинг тақрибан 90 % ни ташкил этувчи кичик ва ўрта шаҳарлар кўпчиликини ташкил этиши характерлидир. Бу типдаги шаҳарлар одатда қишлоқ хўжалик районларининг марказлари бўлиб, уларда саноат ишлаб чиқариши деярлик мавжуд эмас. Бу шаҳарлар тор

қишлоқ хўжалик йўналишларига ва кучсиз шаҳарсозлик базасига эга. Меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ва жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлган аҳолининг ҳиссаси умумий мамлакат миқёсидагидан анча паст ҳисобланади. Шу билан бир қаторда Ўрта Осиё ҳудудида шаҳар аҳолисининг ўсиш даражаси энг динамик ривожланаётган мамлакатлардаги каби ҳисобланади. (3- расм) [34].



3–расм. Ўрта Осиё Республикаларида шаҳар аҳолисининг ўсиш даражаси (А.Б. Балгаев бўйича).

Ўрта Осиёда шаҳар аҳолисининг сони фақатгина 1959-1970 йиллар даврида 4771,8 минг кишидан то 7530,0 минг кишигача ошди. Бунда катта ва йирик шаҳарларнинг солиштирма салмоғи сезиларли даражада ошди: аҳолиси 100 минг кишидан кўп бўлган 13 шаҳарда ҳудуддаги шаҳар аҳолисининг деярли ярми яшайди [34].

Барча Ўрта Осиё ҳудудининг иқтисодий районларида 1979 йилда 123 шаҳар ва 218 шаҳар типдаги поселкалар мавжуд бўлиб, уларда 10362 минг киши яшаган. Уларнинг таркибида район ва вилоятларга бўйсунадиган 71 шаҳар мавжуд бўлиб, улардан 59 таси оазислар доирасида жойлашган. Ҳозирги вақтда бу шаҳарлардан 15 таси шаҳар типдаги жойларнинг асосий марказлари ҳисобланади. 1926 – 1979 йиллар давридаги уларнинг аҳолисининг ўсиш даражаси қуйидаги жадвалда келтирилган.

Ўрта Осиё катта шаҳарларининг аҳоли сони (А.Б. Балгаев бўйича).

Жадвал-3.

№	Шаҳарлар	Аҳоли сони 1926 йил (Минг киши)	Аҳоли сони 1970 йил (Минг киши)	Аҳоли сони 1978 йил (Минг киши)
1	Тошкент	314	1385	1732
2	Душанбе	6	376	522
3	Ашхобод	52	253	311
4	Самарқанд	105	267	318
5	Андижон	74	188	228
6	Наманган	74	175	231
7	Қўқон	69	133	158
8	Ўш	31	120	136
9	Бухоро	47	122	152
10	Фарғона	14	111	188
11	Чирчиқ	-	107	135
12	Чоржўй	14	96	143
13	Навоий	-	61	90
14	Марғилон	44	95	118
15	Нукус	-	74	105

Ҳозирги вақтда бу шаҳарлар гуруҳли жойлашишнинг асосий марказлари сифатидаги ўринни эгаллайди. Келажакда оазисли жойлашиш чегараси билан мос тушадиган барча шаҳар аҳолиси концентрланган районлар аҳоли жойларининг гуруҳли системаси томонидан камраб олинади. Бошқа республикаларга нисбатан шаҳар аҳолисининг сони ва унинг ўсиш даражаси бўйича, ҳамда оазисли жойлашишнинг перспективали марказлари сони бўйича юқори ўринда турадиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гуруҳли жойлашиш системаси сезиларли даражада ривожланади.

Ўзбекистоннинг фақатгина катта ва йирик шаҳарлари асосида 2000 йилгача 10 дан кўра кўпроқ турли хил даражадаги гуруҳли жойлашиш системаларининг шаклланиши кўзда тутилган. Уларнинг ичида энг йириги-Тошкент гуруҳи 1975 йилда 1954 минг кишини ўз ичига олган. Аҳоли сони 200 – 500 минг кишидан иборат бўлган олтита ўрта гуруҳли системалари шаклланмоқда ва улар 1975 йилда жами 1580 минг кишини ўз ичига олган. Булар жумласига Фарғона-Марғилон, Самарқанд, Андижон, Наманган, Бухоро, ва Қўқон гуруҳлари киради [34].

Республика ҳудудининг тоғ тизмалари, чўллар ва бошқалар билан ажратилганлиги гуруҳли системаларнинг алоҳида марказларига нафақат гуруҳлар, балки ҳудудий аҳамиятга эга бўлган марказ мақомини берадики, бу уларга Республика пойтахтининг субмаркази сифатидаги вазифани бажариш ва жойлашишнинг бир нечта системасига хизмат қилиш имконини беради. Шундай қилиб, Ўзбекистон ҳудудида, Марказий Осиёнинг таълим, фан, саноат тараққиёти ва бошқаларнинг ривожланишининг марказий вазифасини ўзида концентрациялаган энг йирик шаҳри Тошкентдан ташқари, яна учта субмарказни кўрсатиш мумкин: Фарғона шаҳри – Фарғона, Андижон, Наманган вилояларига хизмат қилувчи; Самарқанд шаҳри – Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари гуруҳли системаларини ўз таъсири остига олувчи; Нукус шаҳри – Қорақолпоғистон автоном Республикаси ва Хоразм вилояти гуруҳли системаларига хизмат қилувчи субмарказлар ҳисобланади.

Умуман олганда Ўзбекистонда аҳоли жойларининг 37 гуруҳли системаларини шакллантириш кўзда тутилмоқда. Улардан: умумий аҳоли сони 8,8 – 9,5 млн. киши бўлган 3 та йирик система, умумий аҳоли сони 12,3 – 13,4 млн. киши бўлган 14 та ўрта гуруҳ ва умумий аҳоли сони 5,2 – 5,5 млн. киши бўлган 20 та кичик гуруҳлар ҳисобланади. Бундан ташқари, гуруҳли системадан ташқарида умумий аҳолининг тақрибан 5,7 % , ёки 1,5 – 1,6 млн. киши яшайди. Шу билан бир қаторда Республиканинг умумий ҳудудининг 10-20 % ини гуруҳли системалар банд этадики, бу аҳолининг оазисли жойлашиш ҳудудларида юқори концентрацияга эга бўлишини ва ҳудуднинг нисбатан кам қисмининг банд бўлишини таъминлайди [34].

Республиканинг халқ-хўжалиги комплексида солиштирма салмоғи бўйича ажралиб турадиган учта йирик гуруҳли системалар Тошкент, Самарқанд ва Фарғона базасида шакллантирилиши кўзда тутилмоқда. Бу системаларнинг ривожлантирилиши шаҳар жойлашишининг асосий маркази бўлган Тошкент шаҳрининг аҳолисининг ўсиш даражасини пасайтириш талабидан ва Самарқанд ва Фарғоналарнинг интенсив ривожлантирилиши талабидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Самарқанднинг аҳоли сонини 2000 йилгача 454 минг кишидан 650 – 700 минг кишигача, ва Фарғонанинг аҳоли сонини 180 минг кишидан то 700 – 750 кишигача ошириш кўзда тутилмоқда. Бу эса республика аҳоли сонигаги марказий шаҳарлар ҳиссасининг 14,8 % дан то 15,9 % гача ортишига ва йирик шаҳарлардан ташқарида яшайдиган аҳоли сонининг ҳиссасининг 18,9 % дан то 15,9 – 16,4 % гача камайишига олиб келади. Шу билан бирга ўрта гуруҳли системалар уларда яшайдиган аҳолининг

солиштирма салмоғи 35 % дан то 31, 9 % гача камайишига қарамасдан, Республика аҳолисининг асосий қисмини ўзида концентрациялайди.

Бошқа Республикалардан аҳоли миграцияси Республика шаҳар аҳолисининг ўсишининг асосий манбаи ҳисобланади. Республика шаҳар аҳолисининг қишлоқлардан аҳоли миграцияси туфайли ортиши ҳисобга олмаслик даражасида паст. 1959 -1970 йиллар давомида Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг сони 1592 минг кишига ортди. Бунда ўсишнинг 53 % табиий ўсишга, 31 % миграцияга ва қолган 16 % и қишлоқ жойларнинг шаҳарга айланишига тўғри келади [34].

I боб бўйича хулоса

Бутун жаҳонда шаҳарлар агломерацияси тараққиётида маълум бир тартибни вужудга келтириш жуда муҳим иқтисодий, социол ва экологик вазифа сифатида қаралади. Шаҳарлар қурилишидаги, туманларнинг режалаштиришдаги, регионал иқтисоддаги ва социологиядаги агломерация муаммосига жуда катта эътибор қаратилаётганлигини шу билан изоҳлаш мумкин.

Шаҳар агломерацияси-шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ихчам худудий гуруҳлашган тўпламмаси бўлиб, у кўп қиррали жадаллашган-ишлаб чиқариш, коммунал-хўжалик, меҳнат, маданий-маиший, рекреацион ҳамда берилган худудни ва унинг ресурсларини биргаликда фойдаланиш алоқалари билан бирлашган мураккаб ўзгарувчан локал тизим ҳисобланади.

Агломерацияларни шакллантириш, уларнинг ривожланиши ва ишлаб туриш хусусиятларини илмий билиш, уларнинг хўжалик ва жойлашишнинг худудий структурасидаги ўрнини билиш билимлари бўйича тузилган режа асосида бўлса, жойлашишнинг бу юқори формада ривожланишининг барча салбий оқибатлари сезиларли камаяди.

Агломерацион худуднинг ҳар бир халқали зонасининг ички қисми бир жинсли бўлмайди. Марказий шаҳардан чиқиб тарқаладиган транспорт йўллари бу халқали зоналарда аҳоли пунктларининг концентрациялашган йўлакларини ҳосил қилади ва улар агломерациянинг бутун қатламли структурасини бир бутунга бирлаштириб турувчи стержень вазифасини ўтайди. Концентрация йўлаклари нисбатан кам бўлган худудлар билан аралашиб кетади. Шундай қилиб, халқали зоналарга вақт ўтиши билан аҳамияти ортиб боровчи секторлаога қўшилади. Секторал структуранинг йўлакли структурага қўшилиши худудни трапеция маълумотлар йиғиш тадқиқотлари учун худуд бирлиги сифатида фойдаланишда мақсадга

мувофиқ ҳисобланади. Агломерациянинг худудий структураси схемасининг кўриниши умумлашган назарий ҳолда шундан иборат бўлади.

Агломерацияларнинг қуйидаги белгилари бўйича ажратиш мумкин:

-агломерация аҳолисининг сони;

-аҳолининг зичлиги;

-шаҳарлар орасидаги функционал алоқаларнинг ривожланиши.

Моноцентрик агломерацияларнинг қисмларга бўлиниши қуйидаги функционал-маконий модел сифатида тасаввур этиш мумкин:

а) Агломерациянинг марказий ядрос, у марказий шаҳарнинг тарихан шаклланган қисмини ўз ичига олади.

б) Сиқик агломерация (ёки фактик шаҳар), унинг таркибига марказий ядродан ташқари, маъмурий чегарадаги марказий шаҳар ҳамда аҳоли жойлари ва шаҳар олди қисмининг у билин аралаш ва яхлит маскан ташкил қилувчи майдонлари киради.

в) Кенгайган агломерация, унга сиқик агломерациядан ташқари агломерация марказий ядросидан бир соатлик транспорт етарлилиги зонасида жойлашган бир қатор аҳоли жойлари киради.

г) Агломерациянинг таъсир доирасидаги аҳоли жойлашуви тумани. Унга юқорида келтирилган худудлардан ташқари агломерация ядросидан икки соатлик транспорт етарлигидаги аҳоли жойларини ўз ичига олган ташқи қисм ҳам қўшилади.

Шаҳар агломерациялари учун қуйидагилар характерли:

-доимо ўсувчи ядроларни ўз ичига олган йирик шаҳарлар тўпламининг ўсиб бориши, уларда аҳолининг концентрациялашуви (гипирурбанизация);

-шаҳар олди қисмларининг тез ривожланиши ҳамда йирик шаҳарлар ва уларнинг шаҳар олди қисмлари орасида аҳолининг қайта тақсимланиши (субурбанизация);

-қишлоқ аҳолисининг ноқишлоқ хўжалик меҳнатга жалб қилиниши;

-маятникли миграциялар-одамларнинг иш, ўқиш, маданий –маиший хизмат кўрсатиш ва дам олиш жойларига доимий бориб келиши.

Урбанизациянинг энг юқори даражаси метропол қисмлар учун характерлидир. Метропол қисми фазовий узлуксиз йирик шаҳар аҳоли жойлашуви тизими сифатида қараш мумкин.

II БОБ. ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ-ЛОЙИҲАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ

2.1. Шаҳар агломерацияларини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича илмий-лойиҳавий концепциялар таҳлили

Шаҳарларнинг ривожланишини бошқаришнинг маҳаллий сатҳи, асосан, олдиндан мавжуд бўлган шаҳар агломерацияларини ўзаро боғлиқ бўлган жойлашиш системаларига қайта ўзгартириш билан боғлиқ. Бундай агломерациялар ривожланишининг ҳозирги пайтдаги энг типик муаммолари ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: марказий ҳудудларнинг ўта ўсишига ва периферия ҳудудларнинг ривожланишининг сусайишига олиб келувчи марказга интилма тенденцияларнинг кучли устунлиги; агломерацияларнинг комплекс ҳудудий-фазовий ташкил этилишини қийинлаштирувчи саноат ишлаб чиқаришнинг ва жойлашишнинг етарлича балансланмаганлиги; марказий ва периферия ҳудудларидаги аҳолига ижтимоий-маданий ва маиший ҳудудларда хизмат кўрсатишнинг нопропорционаллиги; транспорт алоқаларининг нотартибли ривожланиши, ташқи ҳудудларда маҳаллий аҳамиятга эга жойларда йўл тармоғи зичлигининг пастлиги; баъзи ҳолларда, қишлоқ жойлардаги ижтимоий-иқтисодий фаолликни қийинлаштирувчи ва демографик ҳолатни ёмонлашишига олиб келувчи, қишлоқ аҳолисининг ташқарига оқими; агломерация аҳоли жойларининг атроф муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши ва санитар-гигиена шароитларини яхшилаш устида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги, ва ҳоказолар.

Йирик шаҳарлар ва агломерациялар структураларининг шаклланиш муаммоларини ўзаро боғлиқ ҳолда қараш шаҳарсозликда ананавий тадқиқотлар ҳудуди ҳисобланади. 1920 йиллардаёқ С.СюШестаков томонидан пойтахтнинг ҳолатини яхшилаш учун ва шаҳар периферияси ва радиуси 100 км бўлган агломерациянинг биргаликда шаклланишининг “Большая Москва” лойиҳаи ишлаб чиқилган. 1930 – 1932 йилларда Москва шаҳрини реконструкцияси учун генерал режасига тайёрланиш жараёнида кўп сондаги турли хил вариантлар таклиф этилган эди. Уларнинг орасида “узлуксиз комплекс шаҳар” лойиҳаи ҳам бўлиб, унга биноан шаҳар шимолий-шарқ ва жанубий ғарбга томон ривожланиши лозим эди (8-планшет) [18].

Москванинг ривожланишини жойлашиш системасида бошқаришнинг кўпчилик назарий схемалари асосан шаҳар-йўлдошлар

катламларини тузиш концепциясига биноан ва ривожланишнинг танланган йўналишлари бўйича жойлашган ўзаро боғлиқ аҳоли жойларига эга бўлган фазовий структураларнинг шаклланишига асосан ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, аҳоли жойларининг Москванинг режалаштирилган структураси ва унинг ташқарисидаги ҳудудлар билан чамбар-час боғлиқ перспективали системасини Москва ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини чегаралашнинг қатламли структураси ва танланган йўналишлар бўйлаб режалаштирилган структурани ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари ўзаро таъсирининг чегарасида ҳал этиш кўзда тутилган (8-планшет) [18].

Йирик шаҳарларнинг ривожланишини режалаштирилган ҳолда бошқариш бўйича кетма-кет қабул қилинган қарорлардаги услубий асос Киев ва Харьков агломерацияларига қўлланган ҳолда фойдаланилди [18].

Харьков агломерациясининг ривожланишини режалаштирилган ҳолда бошқариш йўналишларининг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ривожлантирилиш вариантларида таҳлил этилган. Биринчи вариантда Харьковнинг ва шаҳар атрофи аҳоли жойларининг ўсиш варианты сақланиб қолган. Марказлаштирилмаган ривожланиш варианты ташқи ҳудудларнинг интенсивроқ ривожлантирилиш ва Харьковнинг экстенсив ривожлантирилишини сақлаб қолиш нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган (8-планшет) [18].

Йирик шаҳарлар ва агломерацияларнинг ўзаро боғлиқ ривожланишини бошқариш шарқий европа мамлакатларида йирик шаҳарсозликнинг барча лойиҳаларини ишлаб чиқишда услубий асос ҳисобланади.

Чехословак шаҳарсозлари жойлашишнинг гуруҳли шакллари чегараларини ажратишнинг ижтимоий критерийларини тушунтиришга ҳаракат қилишдилар. Улар орасида: кишилар яшаш жойини ўзгартирмасдан иш жойини ўзгартириши мумкин бўлган чегара, иш ҳаракатчанлиги ҳудуди; кишилар иш жойини ўзгартирмасдан яшаш жойини ўзгартириши мумкин бўлган чегара, яшаш ҳудуди; ижтимоий инфраструктуранинг турли хил элементлари учун транспорт етарлилиги ҳудуди; системанинг марказий ядроси аҳолисига хизмат қилувчи, дам олиш ҳудудлари муҳим ҳисобланади.

Праганинг ва унинг атрофидаг ҳудудларни районли режалаштириш схемаси бўйича Прага ўрта чехия агломерацияси яхлит структурали-функционал ташкилот урбанизациялаштирилган ҳудуд сифатида ишлаб чиқарилмоқда. Шаҳар ва агломерациянинг ривожланишининг генерал режасида бутун агломерация аҳолисига хизмат қилиш даражасини, - унинг

турли ҳудудларида аҳолининг оптимал алоқаларини таъминловчи жамоат транспортини ривожлантиришни тэнглаштириш кўзда тутилган (8-планшет) [18].

Болгария халқ республикасида йирик шаҳарларни ривожлантиришнинг режалаштирилган бошқариш махсус системаси ишлаб чиқилган. Унинг асосида ишлаб чиқариш корхоналарини “ҳаракатчан” ва “ноҳаракатчан” ва марказлаштирилган, марказлаштирилмаган ва комбинацияланган схемалар бўйича ҳал этиладиган меҳнат ҳудудининг фазовий дифференцияси бўйича бўлувчи янги классификация ётади.

Меҳнат ҳудудини фазовий ташкиллаштиришнинг комбинациялашган схемасида болгар мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган София агломерацияси ҳудудида жойлашишнинг регионал режасидан фойдаланиш кўзда тутилган (8-планшет) [18].

Унинг макроструктура элементлари ўз таркибига яшаш жой комплексларини, кўкаламлаштирилган фазони, савдо-маиший ва маданий-оқартув марказларини, спорт комплексларини олувчи кўп функцияли зоналар ҳисобланади. Пойтахтнинг реконструкциясини унинг структурасининг ихтисослашганлигини ҳисобга олган ҳолда, - жанубий қисмни дам олиш функциясига, марказий қисмни яшаш жойи ва жамоатчилик хизмати функциясига, шимолий районларни иш фаоллиги функциясига бағишлаган ҳолда олиб бориш кўзда тутилган.

Инглиз шаҳарсозлари йирик шаҳарлар ривожланишини режалаштирилган бошқариш схемаларини ишлаб чиқаришда режалаштирилган структуранинг номарказлаштириш талабини ва ўсиб бораётган автомобиллашиш, иқтисодий ва эксплуатацион характердаги устунлик сабабли ишлаб чиқаришнинг концентрайлашуви туфайли оптимал мослаштиришга ҳаракат қилишди. Мутахассислар учун энг йирик шаҳарлар ривожланиш зонасининг таъсирининг радиал-концентрик структураси ҳисобланади.

Транспорт коммуникацияларининг тўғри тўртбурчакли тармоғига асосланган схема саноат ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик ҳудудлари, дам олиш жойлари ва ҳоказоларни текисроқ тақсимлаш имконини беради.

Шаҳарлар ривожланишининг чизиқли-қатламли схемаси маълум устунликларга эга деб ҳисобланади. Уларда асосий шаҳарсозлик элементлари транспорт коммуникациялари бўйлаб кенг бўлмаган қатламларда жойлашади. Чизиқли-қатламли ривожланиш принципи Англиянинг жанубий-шарқ қисмини, Саутгемптон районлари – Портсмут, Ўрта Уэльс, Суиндон ва Ипсвичларни қайта ўзгартиришга асос қилиб олиниши кўзда тутилган. Районли режалаштириш лойиҳаларида

Лондондан саноат ишлаб чиқариш корхоналарини кўчириш ва бу районларга зич жойлашиб кетган жойлардан аҳолини кўчириб келиш назарда тутилган (8-планшет) [18].

Аҳолини қайта тақсимлаш ва транспортни рационаллаштириш шаҳарнинг режалаштирилган структурасини қайта ўзгартиришнинг асосини ташкил этади. Лондондан радиал тарқаладиган шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини, саноат ишлаб чиқариш районларини, кўкаламлаштирилган зоналарни ўз ичига олган чизикли-қатламли конфигурацияга эга бўлган тўртта регионал шаҳар тузиш кўзда тутилган. Бундан ташқари бир нечта иккинчи даражали кичикроқ масштабдаги регионал шаҳарлар шимолий, шарқий, жанубий ва ғарбий йўналишларда қуриш ҳам режалаштирилган (10-планшет) [18].

Германия федератив республикаси шаҳарсозларининг таклифи режалаштирилган яқинлашишга қарама-қарши ҳолда шаҳарларнинг “узлуксиз” равишда то бир-бири билан қўшилиб кетгунча ўсишининг мақсадга мувофиқлигидан фойдаланиш схемалари ҳисобланади. Бундай режалаштирилган структураларнинг шаклланиши фақатгина жуда катта ўтказиш қобилиятига эга бўлган юқори тезликли магистралларга асосланган ҳолдагина мумкин бўлади. Назарий жиҳатдан бу концепция Гамбург шаҳри мисолида кўрсатилган.

Шаҳар ҳудудининг кенгайтирилиши чизикли қурилишлар кўринишида, янгидан тузиладиган ўқлар бўйлаб эски шаҳарни айланиб ўтувчи юқори тезликли магистрал йўллар билан ўзаро кесишадиган тарзда амалга оширилиши мўлжалланган. Янги қурилишларнинг бош композицион ўқлари бир-биридан 1 км масофада ўзаро параллел жойлашган икки юқори тезликли магистрал йўллар йўналишида шаклланади. Улар маҳаллий ва район аҳамиятига эга бўлган магистрал йўллар билан перпендикуляр равишда уланади.

Деярлик икки ўн йиллик олдин айtilган Париж шаҳрини ривожлантиришни бошқариш масалаларини ҳал этиш пайтида уларни перспективали муаммолар масштаби билан мослаштириш мақсадида шаҳарсозлик қарорларининг масштабини тезкор ўзгартириш зарурлиги куйидаги уч принципга асосланган: марказнинг зичлигининг ўта ортиб кетишидан сақлаш учун янги шаҳар марказлари яратиш; танланган йўналишлар “кенгайтириш зоналари” бўйича шаҳар чегарасидан ташқарига чиқиш; Париж районининг барча ҳудуди шаҳарсозлик ташкилланишининг бир-бутунликча яхлитлиги. Парижнинг ривожланиши, “радиал ҳалқали системанинг ёриб чиқилиши” деб қабул қилинган ва мономарказлиликни инкор этиб, Сена бўйлаб икки параллел ўқ бўйича

шаҳарнинг йирик районлари ўз марказлари билан шаклланиши ҳисобланади (9-планшет) [18].

Кейинги йилларда Парижнинг ва унинг яқин шаҳарларининг аҳолисининг сони камаймоқда, Иль-де Франс райони периферия зоналарида бир йилда 100 минг кишига кўпаймоқда. Бу массивларда административ–бошқариш, олий ўқув юртлари маданий марказларни жойлаштириш кўзда тутилган. Қурилган ҳудудларнинг бир-бирига кўшилиб кетишининг олдини олиш мақсадида мувозанатнинг табиий зоналари деб аталувчи махсус ҳудудлар яратилади [18].

Турин шаҳрини реконструкция қилиш лойиҳаини тузишда йирик шаҳарни унга яқин ҳудудлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишини бошқариш муаммоларига сезиларли даражада катта аҳамият берилган. Лойиҳа нафақат шаҳар ва унинг атрофини, балки регионни ҳам қамраб олган. Италия мутахассисларининг фикрича бундай ҳолат, фаол назоратнинг йўқлиги учун ижтимоий-иқтисодий ва ҳудудий динамикага яқин келажакда ҳам таъсир этади ва марказий юқори даражада урбанлашган соҳа ва шаҳар атрофи ҳудудлар ўртасидаги фарқни кучайтиради.

Аксмарказлашиш шаҳар марказий қисмини қайта қуриш билан боғланган. Шаҳарнинг ва агломерациянинг функциялар структурасини мувозанатлаштириш мақсадида шаҳар марказий қисмидан ишлаб чиқаришни ва бир қатор умумшаҳар аҳамиятидаги хизмат қилиш объектларини ташқрига чиқариш таклиф этилади (9-планшет) [18].

Умуман олганда Турин шаҳрининг бошқариладиган ривожланиши, асосан, саноат ишлаб чиқариш ва жамоатчилик хизмати функцияларининг турли қатламларга ва зоналарга қайта тақсимотнинг ва қайта асосланишнинг кўп поғонали системасидан боғлиқ бўлади.

Вена шаҳрининг микрорегионал ривожланиш саволлари (агломерация сифатида) энг аввало юзаси етарлича бўлган ҳудуд билан таъминлашдан боғлиқ бўлади (умумагломерацион муаммоларни ечими учун). Тадқиқотларнинг шу даражасида жойлашишни концентрлаш ва аксконцентрлаш стратегиялари таққосланди. Бунда энг муҳим ҳаракат келажакда инерцион анъаналарга биноан Вена агломерация зонаси ва унинг марказини кам таъминланган хизмат қилиш инфраструктурси бўйича йўналтириш мақсадга мувофиқми ёки унга кўпроқ иқтисодий ва маданий – маиший мустақиллик бериш мақсадида уларнинг ривожланишининг фаолроқ йўлидан бориш мақсадга мувофиқми эканлигига ойдинлик киритишга қаратилган. Бундай ҳаракатлар доирасида Вена шаҳрининг ҳалқасимон кенгайтирилишининг имкониятлари, унинг бир

қатор ўқлар бўйлаб ривожлантирилиши, шаҳар-йўлдошларнинг яратилиши, шаҳарнинг қатлам кўринишида йўналтирилган ҳолда ўсиши таҳлил этилган.

Шаҳар ҳудуди кучли кенгайган ва транспорт коммуникациялари узайган. Бу тенденцияларни энгиш учун, аҳоли зич жойлашган шаҳар марказини ва бош радиал трассаларни сийраклаштириш учун периферия зоналарига кўпроқ функционал мустақиллик беришга қаратилган савдо ва маданий марказлари, ишлаб чиқариш инфраструктура объектлари яратиш масалалари қараб чиқилган. Бундай қайта қуриш периферияда жойлашган, марказга томон транспорт тармоқларини кўпроқ йўналтириш, марказда учрашадиган радиал ўқлар сонини камайтириш ёрдамида таъминланиши мумкин. Бу йўналишдаги ташкилий қайта қуриш периферия районлари ва улар хизмат қиладиган районларнинг ролини кучайтиришга бўйсундиришни назарда тутмоғи лозим (9-планшет) [18].

Япон шаҳарсозларининг таклифларида йирик шаҳарлар ва агломерациялар ривожланишини бошқариш муаммолари йирик шаҳар атрофидаги ҳудудларни қатламли концентрик зоналаш принципи асосида ҳал этилади. Худди шундай концентрик зоналар бўйича ривожлантириш схемаси урбанлашган район Осака – Кобе – Киото районида қўлланган.

Шаҳар агломерацияларидан аҳоли жойларининг гуруҳли системаларига ўтиш. Махсус адабиётларда кенг ёритилган ривожланишнинг агломерацион шаклидан жойлашишнинг режали-бошқариш системасига ўтиш йирик шаҳарлар ва уларга ҳудудий яқин бўлган аҳоли жойларининг биргаликдаги потенциалининг самарадорлигининг ўсишини тўхтатиб турувчи бир қатор ижтимоий, иқтисодий, демографик, экологик, ҳудудий характерга эга бўлган муаммоларни ҳал этиш зарурати билан боғлиқ ҳисобланади.

Жойлашишнинг агломерацион шаклига хос бўлган аҳоли жойларининг нисбатан автоном равишда ривожланиш шароитида бу муаммоларнинг ҳал этилиши алоҳида тадбирларнинг йиғиндиси сифатида юзага чиқади. Ривожланишнинг бундай йўналганлиги фазовий жиҳатдан бевосита йирик шаҳар ҳудудига яқин жойлашган аҳоли жойларининг биринчи навбатда ўзлаштирилишига ва бир қатор ҳолларда уларнинг ютилишига олиб келади.

Агломерацияларнинг ўсиш жараёнида кенгайдиган мураккабликлар, аҳолининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий интеграцияси мақсадли йўналтирилган, режалаштирилган ўзгартиришларнинг мавжуд бўлмаганлигида кўпинча меҳнат қилиш жойларининг қўйилишига, шаҳар-

марказ ва бошқа аҳоли жойларининг жамоатчилик хизмат кўрсатиш объектларига адаптацияси тартибсиз характерга эга бўлади.

Агломерацияларда жамоат ишлаб чиқаришининг экстенсив ривожланиши шароитида аҳолининг уларнинг марказий зоналарида илғор равишда ўсиши демографик потенциални ҳудудий рационал қайта тақсимлаш муаммосини ҳал этшни мураккаблаштиради. Йирик ва энг йирик шаҳарларда аҳоли сонининг табиий ўсишининг даражасининг камайиши, катта ёшдаги аҳолининг солиштирма микдорининг юқорилиги, бандликнинг чегаравий сатҳи туфайли вужудга келаётган қийин демографик вазиятга қарамадан агломерацияларда янги саноат ишлаб чиқариш объектларининг жойлаштирилиши давом этмоқда.

Агломерациянинг кичик шаҳарлари ва периферия зоналари иқтисодий-ижтимоий ўсишдан стимул олмайдигин шароитларда шаҳар-марказ ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг аҳолисининг яшаш шароитларидаги фарқни энгиб ўтиш масаласи анча оғирлашади. Шаҳар атрофи ҳудудларидаги ҳар бир алоҳида олинган аҳоли жойларининг аҳолисининг ўзларининг меҳнат, маданий-маиший (ҳар кунги хизмат турларини ҳам ўз ичига олган ҳолда) талаблари қондириш бўйича шаҳар-марказдан кучли боғлиқлиги сақланиб қолади.

Агломерацияларнинг алоҳида яшаш жойларининг шаклланишининг тарқоқлиги, турли вақтдалиги ва уларнинг инженерлик асбоб ускуналарининг изоляцияланганлиги баъзи ҳолларда сув ҳавзаларининг ва тупроқ таркибининг ифлосланиш даражасини пасайтириш имконини бермайди, бунинг учун эса оқим суларини тозалашнинг ва канализациянинг ягона системасини тузиш лозим бўлади. Худди шу сабаблар инженерлик, транспорт инфраструктурасини шакллантиришдаги координациялашган қарорларнинг бажарилишига тўсқинлик қиладики, бу эса коммуникация ва алоқаларнинг мураккаблашиши ва иккилантирилиши билан, ва оқибатда ҳудуднинг қўшимча равишда ифлосланиши билан боғлиқ бўлади [18].

Агломерацион ривожланиш даврида йирик шаҳарни унинг атрофидаги аҳоли жойлари билан ўзаро алоқаларининг кучайтирилиши, одатда, режалаштирилган-фазовий муносабатларда жойлашиш структурасининг мономарказлашишига олиб келади. Агломерациянинг марказий қисмининг иқтисодий потенциалининг унинг қолган ҳудудларига нисбатан илғорроқ равишда ўсиши фазовий кесимда олиб қаралганда ижтимоий-функционал характеристикаларининг балансининг бузилишига олиб келади. Агломерациянинг периферия ҳудудларининг меҳнат ресурсидан тўлиғича фойдаланиш имкони бўлмайд қолади.

Гуруҳли системалар қурилишнинг энг дастлабки этапларидан бошлаб олдиндан режалаштирилган концепцияга бўйсунishi мумкин бўлган янги қурилатган билан таққослаганда, тарихан мавжуд бўлган йирик шаҳарлар ва агломерациялар шароитида, мавжуд бўлган ва ривожланаётган функциялар ва алоқаларни қайта тақсимлаш ва бошқариш муаммоси муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шаҳарсозликни бошқариш жамоатчилик ишлаб чиқаришини рационал интенсивлаштириш ва ривожлантириш, аҳоли жойларида ривожланган ижтимоий, транспорт, инженерлик инфраструктураси, атроф муҳитни сақлаб қолиш ва яхшилашга қаратилган муҳитни яратишга йўналтирилган бўлиши лозим. Бу вақтда қуйидагилар муҳим структура шакллантирувчи аҳамиятга эга бўлади: мавжуд бўлган ижтимоий-маданий ва маиший хизмат ташкилотларини жойлаштиришларини вақт сарфланишининг максимал қийматидан (1.5-2с.) келиб чиққан ҳолда фазовий қайта ўзгартириш ва ривожлантириш; умумий транспорт воситалари системасининг ўзаро келишилган ва аҳолининг иш жойлари ва маданий-маиший мақсадларда вақт сарфининг максимал қийматидан (1.5 – 2 с) келиб чиққан ҳолда шакллантириш; Атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва унинг ҳолатини бошқариш бўйича тадбирлар системасини аниқлаш, экологик муҳитнинг бузилишини олдини олиш, ландшафтга ҳаддан зиёд босим ўтказишни мос режали, инженерлик ва бошқа тадбирлар йўли билан пасайтириш.

2.2. Шаҳарлар ва аҳоли турар жойларининг ўзаро боғланган гуруҳли тизимга ўтиш концепциясининг таҳлили

Аҳоли жойларининг гуруҳли системаларини яратиш – жойлаштириш бошқариладиган ривожлантиришнинг сифат жиҳатдан янги, системага кирувчи аҳоли жойларининг бутун бирлашмасини ва ҳар бир алоҳида олинган яшаш жойларининг ижтимоий-иқтисодий ва режалаштирилган фазовий структурасининг баланслашган шаклланиши билан ва комплекс ташкиллаштириш масаланинг ечими билан боғлиқ этапи ҳисобланади. Шаҳарсозлик ва жойлаштиришда аҳоли жойларининг комплекслиги ва ўзаро боғлиқликни ривожлантириш умум қабул қилинган талаб ҳисобланганлиги учун, функционал-режалилик тушунчаси сифатида аҳоли жойларининг гуруҳли системалари тушунчасидаги янги жиҳатларни аниқлаб олиш лозим бўлади. Энг аввало у, ҳал қилувчи асосий ижтимоий критерий сифатида гуруҳли системаларнинг чегараларининг аниқланишида марказга ҳар кунги етиб боришнинг етарлилигини назарда тутиш ҳисобланади. Аҳолининг бир суткалик вақт бюджетидаги йўлда

харакатланиш вақтининг чегаравий қийматининг тажрибаларда аниқланган миқдорининг мавжудлигини аҳоли жойларининг гуруҳли системалари қандай бўлиши лозимлигини белгилайдиган “физиологик бўсаға” сифатида қараш лозим бўлади. Нафақат шаҳар, балки гуруҳли системалар функционал-фазовий асоси ҳисобланадиган шаҳарлар агломерациясини ҳам бир қатор тадқиқотларда аниқ миқдордаги одамлар, функциялар ва алоқаларнинг тугаллиги, аҳолининг ҳаётий фаолияти даврининг бирлиги сифатида аниқлашади [18].


Аҳоли жойларининг гуруҳли системаларининг фазовий параметрларини аниқлашнинг асосида тақрибан 50 км масофа чегарасида жойлашган, ва маятникли мигрантларнинг шаҳар-марказгача қатнаш вақт сарфининг 1.5 – 2 соатлик миқдорини ташкил этувчи параметрлар ётади. (1.5 -2 соатлик қатнов вақтидан кўп бўлган вақтни талаб қилувчи ҳудудларга эга бўлган энг йирик, ҳатто миллиондан ортиқ аҳолига эга бўлган шаҳарлар ҳисобга олмаслик даражада кам). Ҳудудий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, рекреацион алоқалар, инженерлик инфраструктуралари ва ҳоказолар ҳам албатта инобатга олиниши лозим, ammo уларнинг чегараларни аниқлашдаги ҳиссалари анча кам [19].

Баъзи бир йирик шаҳарлар ва улар атрофидаги ҳудудларни бирлаштирувчи гуруҳли системаларнинг тадқиқотларини олиб боришларда шаҳар-марказ билан ўзаро алоқада фаолият кўрсатувчи аҳоли жойларининг бир қатор турли хил катталиқдаги ҳудудий контурларнинг устма-уст жойлашиши чегарасидаги инфраструктуралар: ишлаб чиқариш, ижтимоий, инженерлик, транспорт, рекреацион ва ҳоказолар асосида чегаралар аниқланади. Йирик шаҳарни ўраб турувчи табиий ресурслар ҳудудларининг тугаб бориши инженерлик коммуникацияларини ва структурани ўзгартиради – уларнинг шаклланиши нафақат шаҳарлар балки агломерациялар ва баъзи ҳолларда вилоятлар чегарасидан ҳам чиқиб кетади. Вақт ўтиши билан агломерация ва районлар жойларининг ўртасидаги ишлаб чиқариш-технологик алоқаларнинг тақсимланиш характери ҳам сезиларли даражада ўзгариши мумкин.

Гуруҳли системаларнинг яхлитлигини аниқлашнинг ижтимоий шартли критериясининг қабул қилиниши уни универсал шаҳарсозлик бирлиги сифатида характерлайди. Унинг доирасида йирик шаҳар-марказ ҳамда унинг атрофидаги аҳоли яшаш ҳудудларининг аҳолисининг жуда кўп функционал алоқалари рационал режалаштирилган ва жойлаштирилган бўлиши мумкин. Масалан, Санкт-Петербургнинг 50 км лик таъсир доирасида 50 тага яқин шаҳар ва шаҳар типидagi поселкалар,


Горький шаҳри атрофида ва Екатеринбург шаҳри атрофида 30 га яқин шаҳар ва шаҳар типдаги поселкалар жойлашган (11-планшет) [18].

Йирик шаҳар асосида шаклланган гуруҳли системанинг ижтимоий критерий билан мос аниқланадиган параметрлари сезиларли даражада функционал турғунлиги билан характерланиб, бу хоссаси шаҳарсозликни лойиҳалаштиришнинг объекти сифатида идентификациялашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Бу ҳолда аҳоли жойларининг гуруҳли системалари таркибига кирувчи структура объектларининг аҳолисининг ҳаёт-фаолияти структурасининг етарлича аниқ ҳудудий чегараларини ўрнатиш учун мақсадли режалаштиришни ривожлантириш имкони ҳосил бўлади. Ҳаракатланиш тезлигининг 20 – 25 км/соат қийматида 1.5 – 2 соатлик транспорт етарлилигида 50 км лик фазовий эквивалент ҳудудга бир қатор омиларни ҳисобга олган ҳолда хос бўлиб, уларнинг ичида энг муҳимлари мавжуд бўлган жойлашиш структураси ва административ чегаранинг режалаштириш хусусиятлари ҳисобланади. 1.5 – 2 соат етарлилик изохронининг ҳаракатдаги административ бўлинишнинг сеткаси билан боғланишини гуруҳли системаларни лойиҳалаш объектлари сифатида ажратишнинг энг муҳим шarti сифатида қараш лозим бўлади (4-5 Расм) [18].



4-Расм. Йирик шаҳарларнинг транспорт етарлигининг зона параметрларининг муносабати ва аҳоли жойлари гуруҳли системаларининг чегараларини кўрсатишнинг вариантлари (Г.А. Малоян бўйича).

1 – бир соат етарлигининг замонавий изохронаси; 2 – икки соат етарлигининг замонавий изохронаси; 3- гуруҳли системаларнинг чегаралари.



5-Расм. Административ-худудий ажралиш параметрларининг ва турли хил шароитда йирик ва энг йирик шаҳарлар асосида шаклландиган аҳоли жойларининг гуруҳли системаларининг муносабатлари (Г.А. Малоян бўйича).

а) – “узлуксиз” интенсив шаҳарсозлик асосидаги ҳудудларда; б) – йирик шаҳарлар ва агломерациялар жойлашишининг “бошлангич” ҳудудларида; 1 – администрация районларининг чегаралари; 2 – аҳоли жойларининг гуруҳли системаларининг потенциал чегаралари; 3 – 50 км. ли транспорт етарлилигининг шартли ҳудудлари.

Уларнинг ўртача параметрлари тахминан 8 – 10 минг км² ни ташкил этади ва ҳолатдан боғлиқ ҳолда камайиши ёки кўпайиши ҳам мумкин. Бунда ҳисобланган майдон кўпинча 6 мингдан 12 минг км² гача ораликда ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар функционал – фазовий муносабатда уларнинг режалаштириш ташкилотлари томонидан махсус структура схемалари ёрдамида компенсацияланиши лозим. Бу эса бу система доирасида ижтимоий-иқтисодий интеграциянинг устунликларини барча аҳоли фойдаланишлари учун шароит яратади.

Гуруҳли системалар ўлчамларидаги фарқларнинг диапозони кўпинча йирик шаҳар таъсир зоналарининг турли секторларини ўзлаштириш интенсивлигининг нотекислигидан, кўп ҳолларда ижтимоий-иқтисодий потенциали етарли бўлган ва кўшни ҳудудларда жойлашишнинг гуруҳли системаларини бошқришга қобилияти бор шаҳар марказларининг мавжуд эмаслигидан, административ районлар ўлчамларининг сезиларли фарқ қилишидан, – 1 минг км² дан, интенсив шаҳарсозлик ўзлаштиришлари зоналарида, ва то 10 минг км² гача, экстенсив шаҳарсозлик ўзлаштириш зоналари учун, боғлиқ бўлади.

Тарқоқлиги юқори даражада бўлган ва административ районларининг майдони кичик бўлган ҳудудларда шаҳар-марказга нисбатан чегаралари нисбатан симметрик бўлган кичикроқ гуруҳли

системаларнинг ажратилиши учун шароит ҳосил бўлади. Ва аксинча, гуруҳли система бир-уч йирик административ районлардан ташкил топган бўлса, унинг чегаралари назарийларга нисбатан кучли фарқ қилади, ва йирик шаҳар контрастли эксцентрик ҳолатда бўлади. Аҳоли жойларининг системали ривожлантиришнинг устунлиги ва мақсадларини ҳисобга олган ҳолда бир қатор ҳолларда мавжуд бўлган административ чегаралардан ва уларнинг коррективкаларидан қисман четлашиш масаласи қўйилиши мумкин.

Мавжуд бўлган жойлашиш структурасининг гуруҳли системалар чегараларини аниқлашга таъсири мавжуд бўлган ва ривожланаётган ишлаб чиқаришнинг, ҳудудий ишлаб чиқариш комплексларининг шаклланиш жараёнининг тармоқли йўналтирилиши нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиниши лозим. Иқтисодий микрорайонларнинг ўлчамлари кўп ҳолларда ҳудуднинг ўзлаштирилганлигидан боғлиқ ҳолда – 4 дан то 25 минг км² гача оралиқда, тебраниб туради, аҳоли зич жойлашган районларда эса 2 – 3 минг км² гача камайиши мумкин (улар билан таққослаганда кўпгина гуруҳли системалар учун парметрлар диапозони анча кам бўлиб 6–12 минг км² га тэнг) [19].

Меҳнат ҳудудини ташкиллаштириш жойини оптималлаштириш бўйича қарор қабул қилишда меҳнат алоқаларининг бирлиги шаклланадиган гуруҳли системалар масштабларидан келиб чиққан ҳолда режалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли системаларини ажратиш системали жойлашишнинг шаклланишининг регионал ва субрегионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим. Регионал даражада таянч шаҳарларни ажратишни ҳисобга олган ҳолда, жойлашишнинг потенциал марказлари ва субмарказлари, масштабларни ўрнатиш ва иқтисодий ишлаб чиқариш ривожланишининг йўналишларини, уларнинг функцияларинг таъсир зоналарини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бу даражада етакчи ривожланиш районларини ажратиш билан ҳудудларни микро зоналарга бўлишни диққат назарига олиш лозим бўлади, ва бу ҳам субрегионал ва ҳам гуруҳли системанинг, ва демак, унинг чегараларининг коррективкасининг функционал ривожланишнинг шаклланишига таъсир қилиши мумкин. Субрегионал даражада ҳосил бўладиган вазифалар жойлашиш структурасининг бевосита гуруҳли система билан чегарадош ҳудудларда тартибланиш, йирик ва энг йирик шаҳарлар экстенсив ўсишини ишлаб чиқариш потенциалининг бир қисмини жойлашиш системасининг қўшни марказлари ўртасида қайта тақсимлаш йули билан тўхтатиб туриш ҳам чегараларнинг аниқланишига меҳнат зоналарининг ҳудудларини

Ўзгартириш орқали таъсир этиши мумкин. Функциялар, алоқалар, административ бўлинишларнинг мавжуд бўлган ҳосиласи сифатида гуруҳли система чегараларининг конфигурацияси ўз навбатида унинг ички режалаштириш ташкилланишига фаол коррекцияловчи таъсир ўтказади. Унинг асосида жойлашиш системасининг барча бирлашмасидаги аҳолининг ҳар кунлик ҳаётини – фаолияти учун режалаштирилган фазовий воситалар ёрдамида реализациялар яратиш ётади. Шаҳар-марказдан 2 соатлик транспорт етарлигидан узоқроқда жойлашган гуруҳли системалар зоналарида умумсистема даражасида махсус марказлар ташкил этилиши лозим. Бундай марказларнинг ташкил этилишига имкониятнинг йўқлиги шаҳар-марказ билан ҳар кунги алоқаларнинг реализацияланишига имкон берувчи алоқаларнинг замонавийлаштирилган системаси ёрдамида компенсацияланиши зарур. Ҳолатий-шаҳарсозлик характеристикаларининг турли-туманлиги туфайли ҳар бир алоҳида ҳолда гуруҳли системани лойиҳалаш объекти ва унинг чегараларини аниқлаш сифатида ажратиб кўрсатиш бўйича аниқ, махсус қарорлар қабул қилиниши зарур бўлади. (11-планшет) [18].

Масалан, яхлит шаҳарсозлик ўзлаштиришлари деб аталувчи бир қатор районларда қурилишлардаги ажралишлар жуда кичик ва аҳоли жойларининг зичлиги жуда юқори бўлган ўзига хос ҳолат вужудга келади. Бундай районларда турли хил функцияларнинг ривожланишининг ва ўзаро таъсирининг жараёнларида жойлашишнинг агломерацион шакли ишлаб чиқариш-хўжалик ва ижтимоий-фазовий ҳудудларини ҳосил қилади ва улар кўп ҳолларда ўзаро боғлиқ аҳоли пунктларининг “ўзаро киришиб кетадиган” системаларини бирлаштиради. Бу ерларда қуриб битқазилган фазонинг ижтимоий-иқтисодий ва коммуникацион тўйиниши анча юқори, бу эса шаҳарсозлик инфраструктураларининг қисман қорежаиши ва кўшилиши орқали тушунтирилади.

Бундай ҳолатларда ўзаро боғлиқ жойлашишларнинг чегараларини аниқлаш аҳоли жойлари системасининг ижтимоий-функционал ўзаро таъсири барча зоналарини ажратиш билан боғлиқ бўлади. Шаҳар-марказларнинг ва улар атрофидаги аҳоли жойларининг ривожланишини бошқариш бу ерларда бутун соҳа учун жойлашишнинг системали шаклланиши муаммосининг ягона ечимини инобатга олган ҳолда режалаштирилади. Шу асосга кўра шаҳарсозлик лойиҳалаштиришларда бундай ҳудуднинг таркибий қисмлари сифатида алоҳида ҳудудлар ажратилади. Жуда кўп энг йирик шаҳарлар радиал темир йўл магистраллари бўйлаб жойлашишнинг катта гуруҳларининг чизикли тўрежаишлари шаклланган.

Барча йўналишлар бўйича ҳудудни ўзлаштиришнинг нисбатан текис интенсивлигига эга бўлган мономарказли агломерациялар асосида шаклланаётган гуруҳли системаларнинг чегаралари компакт шаклга эга бўлган конфигурацияга яқинлашади.

Гуруҳли системалар чегараларини аниқлашда мавжуд бўлган йирик кўшни жойлашган шаҳарлар ва уларнинг таъсир зоналарини инобатга олиш билан бир қаторда баъзи бир ҳолатларда янги ўзаро боғлиқ жойлашишлар системасининг шаклланишини ҳам диққат назарда тутмоқ керак бўлади. Гуруҳли системалар таркибига административ районларни кўшишнинг дифференциаллашган усули етарлиликнинг 50 км ли радиусини қисман ўз ичига олганлигини Ярослав райони жойлашишининг мисолида кўриш мумкин (12-планшет) [18].

Чизиқли шаҳарсозлик ҳолати шароитларида шаклланган аҳоли жойларининг гуруҳли тизимларининг чегараларини аниқлашда кетма-кет таҳлилда шаҳар марказлари ва уларнинг таъсир зоналарининг бутун занжирининг фаолиятининг мавжуд хусусиятларини ўрганиш зарурати туғилади. Районнинг шаҳарсозлик тузилишида ягона ўқнинг устунлиги ва камгина бўлсада кўндаланг ривожланишларнинг мавжуд эмаслиги марказ-зона таъсирининг структурасида эксцентриситетнинг шубҳасиз ҳосил бўлишига, мавжуд марказлар занжири йўналишида етарлилик зоналарининг устма-уст тузилишига олиб келади. Бундай ҳолатларда объектлар чегараларини ўрнатиш шаҳарсозлик тараққиётининг пропорциясининг бузилишини энгишга имкон беради. Тараққиёт пропорциясининг бузилиши функцияларнинг фақат ягона ўқ бўйлаб концентрациялашуви ва жойлашиш тизимининг ички зоналарини ўзлаштиришнинг ўта кучсизлигида кўринади (12-планшет) [18].

Гуруҳли системанинг ижтимоий – функционал бирлигини таъминлаш, - алоҳида олинган шаҳар дорасидан чиқиб кетувчи, ҳаётий фаолият жараёнларининг кенгайган чегараларининг фазовий яхлитлигининг бош шarti ҳисобланади.

Системанинг ҳар қандай жойида турли хил инфраструктураларнинг қурилишига сарфланган қапитал қўйилишининг самарадорлиги ортади, чунки унинг шаклланишининг асосий шarti сифатида уларнинг комплекс фаолият кўрсатиши ҳисобланиб қолади. Гуруҳли система ҳудудининг транспорт-коммуникацион тўйинишининг ортиши билан меҳнат ресурсларини жалб этиш имконияти кенгайди, шу билан бирга қишлоқ аҳолисини ҳам унинг яшаш жойини ўзгартирмаган ҳолда жаб этиш мумкин бўлади.

Аҳоли жойларининг гуруҳли системаларида шундай ижтимоий – иқтисодий ҳолат вужудга келадики, бунда аҳолининг қишлоқ жойлардан оқиб чиқишининг нафақат камайиши, балки стабиллашуви ҳам кузатилиши мумкин. Йирик ва энг йирик шаҳарлар таъсири остида бўлган қишлоқ ҳудудлари учун характерли бўлган бу жараён бир қатор сабаблардан боғлиқ бўлиб, уларнинг ичида энг муҳимларидан бири агломерация шаҳарлари билан, биринчи навбатда шаҳар-марказ билан қишлоқ аҳолисининг ўзаро боғлиқлик даражаси ҳисобланади. Бу ҳақда йирик шаҳар ва унга яқин жойлар бошчилик қилаётган административ районларда яшаётган қишлоқ аҳолисининг стабиллашуви факти гувоҳлик беради.

Гуруҳли системаларни лойиҳалашда шаҳар-марказ ва унинг таъсир зоналари инфраструктураларининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзаро боғлиқлиги муҳим ўринни эгаллайди.

Таянч тугунлар унинг периферия ҳудудларининг иқтисодий ишлаб чиқариш ва ижтимоий функционал фаоллигида асосий ўринни эгаллайди. Уларнинг комплекс ривожланиши билан жойлашишнинг локал (гуруҳ ичидаги) субсистемаларининг шаклланиши, уларнинг доирасида ишга жойлашишнинг имкониятининг кенгайиши, гуруҳли системалар масшабда жамоатчилик транспортининг умумий ташкил этилишининг рентабеллироқ бўлиши, умумий инженер-техник қурилмаларнинг яратилиши, атроф-муҳитни яхшилаш ва экологик мувозанатни қувватлашлар боғлиқ бўлади.

2.3. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли турар жойлари гуруҳли тизимининг яхлит функционал-режавий тузилмасини шакллантириш услуги

Аҳоли жойларининг гуруҳли системаларининг шаклланишининг структурали-режали муаммосини тадқиқ этишни умумметодологик нуқтаи назардан берилган системанинг жойлашишининг бутун район бўйича рационал режали ташкил этилиш масаласидан ажратган ҳолда олиб бориш имкони мавжуд эмас. Улар яшаш жойлари ва аҳолига хизмат қилиш марказлари (шаҳар ва қишлоқ аҳолисига), меҳнат қилиш масканлари (заводлар, электростанциялар, шахталар, қишлоқ хўжалик ерлари, ишлаб чиқариш корхоналари, ноишлаб чиқариш объектлари), дам олиш жойлари ва инсонларни ўраб турувчи табиий муҳитни қўриқлаш объектлари (дам олиш зоналари, ўрмон массивлари, табиий парклар ва ҳ.к.), системанинг инженер техник инфраструктурасининг элементлари (транспорт

тармоқлари ва иншоотлари, умумсистема аҳамиятига молик коммунал объектлар, қурилиш базалари) сифатида юзага чиқади.

Аҳоли жойларининг гуруҳли тизимлаоин режалаштириш структураси, унинг асосий элементлари ва улар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг фазовий модели сифатида “Аҳоли яшаш жойлари худудларининг системасининг режалаштириш структураси” тушунчаси анча илгари шаклланган “Шаҳарни режалаштириш структураси ” тушунчасидан фарқли равишда ҳали янги ҳисобланади ва уни махсус таърифлаш лозим бўлади. Бу кўрсатилган тушунчаларнинг ўхшашлиги шундаки, ҳар иккала ҳолда ҳам биз худуд ҳақидаги абстракт тасаввурнинг алоҳида тури билан иш кўрамиз ва у инсон атрофини ўраб турувчи муҳитнинг фазовий ташкиланишининг энг характерли томонларини ифода этади.

Юқорида айтилганларга кўра, аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли системаларининг режалаштирилган структураси ҳақида гапирилганда табиат муҳитининг энг муҳим табиий (ёки нисбатан кучсиз қайта ўзгартирилган) элементларининг ва асосий халқ-хўжалик объектларининг система шаклланишининг турли этапларида ўзаро жойлашишининг хусусиятларини ифодаловчи схемалаштирилган моделни тушуниш таклиф этилади.

Келтирилган таърифда “энг муҳим элементлар” ва “асосий ... объектлар” сўзларини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади, чунки улар “режалаштириш структураси” тушунчасининг мазмунини акс эттиради ва унинг бошқа мазмун жиҳатдан унга яқин бўлган терминлардан, масалан, “режалаштириш ҳолати” терминидан фарқини ифодалайди.

Таърифдан яна шу келиб чиқадики, айти бир режалаштириш ҳолати учун принцип жиҳатдан режалаштириш структурасининг алоҳида элементларнинг роли ва аҳамиятини тушунишдаги мумкин бўлган фарқларни ҳамда уларнинг фазовий жойлашишидаги ўзаро шартлашилганлик даражасини акс эттирувчи бир неча вариантлари таклиф этилиши мумкин. Бундан ташқари, таърифнинг система шаклланишининг турли этапларида деган қисмидан келиб чиқадики, унинг режалаштириш структураси узоқ вақт ўзгармасдан қолиши мумкин эмас, ва шунинг учун тарихан мавжуд бўлган, перспектив (прогнозли) ва лойиҳали режалаштириш структураси каби тушунчаларни киритиш зарурати ҳосил бўлади. Тарихан мавжуд бўлган режалаштириш структурасини кўрсатиш система режалаштиришининг лойиҳани тузишнинг дастлабки этапининг вазифаси ҳисобланади. Лойиҳалашнинг кейинги босқичларида энг яқин ва анча узоқ келажакларда мумкин бўладиган ўзгаришларнинг асосий

тенденциялари (прогноз берилади) аниқланади, яъни системанинг перспектив режалаштириш структураси ишлаб чиқилади. Ва ниҳоят, охири қарорнинг қабул қилиниш жараёни ишининг якунловчи босқичида унинг лойиҳали режалаштириш структураси берилган муҳлат учун қайд этилади.

Аҳоли яшаш жойлари гуруҳли системаларининг режалаштириш структурасини ўрганишдаги энг муҳим муаммо уни тавсифлашнинг, классификациялашнинг ва прогноз қилишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу масала бўйича шаҳарсозлик фанининг тажрибаларидан фойдаланиш, шаҳарларнинг ички режалаштириш структурасини классификациялашга уринишлар ва баҳолашларда ҳозиргача ҳамма жойда фақат элементар график схемалри асосида тушунтирувчи сифатий тавсифлар қўлланиб келинаётганлиги учун, ҳозирча кам перспективали ҳисобланади. Қаралаётган бу муаммони ечишда бир қатор “назарий география” деб номланувчи соҳа бўйича ихтисослашган чет эл тадқиқотчилари сезиларли даражада илгарилаб кетишган. “Назарий география” доирасида кейинги йилларда турли хилдаги географик объектларни, жараёнлар ва ҳодисаларни моделлаштириш ва фазовий таҳлили бўйича математик методлар интенсив равишда ишлаб чиқилмоқда (13-планшет) [19].

Аҳоли жойларининг гуруҳли системаларининг миқдорий баҳолаш асосида олинган структуравий –режалаштириш характеристикалари, уларнинг анъанавий шаҳарсозлик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг характеристикалари билан таққосланиши мумкин бўлган ҳолда, бу системаларнинг илмий асосланган режалаштириш классификациясини қуришга тўла яқинлашишга имкон беради. Шаҳарсозликнинг ЦНИИП (Центральный Научно Исследовательский Институт Лойиҳаированиа) да (ПМИТИ - Лойиҳалашнинг Марказий Илмий Тадқиқот Институтида) берилган ҳудуд чегарасида жойлашиш тармоғининг агломеративлиги тўғрисидаги шаҳар аҳолисининг катталиги ва зичлиги, энг катта шаҳарнинг катталиги, бу шаҳарнинг жойлашишнинг берилган гуруҳидаги умумий аҳолисидаги улуши, аҳоли жойларининг ишлаб чиқариш ривожланиши ва иқтисодий маданий потенциали даражасини характерловчи маълумотларни таққослаш учун зарур бўлган тажрибалар йиғилган.

Аҳоли жойларининг гуруҳли системаларининг режалаштирувчи структураларининг асосий классификацияловчи белгилари сифатида қуйидаги характеристикаларни қараш лозим бўлади: асосий структура элементларининг миқдори ва хилма-хиллиги (режалаштирувчи ўқлар,

марказлар ва зоналар); жойлашиш тармоғининг агломеративлик даражаси (фазовий локализациянинг нотекислиги); режалаштирувчи структуранинг шакли; системанинг нисбий поли-ёки мономарказлилиги. Келтирилган характеристикаларни гуруҳли системалар ривожланишининг маълум босқичларига қўллаб динамик ҳолда қараш лозим бўлади.

Алоҳида натижалари юқорида келтирилган аллақачон ўтказилган тадқиқотлар кўрсатадики, турли хил характеристикаларнинг кўрсатилган нисбатлари йўли билан нафақат қаралаётган системаларнинг режалаштирилган классификациясини куриш, балки уларнинг перспектив режалаштирилган структурасини прогноз қилиш масаласининг ечимига бевосита яқинлашиш ҳам мумкин. Режалаштирилган ва режалаштирилмаган параметрларнинг ўзгаришининг йўналиши ва масштабларининг ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқланишига таяниб ва охиргиларнинг перспектив ривожланишининг эҳтимолли характерини билган ҳолда у ёки бу аниқ системанинг режалаштирилган структурасининг бир классификацион типдан бошқасига ўтишини етарли даражадаги аниқлик билан олдиндан айтиш мумкин. Бошқа томондан, кўрсатилган факторларнинг шу турдаги биргаликдаги таъсири, одатда, системанинг аҳоли жойлари тармоғининг агломеративлигининг ўсишини тормозлайди ва жойлашишнинг гуруҳли шакли синфидан яратилаётган агломерациялар синфига ўтишини секинлаштиради. Бир томондан, аҳоли сонининг ва жойлашишлар сонининг ўсиши каби факторларнинг ўзаро таъсири тахминан худди шу йўл билан характерлаш мумкин, бошқа томондан эса, жойлашиш учун қулай бўлган система ҳудудларининг кенгайиши бўйича ўзгартириш тадбирларининг амалга оширилишини ҳам характерлаш мумкин. Масалан, агар ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва фуқаролик курилишлари учун яроқли бўлган чегараланган ресурсларига (шаҳар водийси, чўл ёки ярим чўлдаги оазис, ботқоқлик ҳудудларининг катта фоизи ва ҳ.к.) эга бўлган системанинг демографик ва иқтисодий потенциалининг ўсиши ҳудудни яхшилаш бўйича кенг ўзгартириш тадбирлари билан кетма-кет бўлмаса, у вақтда, у жуда тез равишда ўз синфини жойлашиш тармоқларининг агломеративлигининг ортиши тарафига ўзгартиради ва шу билан бирга режалаштириш структурасининг шаклини узоқ вақт сақлаб қолади деб қарашга тўла асос мавжуд бўлади. Шу билан бир вақтда, кўрсатилган типдаги етарлича кенг ўзгартириш тадбирларининг амалга ошиши системанинг режалаштирилган структурасининг ўзгаришларига мутлақо бошқа, ва ҳатто, кўпинча қарама-қарши характер беради.

Аҳоли жойларининг гуруҳли системасининг рационал режалаштирилган структурасини ишлаб чиқиш қуйидаги вазифаларни кетма-кет ҳал этишни ўз ичига олиши зарур: Система шаклланиш ҳудудининг мавжуд бўлган режалаштириш ҳолатини ўрганиб чиқиш ва унинг асосий табиий-географик ва халқ-хўжалиги структура элементларини ажратиб кўрсатиш; Қаралаётган ҳудуднинг вақт бўйича қайта ўзгартириш ва хўжаликни ўзлаштиришнинг асосий тенденцияларини ажратиб кўрсатиш ва уларни аҳоли жойларининг гуруҳли системалари доирасида шаклланишнинг энг тез ва тўлиқ натижавий мақсади нуқтаи назаридан баҳолаш; Район режалаштиришининг барча перспектив ечимларини коррективка ва координациялашни амалга ошириш шу мақсаддаки, улар системанинг тарихан мавжуд бўлган режалаштириш структурасининг ривожланишида прогрессив тенденцияларга максимал ёрдам берсин ва регрессив тенденцияларга максимал қаршилик қилсин.

Аҳоли жойларининг гуруҳли системаларининг режалаштириш структурасининг схемасини тузишда унинг асосий элементларининг қуйидаги уч типини ажратиб кўрсатиш таклиф этилади (6-Расм) [19].

а) нуқтавий (режалаштириш марказлари)—мавжуд бўлган йирик (энг йирик), катта, ёки ўртача шаҳарлар, интенсив равишда ривожланаётган янги шаҳар жойлашишлар, алоҳида жойлашаган йирик ишлаб чиқариш ва энергетик комплекслар, компакт шаклга ва катта бўлмаган ҳудудий ўлчамларга эга бўлган асосий транспорт тугунлари ва фойдали қазилмаларнинг туғилиш жойлари.


б) чизикли (режалаштириш ўқи) – дарё ва тоғ водийлари, дэнгизлар, кўллар ва сув омборларининг қирғоқлари, муҳим транспорт магистраллари, нефт ва газ ўтказгичлар, аниқ ифодаланган чўзиқ шаклга эга бўлган йирик ўрмон массивлари ва фойдали қазилмалар туғилиш жойлари.

в) зонавий (режалаштириш зоналари) – табиий ва хўжалик хусусиятлари аниқ кўриниб турган, ноаниқ геометрик шаклга эга бўлган кенг ҳудудлар (чўл ва ярим чўл зоналари, тоғ массивлари, суғориш ёки мелиорация зоналари, урбанлашишнинг юқорилашган сатҳли зоналари ва ҳ.к.).

Таъкидлаш лозимки, бир қатор табиий ёки халқ-хўжалиги объектлари турли хил ҳолатларда режалаштириш структурасининг нуқтавий, чизикли ёки зонавий элементлари сифатида ўзини намоён қилиши мумкин. Бу фойдали қазилмаларнинг туғилиш жойи, тоғли ёки ўрмон массивлари, йирик шаҳар агломерациялари ва ҳ.к. лар каби объектларга тегишли бўлади. Аслини олганда режалаштириш ҳолатининг

у ёки бу элементининг режалаштириш маркази, ўқи ёки зонаси сифатида трактовкаси лойиҳа авторларидан боғлиқ бўлади ва уларнинг аҳоли жойларининг берилган конкрет системасининг режалаштириш структурасининг хусусиятларини тушунишини кўрсатади.

Режалаштириш структурасининг асосий элементлари уларнинг атрофдаги атроф худудини хўжалик ўзлаштиришининг шарт-шароитларига таъсирининг интенсивлиги ва радиусидан боғлиқ ҳолда асосий ва иккинчи даражалиларга бўлиниши мумкин, уларни ҳосил қиладиган объектларнинг характеридан боғлиқ ҳолда эса, - табиий ландшафт (дарёлар, дэнгиз қирғоқлари, ўрмонлар, тоғлар ва ҳ.к. лар), транспорт (турли хилдаги транспорт тугунлари ва магистраллар), халқ хўжалиги (шаҳарлар, агломерациялар, йирик ишлаб чиқариш объектлари, гидго электр станциялари ва ҳ.к.) худудларига бўлинади.



6-Расм. *Йирик аҳоли жойларининг гуруҳли системасининг режалаштириш структураси.*

1 – асосий режалаштириш ўқи; 2- иккинчи даражали режалаштириш ўқлари; 3- бош транспорт-режалаштириш ўқи ва унинг таъсир зонаси; 4- иккинчи даражали транспорт-режалаштириш ўқи ва унинг таъсир зонаси; 5- перспектив транспорт-режалаштириш ўқи ва унинг таъсир зонаси; 6- бош режалаштириш маркази ва унинг таъсир зонаси; 7- перспектив режалаштириш маркази ва унинг таъсир зонаси; 8- иккинчи даражали режалаштириш маркази ва унинг таъсир зонаси; 9- чегараланган урбанлаштиришнинг халқали зонаси; 10- ўрмон массивлари; 11- системанинг чегараси.

Режалаштириш структурасининг асосий элементларининг таъсир зоналарининг чегаралари одамларнинг яшаш ва хўжалик фаолияти шароитига уларнинг таъсирининг хусусиятлари билан ҳамда атроф худудларининг экологияси билан мос ҳолда аниқлаш лозим бўлади. Халқ хўжалиги элементлари учун бу хилдаги таъсирлар энг аввало уларнинг ишлаб чиқариш, ташкилий-хўжалик, меҳнат ёки маданий-маиший алоқалари билан характерланади. Шунинг учун уларнинг таъсир зоналарининг шартли чегаралари турли типдаги объектлар учун бу алоқаларнинг нисбий узоқлигини ва интенсивлигини характерлайдиган ўртача норматив қийматлар асосида етарлича катта аниқлик билан топилиши мумкин. Транспорт элементлари учун бу чегаралар, уларга жойлардаги транспорт тармоқлари ёрдамида унинг замонавий ёки перспектив ҳолатини ва унга мос алоқаларнинг ўртача тезлигини инобатга олган ҳолда, яқинлашишнинг рационал норматив узоқлиги билан аниқланади. Табиий ландшафт элементлари учун таъсир зоналарининг чегаралари уларга транспортнинг етарлилиги (потенциал ёки фактли рекреацион фойдаланиш объектлари учун), турли хилдаги эксплуатацион табиий ресурсларни ташишнинг иқтисодий рационал узоқлиги (сув, ташилиши қийин бўлган минерал ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари), улар билан боғлиқ бўлган табиий-иқлимий зоналарнинг кенглиги (тоғ тизмалари ва тоғолди худудлар учун, дэнгиз қирғоқлари, ботқоқлик худудлари ва ҳ.к.) кабилар ёрдамида аниқланиши лозим бўлади.

Режалаштирилган структуранинг бош ва иккинчи даражали элементларини ажритиб кўрсатиб, ишлаб чиқариш ихтисослиги аниқ ифодаланган системаларда аҳоли жойларининг барча тэнг шароитларида атроф худудлари билан энг интенсив технологик, хўжалик ва меҳнат алоқаларига эга бўлган халқ-хўжалиги ва транспорт элементларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Курорт (рекреацион) халқ-хўжалиги ихтисослигига эга бўлган системаларда, одатда, биринчи ўринга режалаштириш структурасининг у билан боғлиқ хусусий таъсир зонасининг микроиқлимли, курортли, ва ландшафт – эстетик факторлари табиий-ландшафт элементлари чиқади. Йирик (энг йирик) шаҳарлар ва агломерациялар районларида режалаштириш структурасининг шундай элементларига урғу бериш лозимки, улар режали –бошқариладиган аҳоли жойларининг гуруҳли системаларида аҳоли жойларининг стихияли равишда тўрежаишлари ҳосил бўлган жойларни қайта ўзгартиришда асосий роль ўйнаши лозим бўлсин (бундай турдаги системаларнинг потенциал марказларида, умумсистема транспорт ва инженерлик инфраструктурасининг энг муҳим элементларида, ялпи дам олишнинг

йирик шаҳарлараро зоналарида, бир-бирига киришиб бораётган шаҳар жойларнинг ўртасидаги очик, қурилишлар бўлмаган фазоларида ва ҳ.к.).

Аҳоли жойларининг гуруҳли системаларининг перспектив режалаштириш структураларини ишлаб чиқишда архитектуравий-фазовий композиция масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Системанинг режалаштириш структурасининг асосий элементларининг функционал тамойиллар бўйича ажралиб турадиган кўпчилик қисми у ёки бу даражада унинг ландшафтининг шаклланишида ҳам қатнашади. Улардан бири (дарёлар, тоғлар, ўрмонлар, шаҳарлар, йирик гидротехник иншоотлар, кўприклар ва ҳ.к.) ўзининг панорамаси ва силуэти билан ҳудуднинг ландшафт-эстетик кўринишининг шаклланишида бевосита иштирок этади. Бошқалари эса (турли турдаги қуруқлик ва сув транспорти йўллари) система ҳудуди бўйича одамларнинг асосий оқимини ташкиллаштиради ва шу билан уларнинг кўриш таассуротларининг характери ва кетма-кетлигини аниқлайди. Режалаштириш структураси элементларининг учинчи гуруҳи (интенсив равишда ишлаб чиқарилаётган карьерлар, йирик зрмон ишлаб чиқаришлари, хаотик-тартибсиз равишда қурилган ишлаб чиқариш ва омборхона ҳудудлари ва ҳ.к.) келажакда табиий ва маданий ландшафтларнинг эстетик кўринишига сезиларли даражада зарар етказиши мумкин. Шунинг учун аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли системаларининг перспектив режалаштириш структурасининг схемасини ишлаб чиқишда ҳудуднинг эстетик кўринишининг шакллантирилишида унинг ҳар бир элементининг улушини ҳисобга олиш ва баҳолаш, ландшафтли-архитектуравий доминантнинг фазовий жойлашинининг ритми ва маълум бир тартибини таклиф этиш, уларнинг композицион ўзаро боғлиқлиги кўрсатилиши ва кўриниш бўйича ёпиқ ландшафт бассейнларининг унинг доирасида кўп ёки камроқ тугалланган фазовий композициялар шаклланишига ҳаракат қилинадиган кўриниш чегаралари ўрнатилиши зарур бўлади.

II боб бўйича хулоса

Шаҳар агломерацияларини тартибга солиш бўйича илмий-лойиҳавий концепциялар таҳлили қуйидаги илмий хулосаларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилади:

1. Шаҳар агломерациялари ривожланишининг ҳозирги пайтдаги энг типик муоммолари ичига қуйидагилар: шаҳар агломерацияларининг марказий ҳудудларининг сусайишига оилб келувчи марказга интилма тенденцияларнинг кучли устунлиги; агломерацияларининг комплекс

худудий-фазовий ташкил этилишини қийинлаштирувчи саноат ишлаб чиқаришнинг ва жойлашишнинг етарлича балансланмаганлиги; марказий худудлардаги аҳолига ижтимоий-маданий ва маиший худудларда хизмат кўрсатишнинг непропорционаллиги; транспорт алоқаларининг нотартибли ривожланиши кабилар киради.

2. Агар радиал-концентрик структураларда тобе аҳоли жойларининг ўртасидаги ўзаро алоқалар кучсиз бўлиб, шаҳар-марказ орқали амалга оширилса, тармоқ типидagi структуралар аҳоли жойларининг барча турлари ўртасида горизонтал контактларни кучайтириш билан характерланади.

Мутахасислар учун энг йирик шаҳарлар ривожланиш зонаси сифатида радиалконцентрик структураси ҳисобланади. Шаҳарлар ривожланишининг чизиқли-қатламли схемаси маълум устунликларга эга деб ҳисобланади. Аҳолини қайта тақсимлаш ва транспортни рационаллаштириш шаҳарнинг режалаштирилган структурасини қайта ўзгартиришнинг асосини ташкил этади.

Шаҳар структурасининг шаклланишида яқин вақтларгача шаҳарнинг марказий зонасида, маълум кесмалар бўйлаб бошланадиган транспорт радиусларида маданий-маиший ташкилотларни концентрациялаш тенденцияси устун бўлиб келган. Шаҳар худуди кучли кенгайган ва транспорт коммуникациялари узатган. Бу тенденцияларни энгиш учун аҳоли зич жойлашган шаҳар марказини ва бош радиал трассаларни сийраклаштириш учун периферия зоналарига кўпроқ функционал мустақиллик беришга қаратилган савдо ва маданий марказларини, ишлаб чиқариш инфраструктура объектларини яратиш масалалари қараб чиқилган.

3. Ривожланишнинг агломерацион шаклидан жойлашишнинг режали – бошқариш системасига ўтиш йирик шаҳар ва уларга худудий яқин бўлган аҳоли жойларининг биргаликдаги потенциали самарадорлигининг ўсишини тўхтатиб турувчи муаммоларни ҳал этиш зарурати билан боғлиқ бўлади. Жойлашишнинг агломерацион шаклига хос бўлган аҳоли жойларининг нисбатан автоном равишда ривожланиш шароитида бу муаммоларнинг этилиши алоҳида тадбирларнинг йиғиндиси сифатида юзага чиқади. Улар жойлашишнинг мавжуд бўлган агломерацион шаклини функционал режалаштирилган ўзгартиришларнинг умумий стратегияси билан етарли бўлмаган миқдорда боғланган. Ривожланишнинг бундай йўналганлиги фазовий жиҳатдан бевосита йирик шаҳар худудига яқин жойлашган аҳоли жойларининг биринчи навбатда ўзлаштирилишига ва бир қатор ҳолларда уларнинг ютилишига олиб келади. Бунда қишлоқ

хўжалик ерларининг қурилиш жойлари учун олиш ҳажми ортади; кичик шаҳарлар ва қишлоқлар ижтимоий–иқтисодий жиҳатдан ўсиш учун стимул олмайди; агломерациянинг марказий ва периферия қисмларининг ривожланишида диспропорция чуқурлашади.

Йирик шаҳарлар атрофида шаклланган агломерациялардаги жойлашишнинг қайта ўзгартирилиши аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли тизимини яратиш билан боғлиқ. Бунда аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли тизимлари мавжуд жойлашиш тармоғининг структуравий-режали шаклланиши узоқ давом этадиган қайта қуришнинг бош бўлаги сифатида қаралади.

4. Аҳоли жойларининг гуруҳли системаларини яратиш-жойлашишни бошқарадиган ривожлантиришнинг сифат жиҳатдан янги, системага кирувчи аҳоли жойларининг бутун бирлашмасини ва ҳар бири алоҳида олинган яшаш жойларининг ижтимоий-иқтисодий ва режалаштирилган фазовий структурасининг баланслашган шаклланиши билан ва комплекс ташкиллаштириш масаласининг ечими билан боғлиқ этапи ҳисобланади. Агарда шаҳарнинг яхлитлиги, унинг доирасидаги шаҳар аҳолиси функцияларининг ягоналиги билан аниқланса, гуруҳли системаларнинг яхлитлиги шаҳар-марказ аҳолисининг ва унинг таркибига кирувчи жойлашишларбирлашмаси функцияларининг ягоналиги ҳисобланади.

Гуруҳли тизимларнинг яхлитлигин аниқлаш, уни универсал шаҳарсозлик бирлиги сифатида характерлайди. Фазовий параметрлар бўйича гуруҳли тизимини унинг таркибига кирувчи шаҳарлар ва аҳоли жойлари аҳолисининг ҳаётининг фаолиятининг бир суткалик даврийлигига асосланган максимал ҳудудий бирлик сифатида қараш мумкин. Бунда 1,5-2 соатлик етарлилик чегараси районидаги функционал тарқалиш деб номланадиган зона шаклланади. Бу вақт жойлашиш структурасининг “ажратувчи” фазовий вақт бўсағаси сифатида қараш мумкин.

III БОБ. Самарқанд агломерациясининг таркибий тузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш тамойиллари

3.1. Самарқанд агломерациясининг шаклланган таркибий тузилмасининг таҳлили

Ўрта Осиё шаҳарлари ривожланишининг таҳлили кўрсатадики, Ўрта Осиё шароити учун энг йирик шаҳар марказларидан бири бўлган Самарқанд шаҳри регион учун энг қадимий ва шу билан бирга етарлича типик ҳисобланади. Самарқанд шаҳри Ўрта Осиёнинг энг йирик республикаси – бутун иқтисодий районнинг халқ – хўжалиги бўйича энг ривожланган қисми ҳисобланган Ўзбекистоннинг ҳудудида жойлашган.

Шаҳарсозликнинг ЎзНИИЭП томонидан ишлаб чиқилган шаҳарларнинг комплекс типологияси доирасида Самарқанд Ўрта Осиё шаҳарларининг катта гуруҳи ичида етакчи ролни эгаллайди. Фақат Ўзбекистон ҳудудининг ўзида Самарқанддан ташқари, республиканинг аҳоли жойлашишининг регионал структурасида интенсив ривожланаётган вилоят ва республика аҳамиятига эга бўлган 6 та шаҳарни ажратиш кўрсатиш мумкин. Бу гуруҳга яна, тор ихтисослик ишлаб чиқариши базасида вужудга келган ва аста секин кенг профилдаги йирик индустриал марказларга айланаётган шаҳарлар (Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Навоий, Чирчиқ ва ҳ.к.) ҳам киради. Бу шаҳарлар учун маҳсулот ишлаб чиқаришда бандликнинг (иқтисодий фаол аҳолининг $\frac{3}{4}$ қисми) юқори даражаси характерлидир. Шунинг учун уларда ноишлаб чиқариш сферасини ривожлантириш алоҳида долзарбликка эга бўлади. Худди шундай муаммо маданий-маиший функцияларнинг сезиларли даражада кенгайтирилиши лозим бўлган регионал иқтисодий марказлар учун ҳам мавжуд.

Савдо-тақсимотли, административ – сиёсатли марказлар сифатида вужудга келган қадимий шаҳарлар сифатида улар (Фарғона, Самарқанд, Андижон ва бошқалар) социалистик ривожланиш йилларида улар ўзларининг ишлаб чиқариш функцияларини жуда мураккаблаштиришди. Ҳозирги вақтда улар административ-хўжалик функциялари билан бир қаторда кўпроқ саноат ишлаб чиқариш, транспорт-тақсимот, маданий-оқартув ва бошқа функцияларни ҳам бажармоқда. Қайд этилган шаҳарлар янги шаҳарлар гуруҳининг вилоят марказлари билан биргаликда ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аҳоли жойлашишининг асосий тугунлари ҳисобланади, чунки уларда республиканинг ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-хўжалик ва сиёсий ривожланишининг асосий ричаглари

тўрежаган. Келажакда Ўзбекистоннинг аҳоли жойлашиш тизимидаги бундай роли ва уларнинг аҳамияти тўлиғича сақланади.

Шунинг учун бу шаҳарларда шаҳарлараро хизмат қилиш сферасининг ривожланиш қонуниятларини аниқлаб кўратиш Ўрта Осиёда перспективали оазисли жойлашиш шароитида унинг такомиллаштирилиши бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўрта Осиёнинг регионал иқтисодий марказлари гуруҳининг типик намояндаси сифатида, Самарқанд жойлашиш шароити бўйича уларнинг кўпчилигидан фарқ қилмайди. Тарихан бу шаҳар шарқдан ғарбга томон оқувчи Зарафшон дарёсининг водийсида шаклланган. Бу вилоят орқали Ўзбекистоннинг ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари ўртасидаги асосий алоқаларни таъминлайдиган Катта Ўзбек ва Зарафшон трактининг Ўрта Осиё темир йўли ўтади. Вилоятда 8 та шаҳарлар ва 10 та шаҳар типидagi поселкалар мавжуд.

Самарқанд аҳоли жойларининг гуруҳли тизимининг таркибига қуйидагилар киради: тизимнинг маркази – Самарқанд шаҳри; Булунғур, Жума, Жомбой, ва Ургут шаҳарлари; шаҳар типидagi поселкалар – Хишрав, Чархин, Суперфосфат, Дахбед, Тайлоқ, Челак; район марказлари – Пойарик, Лоиш ва қишлоқ районлари – Оқдарё, Булунғур, Жомбой, Самарқанд, Пастдарғом, Ургут.

Бу гуруҳли тизимнинг мумий ҳудуди 553,2 минг гектар, аҳолининг ҳозирги вақтдаги сони 1084,52 минг киши бўлиб, шу ҳисобдан шаҳар аҳолиси 551,6 минг кишини ташкил этади. У шарқда Тожикистон республикаси билан, жанубда Қашқдарё вилояти билан, ғарбда Нуробод ва Каттакўрғон туманлари билан, шимолий шарқда Жиззах вилояти билан чегараланади. Самарқанд гуруҳли тизимида вилоятнинг 64,6 % аҳолиси, шу жумладан шаҳар аҳолисининг 75 % яшайди, унинг ҳудуди эса вилоят ҳудудининг 23 % ини ташкил этади. Самарқанд гуруҳли тизимининг аҳолисининг шаҳарлар ва поселкалар бўйича тақсимланиш характери келтирилган.

Самарқанд гуруҳли тизимидан ташқари вилоят ҳудудида яна иккита нисбатан автоном жойлашиш тизимлари – Каттакўрғон ва Нурота тизимлари мавжуд.

Каттакўрғон жойлашиш тизими вилоятнинг ғарбий қисмини эгаллайди ва 525,2 минг кишилиқ аҳолига, шу жумладан 104,4 минг кишилиқ шаҳар аҳолисига эга. Бу эса вилоятнинг умумий аҳолисининг 31 % ини ва шаҳар аҳолисининг 20 % ини ташкил этади, унинг ҳудуди эса 1023,6 гектарни ташкил этиб, вилоят ҳудудининг 41 % ига тэнг. Аҳоли

жойлашишининг бу тизими Самарқанд гуруҳли тизими билан Самарқанд-Каган, Самарқанд-Қарши темир йўллари орқали ва Самарқанд-Каттақўрғон ва Самарқанд-Қарши автомобил йўллари орқали боғланган.

Нурота тизими 88 минг кишилиқ аҳолини ўз ичига олиб, шу жумладан шаҳар аҳолиси 20 минг кишини ташкил этади.

Самарқанд гуруҳли тизимида саноат ишлаб чиқаришнинг асосий қисми жамланган. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг ялпи маҳсулотининг умумий ҳажми вилоят умумий ялпи маҳсулотининг 72,5 % ини ташкил этади, ва бу республика ялпи маҳсулот ҳажмининг 7,1 % ини ташкил этади.

Самарқанд гуруҳли тизимининг ҳудудидан 2 та темир йўл линиялари ҳамда умумдават аҳамиятига эга бўлган автомобил йўллари ўтади. Автомобил йўллари тармоғининг конфигурацияси радиал кўринишга эга. Барча автомобил йўллари Самарқанд шаҳрида туташади ва уларнинг зичлиги 27,1 км/100 км² га тенг. Самарқанд вилояти жойлашиш тизимида фсосий транспорт вақт сарфи ва вилоятнинг бош маркази – Самарқанд шаҳрига етарлиқ шарти қилинган.

Вилоятнинг табиий шарт – шароити, темир йўл линияларининг асосий транспорт магистралларининг ва автомобил йўллариининг ўтиши жойлашишнинг умумий структурасининг Зарафшон дарёси бўйлаб чўзилган учта марказ билан, вилоятнинг шарқий қисмида –Самарқанд шаҳри, ғарбий қисмида Каттақўрғон шаҳри ва шимолий тоғ олди ва тоғли қисмида Нурота шаҳарлари билан қизиқли тизим кўринишига эга бўлишининг шарти ҳисобланади.

Самарқанд аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимининг мавжуд шаҳарларидан қуйидагиларни алоҳида ажратиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, - йирик саноат ишлаб чиқариш, транспорт, ўқув, илмий, административ-сиёсий, ва хўжалиқ маркази.

Қишлоқ районларига тегишли ишлаб чиқариш, транспорт, административ – сиёсий ва хўжалиқ марказларининг шаҳарлари бўлиб, бу гуруҳга Каттақўрғон, Булунғур, Жомбой, Жума, Оқтош шаҳарлари киради.

Темир йўл магистралларидан узокроқда жойлашган, саноат ишлаб чиқаришнинг кучли бшлмаган ривожига эга бўлган, административ-сиёсий, хўжалиқ марказлари шаҳарлари бўлиб, бу гуруҳга Ургут ва Нурота шаҳарлари киради.

Вилоятнинг 8 та шаҳридан 6 таси Жиззах-Самарқанд-Каган темир йўл магистрали устида жойлашган.

Районнинг морфологик чегараси сифатида шимолий – шарқда Туркистон тоғ тизмаларининг шимолий ғарбий давоми ҳисобланадиган шимолий-шарқ томондаги Нурота тоғ тизмалари, жанубда Зарафшон тоғ тизмаси, жанубий ғарбда Карнабчўл дашти, шимолий ғарбда Қизилқум чўлининг чегаралари хизмат қилади. Шундай қилиб, Самарқанднинг таъсир зонаси ҳудудий ривожланишнинг табиий чегаралари билан ёпиқ тизимни ҳосил қилади.

Автомобил йўлларининг асосий тармоғи асосий сув оқимлари ва тоғ водийсидаги сойлар бўйлаб параллел равишда ўтади ва вилоятнинг зичлиги $17,8 \text{ км}/100 \text{ км}^2$ га тенг бўлган ягона транспорт тармоғини ҳосил қилади. Вилоят ҳудудининг 22,6 % ини банд қиладиган суғориладиган ерларда аҳолининг 90 % и яшайди ва асосий шаҳарлар ва шаҳар типигаги поселкалар жойлашган. Бу зонада саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг катта қисми жойлашган.

Тоғли ва тоғолди қисмларда кичик поселкалар билан тоғ қазиб олиш саноатининг корхоналари жойлашган. Самарқанд оазисининг жуда яхши обу-ҳаволи шароитларга эга бўлган тоғли қисмларида кўп сондаги дам олиш ташкилотлари жойлашган.

Шаҳар аҳолиси зичлигининг қабул қилинган ҳудудий – географик районлаштириш билан мос ҳолда ҳисоблашлари кўрсатадики, ривожланган шаҳарлар зоналари учун у $490 \text{ киши}/\text{км}^2$ ни ташкил этади, вашаҳар аҳолисининг ундаги концентрацияси 67 % ни ташкил этади. Таққослаш учун шуни айтиш мумкинки Москва вилояти аҳолисининг зичлиги $308,7 \text{ киши} / \text{км}^2$ га тенг.

Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ҳудудлар деярлик барча суғориладиган ерларни қамраб олади. Курорт рекреацион зоналар Самарқанд вилоятининг тоғли ва тоғолди қисмларида Зарафшон дарёси бўйлаб ва сув омборларининг қирғоқларида жойлашган. Унинг таркибида яна кўрикхоналар, ўрмон хўжалиги ва ўрмон боғлари ерлари ҳам жойлашган.

Илоятнинг асосий режалаштирилган-транспорт ўқлари қуйидагилар ҳисобланади: Жиззах-Каган асосий темир йўл линияси йўналиши ва унга перпендикуляр бўлган Омонқўтон-Самарқанд-Даҳбед-Пойариқ йўналиши ва Ингичка-Каттакўрғон-Иштихон-Қўшработ, ҳамда Оқтош-Янгиработ-Лангар йўналишлари.

Бу асосий режалаштирилган транспорт ўқлари бўйлаб шаҳарларнинг асосий қисмлари ва асосий дам олиш зоналари жойлашган.

Умуман олганда, Самарқанд ва унинг таъсир зоналарининг ривожланишининг табиий – географик шароитларининг таҳлили Ўрта

Осиёда аҳоли жойлашишининг ривожланиши бир қатор асосий хусусиятларга эга бўлган ҳолда танланган тадқиқот объектининг оазисли жойлашишнинг бошқа районлари билан узвий алоқаларга эгаллигини кўрсатади.

Самарқанд вилоятида перспективали аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимининг ядросининг шаклланишининг асосий зонаси шаҳарлар атрофи зоналари ҳисобланади.

Аҳоли турар жойларининг шаҳар атрофи зоналарининг чегаравий узоқлиги 2 соатдан ортмайди.

Функционал зоналарга ажратиш бўйича қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

1. Шаҳар ва саноат ишлаб чиқариши ривожланишининг Булунғур-Жомбой-Самарқанд-Чархин темир йўл линияси бўйлаб жойлашган зонаси.

2. Қишлоқ хўжалигининг суғориладиган жойларда изчил ривожланиш зонаси.

3. Асосий табиий-ландшафтли ўқлар бўйлаб жойлашган узоқ муддатли ва қисқа муддатли дам олиш зоналари (Омонқўтон, Оҳалик, Ургут, Меронқўл). Бу зонага кўриқхоналар ва ўрмон хўжаликлари ҳам киради.

Сони 7 дан 10 гача ортиб борадиган шаҳар ва қишлоқ поселкаларининг функциялари бир-биридан кескин фарқ қилқди

Ургут шаҳри – дам олиш зоналари билан банд бўлган озиқ-овқат ва маҳаллий саноат ишлаб чиқариш маркази;

Жомбой шаҳри – Самарқандга хизмат қиладиган озиқ-овқат ва қурилиш саноат ишлаб чиқариш маркази;

Самарқанд туманининг янги маркази – Самарқанд шаҳридан ташқарига чиқарилган илмий текшириш институтлар жойлашган соҳа, административ – хўжалик маркази;

Тойлоқ, ДАХбед – илмий ўқув марказлар;

Чархин – саноат ишлаб чиқариш ва транспорт маркази;

Суперфосфат – темир йўл транспорти маркази;

Омонқўтон, Оҳалик, Меронқўл - узоқ муддатли ва қисқа муддатли дам олиш зоналарининг марказлари;

Самарқанд гуруҳли жойлашиш тизими таркибига кирувчи барча шаҳарлардан йирик Самарқанд шаҳри шаҳарлараро хизмат қилишнинг энг ривожланган ташкилотлар комплексига эга. Самарқанд базасида ташкил этилган жойлашиш тизимида мавжуд бўлган маданий-маиший ташкилотларнинг умумий ҳажмининг 43 % и Самарқанд шаҳрининг ўзига тўғри келади. Келажакда, маданий-маиший ташкилотлар тармоғи икки

мартадан кўпроққа, 11,4 млн. м. кубдан то 28,7 млн.м. кубгача ортса ҳам, бу ҳолат деярли ўзгармайди.

Маданий-маиший қурилишларнинг рухсат этилаётган қўшимча ҳажми шаҳарлараро маданий-маиший хизмат қилиш структурасининг такомиллаштирилиши учун энг муҳим ижтимоий турткилардан бири ҳисобланади, чунки у жойлашиш тизимида шаҳарлараро маданий-маиший функцияларнинг мумкин бўлган ривожланишининг ресурсларини аниқлайди.

Оазисли жойлашишнинг яна бир характерли хусусияти шундан иборатки аҳолининг қишлоқ жойлардан шаҳарда ишлаш учун доимий яшаш жойига миграциясининг даражаси кам бўлади. Бугунги кунда оазисларда катта меҳнат ресурслари мавжуд ва у қишлоқ хўжалигидан бўшаб қолаётган меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳоли ҳисобидан йилдан-йилга ортмоқда. Шу билан бир қаторда қишлоқ аҳолиси маданий-маиший мақсадларда ва маятникли миграцияларда интенсив равишда иштирок этмоқда. Текширишларнинг кўрсатишича, аҳолиси зич жойлашган оазисларда жойлашган кўпгина саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг анча қисми маҳаллий қишлоқ аҳолисининг маятникли миграцияси ҳисобидан ишчи кучи билан таъминланиб турибди.

Қишлоқ аҳолисининг маданий-маиший эҳтиёжларининг йирик шаҳарлар билан - оазисли жойлашиш марказлари билан тарихан мавжуд бўлган алоқаларининг риважланиш жараёнида кенг қаноатлантирилиши худди шу йўл билан таъминланади.

Аҳолининг шаҳарлараро хизмат қилиш сферасининг ривожланишининг шаҳарсозлик йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

районлараро миграциянинг доимий ижобий балансида маҳаллий аҳолининг ҳудудий ҳаракатчанлигининг жуда юқорилигини – бир тарафдан, ва йирик ва катта бўлмаган шаҳарлар атрофи учун характерли бўлган, аҳолининг интенсив равишдаги маятникли ҳаракатчанлигини – иккинчи тарафдан;

республика халқ хўжалигининг ҳудудий-тармоқли структурасининг бош хусусияти сифатида кичик ва ўртача шаҳарлар тармоғининг устунлигини;

оазисларда ва улар атрофида мавжуд бўлган ва шаклланаётган аҳоли жойлашишининг гуруҳли шаклларининг республика ичидаги шаҳарларнинг ҳудудий жойлашишининг умумий фониде шаҳар жойлар, айниқса катта шаҳарлар тармоғининг концентрациялашувини;

шаҳар аҳоли жойларининг ва улар тизимининг қиммқтли суғориладиган зич ўрамида ривожланишини;

кам сондаги йирик шаҳарлар – вилоят марказларида ишлаб чиқаришнинг ва шаҳар аҳолисининг, кичик ва ўрта шаҳарларнинг аниқ кўришиб турган кучсиз иқтисодий потенциалига эга бўлган ҳолда, юқори даражада концентрациялашувини;

кўпгина шаҳарлар ва шаҳар типидagi поселкалар функционал структурасининг ривожланмаганлигини, шаҳарлашиш базаси риволаниш даражаси кучсиз бўлган маҳаллий район ҳосил қилувчи марказларнинг устунлигини;

интенсив суғориладиган ерларга эга бўлган районларда кўп миқдордаги йирик қишлоқларнинг мавжуд бўлишида қишлоқ аҳоли турар жойларининг тарқоқлигини;

қишлоқларнинг урбанлашиш жараёнининг ривожланишида йирик қишлоқлар ролининг ўсишини, шаҳар ва қишлоқ аҳоли турар жойларининг ўзаро алоқаларининг кучайишини;

Ижтимоий шаҳарсозлик жараёни сифатида шаҳарлараро хизмат қилиш жараёнининг ривожланиши ҳудуддан фойдаланишнинг интенсивлашиши билан, саноат ишлаб чиқаришнинг ва халқ-хўжалиги, шу жумладан маданий-маиший потенциалнинг, концентрлашиш даражасини ортишини таъминловчи, шаҳар аҳоли турар жойлари тармоғининг қурилишининг ривожланиши билан узвий алоқаси билан характерланади.

3.2. Самарқанд агломерациясининг ўзаро боғланган гуруҳли тизимини шакллантириш йўллари

Оазислар жойлашишини такомиллаштириш жараёнида шаҳарлараро маданий-маиший хизмат қилишнинг функциясини ривожлантириш ижтимоий яшаш шароитининг яна ҳам ривожлантириш, хизмат қилиш ташкилотларининг иерархиясини, алоҳида аҳоли жойларининг ўзаро таъсир даражасини мураккаблаштириш билан боғлиқ.

Аҳоли турар жойлари тармоғининг шаклланиш характерига сезиларли таъсир кўрсатувчи ижтимоий инфраструктура объектларига умумшаҳар, регионал ёки умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ташкилотларни киритиш лозим. Уларга йирик савдо комплекслари, олий ўқув бртлари, клиник шифохоналар, илмий текшириш институтлари, театрлар, музейлар, ярмаркалар ва ҳоказолар киради. Барча ташкилотлар шаҳарлараро характерга эга ва улар шаҳар атрофи районлар аҳолиси билан ва бошқа шаҳарлар билан интенсив ўзаро таъсир доирасида шаклланади.

Шаҳарлараро хизмат қилиш тизимининг фазовий ташкил этилишининг етакчи тамойили иерархияли поғоналилик ҳисобланади. Назарий амалий ишлаб чиқишларнинг тажрибалари кўрсатадики, жойлашиш шакли ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан боғлиқ бўлмаган ҳолда шаҳарлараро хизмат қилишни ташкил этишнинг маҳаллий сатҳини – аҳоли сони 10 минг кишигача бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларнинг таъсир доираси қатнашга 30 мин. вақт сарфигача бўлган қишлоқ аҳоли турар жойларини қамраб оладиган марказлар асосида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Район сатҳи – административ районлар базасидаги аҳоли сони 30 минг кишигача бўлган, қатнашга 60 мин. вақт сарфигача доирадаги ҳудудларга хизмат қила эладиган қишлоқ аҳоли жойлари ёки шаҳарлари ҳисобланади;

Шаҳарлараро хизмат қилишнинг вилоят сатҳи административ районлар гуруҳлари ёки аҳоли сони 200 минг ва ундан кўп бўлган ва қатнашга 2 соатлик вақт сарфи чегарасидаги вилоят марказлари базасида шаклланади.

Ҳозирги вақтда фойдаланилаётган марказлар типлари асосида шаҳарлараро хизмат қилишнинг режали ташкил этиш тизимининг асосий тамойили жойлашиш тизимининг Ўрта Осиё шароитида жойлашишнинг сувни режалаштириш бош ўқлари билан мос келадиган асосий транспорт – режалаштирилган ўқларини, ҳамда ҳудудни шаҳарсозлик ўзлаштиришларининг перспектив йўналишларини аниқловчи иккинчи даражали режалаштириш ўқларини ажратиб кўрсатишга асосланади.

Бу шароитларда перспективали гуруҳли жойлашиш марказини унинг таъсир доирасидаги бошқа шаҳарлар билан, ҳамда республика аҳамиятидаги бошқа асосий регионал марказлар билан бирлаштирувчи жойлашишнинг транспорт инфраструктураси шаҳарлараро хизмат қилиш перспективали тизимининг каркасининг асосий элементи сифатида қаралиши мумкин.

Шаҳарлараро хизмат қилиш каркаси гуруҳли тизимнинг етакчи структура ҳосил қилиш қисми ҳисобланиб, жойлашиш фазосини ўзлаштиришнинг юқори интенсивлиги билан боғлиқ бўлган, аҳоли ҳаётининг фаолиятининг энг умумий жараёнларининг функционал фаоллигини ўзида тўпловчи ҳудудни қамраб олади. Шаҳарлараро хизмат қилиш сферасининг каркаси асосий транспорт магистралларини, коммуникацион тугунларни, у билан боғлиқ бўлган шаҳар аҳамиятига эга бўлган – жамоатчилик ва иштирокчиларнинг массали оқимини ўзига жалб этувчи бошқа уникал комплексларни шакллантиради.

Самарқанд гуруҳли тизимининг каркаси асосий режалаштириш йўналишларининг уч нузли структураси асосида шаклланиб у Самарқандни Тошкент, Бухоро ва Панжакент билан боғлайди. Бу йўналишлар бўйлаб вилоятнинг шаҳар жойларининг катта қисми концентрланади. Бош йўналишлардан, ўз навбатида, Самарқандни вилоятнинг район марказлари билан (Самарқанд-Пойариқ-Лоиш, Самарқанд-Челак-Нурота, Самарқанд-Тойлоқ-Ургут ва ҳ.к.) боғловчи ва бошқа вилоятлар билан (Самарқанд-Қарши. Самарқанд-Шаҳрисабз ва ҳ.к.) боғловчи ёрдамчи йўналишлар ажралиб чиқади.

Асосий ва ёрдамчи йўналишларнинг ўзаро алоқасини таъминловчи асосий транспорт-тақсимловчи тугунлар район марказлари Жомбой, Жума ва Тойлоқлар ҳисобланади.

Аҳоли жойларининг гуруҳли тизимларининг Самарқандда ташкиллаштирилган зонасида энг юқори интенсивлик билан Самарқанддан 1 – 1,5 соатлик етарлилик чегарасида жойлашган алоқалар характерланади. Пассажир ташиш ҳажми бўйича алоҳида йўналишларнинг таҳлили Самарқанд зонасининг шаҳар атрофи маршрутларининг энг банд йўналишларини ажратиш имконини беради:

Самарқанд – Тойлоқ (бир йилда 3375,0 минг пассажир);

Самарқанд – Ургут (бир йилда 2407,0 минг пассажир);

Самарқанд – Самарқандтуман (бир йилда 1956,0 минг пассажир);

Самарқанд – Оҳалик (бир йилда 800,0 минг пассажир);

Ушбу маршрутларда шаҳар атрофи зоналарининг умумий ҳажмидан тахминан 55 % пассажир-қатнаш мужассамлашган. 1 маршрутга солиштирма юкланиш бўйича бу маршрутлар интенсивлик даражасига кўра бир йилда тахминан 200 минг пассажир ташиладиган шаҳар ичидаги автобус йўналишларининг ўртача солиштирма юкланишидан кўпроқ бўлади. Бу эса ажратиб кўрсатилган маршрутларнинг ягона шаҳар структурасининг элементи сифатида ишлашидан далолат беради.

Самарқанддан 1 соатлик етарлилик масофасида жойлашган, шаҳар билан боғлиқ бўлмаган умумий пассажир ташиш бир йилда 1365 минг кишини ташкил этди, бу эса гуруҳли тизимнинг перспективали режалаштирилган структураси кўп марказли характерга эга эканлигини кўрсатади. Самарқанднинг шаҳар атрофи зонаси доирасида аҳолининг йирик шаҳарга қатнаши бир йилга 11113 минг кишини ёки 1 кишининг 34 марта қатнашини ташкил этди.

Трансплорт алоқаларининг мавжуд бўлган структурасида давлат ва вилоят аҳамиятига эга бўлган йўлларда втобус тезлиги 50 км/соат район аҳамиятига эга бўлган йўлларда 30 км/соат ни ташкил этади.

Самарқанднинг таъсир зонасида аҳолининг тақсимои 4-жадвалда келтирилган.

4- жадвал

Етарлилик радиуси (минут)	Аҳоли сони (минг киши)	Шу жумладан % ларда
15 – 60	210	37
60 – 90	254	44
90 – 120	96	17
120 - 150	10	2
Жами	570	100

Келтирилган маълумотлардан кўринадики Самарқанд шаҳрига бир соатлик ва 1,5 соатлик етарлилик зонасида 80 % дан кўпроқ аҳоли шаҳар атрофизонасида яшайди, 2 соатлик етарлилик радиусида 17 % ва 2,5 соат етарлилик масофасида эса фақат 2 % аҳоли яшайди.

Транспорт хизмати бўйича ва автомобил йўлларида тортилиш шароити бўйича шаҳар атрофи зонасининг аҳолиси қуйидаги (5 жадвал) жадвалдагича тақсимланади.

5- жадвал

Йўналишнинг номи	Аҳоли сони (минг киши)			
	Шаҳар	Қишлоқ	Жами	%
Самарқанд-Тошкент	60.0	42.0	102.0	18
Самарқанд-Панжакент	12.0	117.0	129.0	23
Самарқанд-Ургут	50.0	90.0	140.0	25
Самарқанд-Омонқўтон	17.0	40.0	57.0	10
Самарқанд-Оҳалик	18.0	18.0	36.0	6
Самарқанд-Самарқандтуман	24.0	12.0	36.0	6
Самарқанд-Катта кўрғон	30.0	24.0	54.0	9
Самарқанд-Даҳбед	8.0	8.0	16.0	3
Жами	219.0	351.0	570.0	100

Транспорт статистикасининг маълумотларининг кўрсатишича, йирик шаҳарнинг вилоят аҳолисининг тортилиш маркази сифатида етакчи ривожланишига қарамасдан, унинг таъсир зоналарида аҳоли жойлашишнинг етарлича мўтадил субмарказлари шаклланмоқда. Бу субмарказларнинг ролини кичик ва ўртача шаҳарлар, ҳамда мос административ районларнинг қишлоқ аҳолисининг интенсив тортилишининг қутблари ҳисобланган шаҳар типидagi поселкалар бажариб келмоқда.

Транспорт статистикаси маълумотларининг таҳлилининг натижаларининг кўрсатишича, аҳоли турар жойларининг перспективали

гуруҳли тизимларининг каркасини шакллантиришнинг асоси сифатида оазисли жойлашиш шароитида кичик ва ўрта шаҳарларни ажратиш имконияти мавжуд.

Шундай қилиб аҳоли жойлашишининг режалаштирилган структура-сини такомиллаштириш жараёнида жойлашиш каркаси йирик шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий йўналтирилган ривожланишини таъминловчи транспорт йўналишларининг ва шаҳарларнинг фазовий-тугунли тизими кўринишида шаклланади. Бу вақтда кичик шаҳарлар перспективали гуруҳли жойлашишнинг зоналарини аниқловчи, ҳудудий саноат ишлаб чиқариш ва шаҳарлараро маданий-маиший комплексларнинг вужудга келаётган ривожланиш марказлари вазифасини ўтайди.

Жойлашиш каркасининг элементлари унинг таркибига кирадиган магистралларнинг ранги бўйича (республика, вилоят, район), ҳамда маданий маиший хизматларнинг шаҳарлараро функцияларининг характери ва реализация частотаси бўйича аниқланадиган асосий ёки қўшимча транспорт инфрструктурасининг шаклланиш зонасидаги ўз ўрни бўйича ажратилади.

Аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимининг режалаштирилган структурасида шаҳар – марказнинг ўсиши билан ва жойлашишнинг таянч каркасининг ўқларидаги тезкор транспортнинг ташкил этилиши билан, транспорт-вақт етарлилиги даражасида 60 минутга ва радиусида 90-120 км масофага эришиш орқали янги ҳудудларни ва аҳоли турар жойларини ўзига жалб этиб, тугунларнинг таъсир зонаси кенгаяди.

Чизиқли-қатламли ва структура-нурли йўналтирилган жойлашиш-нинг кўндаланг кесимининг тугунларида, таянч каркасининг ўқларининг ҳар иккала томонида учта функционал-фазовий зоналар ўрнатилади:

биринчи – зона (100 – 3000 м.) доирасида бўлиб, меҳнатнинг асосий сфераларининг жойлашиши учун белгиланган, регионал характерга эга бўлган зона ҳисобланади. Бу шаҳар жойларнинг саноат ишлаб чиқариш, коммунал-складли, административ – жамоатчилик ҳудудлари ҳисобланади;

иккинчи – зона (200 – 5000 м.) доирасида бўлиб, асосан ишлаб чиқарининг маҳаллий объектларининг турли хил аҳамиятли(таълим, спорт, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к.) очиқ фазо зоналари билан навбатма-навбат жойлашиши, ҳамда қишлоқ хўжалиги ўзлаштиришлари райони ҳисобланади.

учинчи – зона (5000 – 1000 м.) асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат қилинидиган, агросаноат ишлаб чиқариш объектлари, турли хилдаги дам олиш ташкилотлари (қисқа муддатли ва узоқ муддатли) жойлашадиган зона ҳисобланади.

Оазисли жойлашиш шароитида аҳоли жойларининг гуруҳли тизимларининг чизиқли-катламли структураси асосий сув артериялари бўйлаб шаклланадиган тизимнинг ландшафт-композицион ўқлари билан мос тушади. Оазисли жойлашиш шароити учун типик бўлган, аҳоли турар жойларининг очиқ режалаштирилган структураси, шаҳарлараро хизмат структурасини шаҳар структураларини табиий рекреацион районлар билан бирлашишини таъминловчи “яшил поналар” ташкилоти билан бевосита боғлаш имконини беради. Маданий-маиший хизматнинг шаҳарлараро функциясининг очиқ кўкаламлаштирилган фазолар шаклланиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши шаҳарнинг интеграллашган режалаштирилган структурасининг шаклланиши учун шароит яратади.

Ўрта Осиёнинг ўзига хос шароитларда жойлашишида интеграллашган режалаштирилган структуранинг шаклланиши нафақат шаҳарлараро савдо-маиший ва ижтимоий-маданий комплексларнинг рекреацион районларнинг яхши етарлилиги шароитида концентрацияла- шувини, балки, жойлашишнинг режалаштирилган структурасида туризмнинг функцияларининг ривожланиши билан узвий алоқасини ҳам назарда тутлади. Яқин келажакда шаҳарлараро пассажир ташиш ҳажмида туристларнинг солиштирма салмоғининг сезиларли даражада ортиши кутилмоқда, бу эса ўз навбатида шаҳарларнинг режалаштирилган ривожланишида шаҳарлараро хизмат қилиш ташкилотларининг ролининг ортишини таъминлайди. Худди ана шу ташкилотлар энг юқори даражада туристлар томонидан шаҳарнинг фазовий структурасини ўзлаштириш жараёнида фойдаланилади. Туристлар томонидан таъминланадиган шаҳарларга хизмат қилиш сферасига кўшимча юкланишлар 2 приложениянинг 5 – жадвалида кўрсатилган. Умуман олганда республика бўйича бу юкланиш бир йилга 2350 минг кишини ташкил этади. Улардан туристларнинг умумий оқимининг тахминан 80 % и Самарқанд ва унинг атрофидаги шаҳарларга келиш билан боғлиқ.

Аҳоли турар жойларининг гуруҳли режалаштирилган структурасининг шаклланишида шаҳарлараро хизмат қилиш каркасининг роли унинг доирасида концентрланган жойлашишнинг потенциалининг ва тизимнинг умумий потенциалининг муносабатлари билан характерланади. Аҳолининг сони бўйича бу муносабат тахминан 90 % ни ташкил этадики, бу худуднинг шаҳарсозлик ўзлаштиришларининг ва каркасининг тизим ташкил этиш ролининг юқори интензивлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, шаҳарлар муҳитини комплекс ташкил этиш ва транспортни рационал ташкил этиш асосида Самарқанд аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимининг режалаштирилган каркасининг

шаклланиши, турли даражадаги шаҳарлараро марказларнинг жойлашишининг радиал структурасини тўғри бурчакли фазовий тугунли тармоққа қайта ўзгартиришни назарда тутди.

3.3. Самарқанд агломерацияси гуруҳли тизимининг яхлит таркибий тузилмасини ривожлантириш тамойиллари

Оазисли жойлашишнинг режалаштирилган структурасини такомиллаштириш шароитида шаҳарлараро марказлар типологиясини ишлаб чиқиш учун маданий-маиший хизмат қилишнинг йирик шаҳар-маркази Самарқанд аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимидан ташқари Самарқанддан турли масофаларда жойлашган, вилоятнинг бир неста район марказлари изчил равишда текширилиб чиқилди. Аҳолисининг сони бўйича барча район марказлари уч типга бўлинади: аҳоли сони 10-15 минг кишигача бўлган, аҳоли сони 10-50 минг киши бўлган, ва аҳоли сони 50 минг кишидан кўп бўлган. Текширишлар кўрсатдики, аҳолисининг сони 15 минг кишидан кўп бўлган район марказлари маданий –маиший хизматнинг мавжуд бўлган тизимига эга бўлган кичик шаҳарнинг характерли хусусиятларига эга бўлади ва мос административ районларнинг хусусий ва тортилган аҳолиси учун хизмат қилишнинг бош маркази функциясини мўътадил равишда амалга оширади.

Район марказларининг ўзаро таъсир характерининг уларнинг маданий-маиший потенциалидан ва йирик шаҳардан узоқлик масофасидан боғлиқлигини аниқлаш учун икки район марказида аҳолининг анкета сўровномаси ўтказилди: Самарқанддан 45 минутлик йўл масофасида жойлашган, аҳолисининг сони 19.5 минг кишидан иборат бўлган Ургут шаҳрида ва Самарқанддан 90 минутлик йўл масофасида жойлашган, аҳолисининг сони 51.5 минг кишидан иборат бўлган Каттакўрғон шаҳрида. Анкета сўровномаси қайд этилган шаҳарларнинг корхоналари ва ташкилотларида ўтказилди, шунинг учун сўровномалар ўтказилган аҳолининг ижтимоий-демографик структураси етарлича бир текис бўлди ва 17 ёшдан 55 ёшгача меҳнатга қобилиятли аҳоли категорияси билан характерланди. Сўровномалар ўтказилган аҳолининг тахминан 75 % ини эркаклар ташкил этди.

Икки шаҳар бўйича ҳаммаси бўлиб 571 киши билан анкета сўровномалари ўтказилди, танловнинг ўртача фоизи бу шаҳарларнинг банд аҳолисининг 17 % ига тўғри келди, бу эса текширишларнинг тўлақонлигидан далолат беради. Текширишлар ўтказилишида асосий эътибор Самарқанд шаҳридан 45 минутлик йўл масофасида жойлашган

кичик шаҳар Ургутнинг аҳолисининг маданий-маиший ориентациясини ўрганишга қаратилди. Оазисли жойлашишни қайта ўзгартириш ва унинг асосида аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимини шакллантириш шароитида район марказларининг кичик шаҳардан иборат бўлган худди ана шу типи перспективали маданий-маиший марказлар тизимининг оазис элементи сифатида юзага чиқади. Самарқанд вилоятида бундай типга Самарқанд шаҳридан 60 минутлик йўл масофасида жойлашган деярли барча шаҳарлар тегишли бўлади.

Шу билин бир қаторда, йирик шаҳарда қаноатлантириладиган маданий-маиший эҳтиёжларнинг даврий ва эпизодли хизматлардаги фоизи жуда юқори ҳисобланади. Бу эса аҳоли сони 15 – 20 минг киши бўлганда йирик шаҳарга етарлилик вақти 45 минутлик масофа бўлганда йирик шаҳарга миятликли миграцияни камайтиришни таъминловчи йирик маданий-маиший комплексларнинг яратилиши учун зарур бўлган шароит таъминланмаслиги тўғрисида гувоҳлик беради. Бунга қўшимча равишда Самарқанд шаҳрининг аҳоли томонидан йирик савдо-сотик ва маданий маркази сифатида энг қадимги вақтлардан, Самарқанд шаҳри Самарқанд вилоятида ягона йирик шаҳар сифатида мавжуд бўлган вақтлардан буён фойдаланилиб келинаётганлигини айтиш лозим.

Келажакда темир йўл алоқалари тезлигининг сезиларли ортишида бу марказнинг йирик шаҳар – гуруҳли тизимнинг перспективали маркази билан ўзаро алоқалари янада ортади. Худди шундай тенденция автобус алоқаларининг ривожланишида ҳам кузатилади, айниқса экспресс автобус алоқаларининг киритилиши ва автомобиллаштириш даражасининг ортиши билан янада кучлироқ ривожланади.

Шундай қилиб, мавжуд бўлган оазисли жойлашишнинг қайта ўзгартирилиш жараёнида нафақат кичик шаҳарларнинг хизмат сферасини режалаштирилган ҳолда ривожлантириш, балки йирик шаҳарларда шаҳарлараро хизмат қилишнинг аҳолининг ўрнатилган тасаввурларидаги йирик шаҳарда ва яшаш жойида маданий-маиший хизматларни танлаш имкони ва характери, ҳамда оазис аҳолисига хизмат қилишнинг анъанавий шаклларига жавоб бера оладиган йирик комплексларини яратиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Йирик шаҳарнинг маданий-маиший хизматларидан аҳолининг интенсив фойдаланиш анъаналарининг сақланиши унинг шаҳар ҳаёт тарзига фаол равишда қўшилишини таъминлайди. Бундай шароитларда йирик шаҳарнинг маданий объектларини келувчи аҳоли томонидан фойдаланиш частотасини ошириш муаммоси жуда катта аҳамиятга эга бўладики, бу ўз навбатида йирик шаҳарда хизмат қилиш марказларини архитектуравий-

режалаштириш ва функционал ташкил этиш бўйича махсус тадбирларни ўтказишни талаб қилади.

Йирик шаҳардан 90 минутлик етарлилик масофасида жойлашган шароитда ўртача шаҳар Каттакўрғон аҳолисининг анкета сўровномасининг натижаларининг таҳлили кўрсатадики, шаҳар аҳолисининг 51.5 минг кишилиқ сони маданий-маиший хизматларнинг нафақат ҳар кунлик, балки алоҳида турлари бўйича даврий ва эпизодли эҳтиёжларни қондириш учун ҳам етарли ҳисобланади. Бу вақтда йирик шаҳар хизмат қилишнинг барча турлари бўйича фақатгина частотаси “ бир йилда 2-3 марта” билан характерланадиган эпизодли хизмат қилишни таъминлаш функциясини сақлаб қолади. Аммо эпизодли хизматни олиш мақсадидаги қатнашларнинг интенсивлиги бўйича унинг турли хиллари бир қийматли эмас. Энг катта интенсивлик билан садо-сотик мақсадидаги эпизодли қатновлар характерланиб, уларда сўровнома ўтказилган кишиларнинг умумий сонининг 26 % игача қисми иштирок этади. Энг кам интенсивлик билан Каттакўрғондан Самарқанд шаҳрига медицина ва маиший хизматларини олиш мақсадидаги қатновлар характерланади. Маданий мақсадлар бўйича қатнашлар интенсивлиги бироз баландроқ, бу вақтда Каттакўрғонда яшаш жойи бўйича аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш интенсивлиги амалий жиҳатдан худди Ургут шаҳридагидек қийматга эга. Айтиш лозимки, маданий ташкилотларнинг миқдори ва сифими бўйича бу шаҳарлар бир-биридан сезиларли фарқ қилади. Агар Каттакўрғонда уларнинг жами сифими 2.5 минг жойни ташкил этса, Ургут шаҳрида уларнинг сифими фақатгина 0.6 минг жойни ташкил этади.

Умуман олганда, натурал текширишларнинг материаллари ҳамда бошқа тадқиқотларнинг натижалари оазисли жойлашиш шароити учун шаҳарлараро иарказларнинг қуйидаги типларини ажратиб кўрсатишга имкон беради:

1) юқори даражадаги марказлар – йирик шаҳарнинг умумшаҳар марказлари асосида шаклланаётган, перспективали гуруҳли жойлашишнинг барча ҳудудини медицина хизмати билан ҳамда баъзи бир регионал ва жамоатчилик аҳамиятига эга бўлган маданий –маиший функционал комплекслар (медицина, савдо-сотик, маданий, ўқув, административ бошқариш, тарихий ёдгорлик ва бошқа марказлар);

2) рангли район марказлари – булар аҳоли сони 50 мингдан ортиқ бўлган ўртача шаҳарларнинг жамоатчилик комплекслари асосида йирик шаҳарнинг перспективали жойлашишининг таянч каркасининг бош йўналишларидаги субмаркази сифатида шаклланади ва уларнинг

административ районлар гуруҳига даврий ҳамда қисман эпизодли хизматни таъминлайди;

3) рангли район марказлари – булар аҳоли сони 20-50 минг бўлган кичик шаҳарларнинг маданий – маиший ташкилоти асосида шаклланади ва уларнинг административ районларининг жойлашишининг таянч каркасининг бош ва қўшимча йўналишларидаги аҳолисига тўлиқ даврий хизматни таъминлайди;

4) рангли район марказлари – булар аҳоли сони 5 - 20 минг бўлган шаҳар жойларнинг ташкилоти асосида шаклланади ва уларнинг таянч каркасининг қўшимча йўналишларидаги қишлоқ хўжалик корхоналари гуруҳи аҳолисига “стандарт” (энг массив даврий ва ҳар кунги) хизматни таъминлайди;

5) маҳаллий марказлар – қишлоқ хўжалик корхоналарининг маданий – маиший марказлари бўлиб, алоҳида хўжаликларнинг аҳолисига ҳар кунлик хизматни таъминлайди.

Жойлашиш каркасининг структурасида турли типдаги шаҳарлараро марказларнинг жойлашиши йирик шаҳарнинг худудий ишлаб чиқаришининг режалаштирилган риволанишини таъминловчи асосий ўқларнинг, ва йирик шаҳарнинг суғориладиган ерлар зоналари билан ижтимоий –иқтисодий ўзаро алоқаларини таъминлайдиган қўшимча ўқларнинг шаклланиш характери билан аниқланади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда аҳоли жойларининг Самарқанд гуруҳли тизимида битта I рангли район маркази – Каттақўрғон шаҳрини, учта II рангли район марказлари – Ургут, Жомбой, Булунғур шаҳарларини, тўққизта III рангли район марказлари – Тойлоқ, Чархин, Жума, Оқтош, Ингичка, Челак, Нуробод, Лангар, Янгиработ шаҳарлари ва бир қатор маҳаллий марказларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Маданий-маиший мақсадлар билан аҳолининг шаҳарлараро ҳаракатланувчанлигининг умумий структураси Самарқанд гуруҳли тизимининг шаклланишининг барча йўналишлари бўйича Тошкент ва Панжакент йўналишлари сезиларли ривожланиши билан характерланади. Бундан ташқари Тошкент ва Каттақўрғон йўналишлари бўйича ривожланишда ҳозирги вақтда ва перспективада темир йўл алоқаларининг ривожланиши жуда қийматли бўлиб бормоқда.

Маданий - маиший хизмат қилиш ташкилотларидан фойдаланишнинг тажрибаларини таҳлил қилиш унинг структурасини такомиллаштиришнинг маълум тенденцияларини ажратиб олиш имконини беради. Майдони 600 м² бўлган магазинлардаги бир сотувчига тўғри келувчи товар обороти майдони 81 м² дан 110 м² гача бўлгандагидан 23

% га юқори, 1 м² сотув залига тўғри келадиганидан эса 14 % га юқорироқ бўлади.

Шифохоналар комплексларининг ижтимоий эффективлиги койкалар сони 250 – 400 бўлганларида койкалар сони 50 – 75 та бўлганларидагидан сезиларли даражада юқори, аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизими шаклланаётган шароитда койкалар сони 1000 – 1200 та бўлган кўп тармоқли медицина марказларининг яратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Клубли ташкилотлар учун хизмат қилишнинг район даражасидаги солиштирма қуввати 600 кишилик ўрни бўлган маданият уйларига тортилиш тенденцияси, аҳолининг замонавий эҳтиёжларининг энг катта даражаси сифатида турғун бўлишини кўрсатади.

Маданий – маиший ташкилотларнинг солиштирма қуввати ортиши билан уларнинг ижтимоий эффективлигининг ортиши тенденцияси хизмат қилишнинг бошқа турлари учун ҳам худди шу тарзда кузатилади.

Ҳозирги вақтдаёт эпизодли ва даврий хизмат қилиш ташкилотлари шаҳар ва шаҳар атрофи аҳолисини ўзига тортувчи шаҳарнинг тарихий ядроси районларини шаҳарсозлик ўзлаштиришларини таъминловчи йирик кутблар сифатида намоён этади. Уларнинг режалаштирилган структурадаги дифференцияси биринчи навбатда эпизодли хизматнинг марказ ҳосил қилувчи объектлари муҳим ўринни эгаллайдиган ташкилотнинг типологиясини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Бу поғонадаги ташкилотларнинг умумий методологик бўлинишидан келиб чиққан ҳолда учта асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

а) Самарқанд учун юқори поғонали хизмат қилиш объектларнинг стандарт тўплами аниқланганлиги;

б) шаҳарнинг миллий ўзига хослигини характерловчи ташкилотлар комплекси ажратиб кўрсатилганлиги;

в) объектларнинг перспектив типлари аниқланганлиги.

Йирик шаҳарга хизмат қилишнинг даврий ва эпизодли функцияларининг ишлаб чиқилган классификацияси бўйича, ҳамда оазисли жойлашишнинг зоналарида шаҳарлараро функцияларнинг унинг чегарасидан ташқарида ривожланиш талаблари бўйича юқори поғонали шаҳарлараро комплексларнинг характерли турлари аниқланди.

Тарихий шаҳар базасида жойлашиш шартлари учун қишлоқлаоаро хизмат қилиш иерархиясида юқори даража савдо-сотик, жамоатчилик овқатланиш, маданий ва таълимнинг уникал функцияларининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлган туризм комплексларига берилади. Бу функцияларнинг биргаликдаги ривожланиши туризм марказларининг ва регионал ва жамоатчилик аҳамиятига эга бўлган

шаҳарлараро хизматнинг шаклланишига шароит яратишни таъминлайди. Уларнинг жойлар бўйича оптимал жойлашиши бош магистралларнинг шаҳардан ташқари транспортнинг инфраструктураси ва тарихий бинолар районлари билан қулай боғланган транспортли-режалаштирилган тугунлари ҳисобланади.

Самарқанд шароити учун бундай жойлар тарихий шаҳар атрофининг ташқарисидан шаҳарни Тошкент билан боғлайдиган магистрал ўтадиган паркли қатлами ҳисобланади. Бухоро учун эса бундай жойлар янги қурилиш районларини тарихий ядро билан боғловчи, вокзал ва автостанцияга чиқадиган магистраллар ҳисобланади.

Иккинчи тури бўлиб шаҳарлараро марказларнинг шаҳарлараро хизматнинг юқори поғонаси, одатда, йирик шаҳарларнинг замонавий марказлари билан мос тушадиган административ-бошқарув комплекслари ҳисобланади. Перспективада гуруҳли тизимдаги шаҳар жойларнинг халқ-хўжалик ўзаро алоқаларининг кенгайиши билан боғлиқ ҳолдаги маятникли миграциялар оқимининг шаклланиш жараёнида бу марказларнинг роли ортади.

Учинчи тури бўлиб йирик шаҳарнинг режалаштирилган структурасидаги шаҳарлараро марказлари ҳисобланади, ва уларнинг жойлашиши йирик шаҳарнинг ҳудудида ёки унинг ташқарисида бўлиши гуруҳли тизимнинг режалаштирилган ривожланишининг талабларидан боғлиқ бўладиган юқори поғонали илмий-ўқув комплексларидан боғлиқ ҳисобланади. Умумшаҳар маркази структурасидан боғлиқ бўлмаган ҳолда бундай типдаги шаҳарлараро комплекснинг автоном равишда шаклланишига Тошкент шаҳридаги бир нечта олий ўқув юртларини бирлаштирган университет комплексининг шаклланиши мисол бўлиши мумкин.

Тўртинчи тури бўлиб вилоят шифохоналарининг комплекслари асосида шаклландиган юқори поғонали медицина марказлари ҳисобланади, ва улар одатда, гуруҳли тизимнинг марказий ядросининг перифериясида жойлашади ва ўз таркибига энг йирик ихтисослашган ва соғлиқни сақлашнинг кўп функцияли ташкилотларини қамраб олади.

Бешинчи тури бўлиб йирик шаҳарларнинг перспективали жамоатчилик функцияларини классификациялашда ажратиб кўрсатилган замонавий маданият ва дам олиш ташкилотлари асосида шаклландиган юқори поғонали жамоатчилик маданият марказлари ҳисобланади. Бундай марказлар умумшаҳар марказларининг структурасида, ҳамда рекреацион ўзлаштиришларнинг умумшаҳар парклари ва зоналарида ривожланади.

Олтинчи тур эса интенсив равишда бешинчи тур билан ўзароалоқаларда бўлиши билан характерланади ва стадионлар, бассейнлар, спорт саройлари ва ҳ.к. ларни ўз ичига олувчи, юқори поғонали спорт-тамоша марказлари ҳисобланади.

Марказларнинг барча санаб ўтилган турлари амалий жиҳатдан перспективали гуруҳли тизимнинг бош ядросига – уникал маданий-маиший хизматнинг эпизодли сатҳига - йирик шаҳарга мос келувчи шаҳарлараро хизматнинг бир сатҳини характерлайди.

Шаҳарлараро маданий-маиший хизматнинг ташкил этилишининг иккинчи сатҳи бўлиб, I, II ва III рангли район марказларининг шаклланишини характерловчи тўлиқ даврий ва қисман эпизодли хизмат қилиш сатҳи ҳисобланади. Бу сатҳ ўрта ва катта шаҳарларнинг умумшаҳар марказлари базасида шаклланидиган шаҳарлараро хизмат қилишнинг жамоатчилик савдо-сотиқ марказларининг комплексларини ташкил этадиган марказлар билан энг тўлиқ аниқланади. Оазисли жойлашишлар шароитида бу марказлар шаҳар хусусий ва тортилувчи аҳолисининг жамоатчилик ҳаётининг барча томонларини ҳамда унинг асосий маданий – маиший эҳтиёжларининг қаноатлантирилишини таъминлай олади. Уларнинг шаклланишининг асосий шартини жамоатчилик аҳамиятидаги транспорт билан композицион асосларни ва унинг тезлигини янада оширишни таъминлаш ҳисобланади.

Шаҳарлараро хизмат қилиш иерархиясининг учинчи сатҳи аҳолининг даврий ва ҳар кунлик характерга эга бўлган асосий эҳтиёжларини қаноатлантиришни таъминловчи маҳаллий марказларни шакллантириш сатҳи ҳисобланади.

Оазисли жойлашиш шароитида шаҳарлараро хизмат қилишни ташкил этишнинг энг муҳим хусусияти жойлашишнинг гуруҳли шаклига ўтишда шаҳарлараро хизмат қилишни ташкил этишнинг иккинчи сатҳини биринчи навбатда ривожлантириш зарурати ҳисобланади.

Мавжуд бўлган маятникли миграциянинг ва шаҳарлараро хизмат қилишнинг ташкилий структурасининг сезиларли қайта ўзгартирилишини таъминловчи аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимида шаҳарлараро марказларнинг ўзаро алоқаларининг эҳтимолли характерини, - шаҳарсозлик факторларининг перспективали концентрациясининг нуктаси сифатида-шаҳарлараро марказларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш методларини янада аниқлаштириш заруратини аниқлайди.

III боб бўйича хулоса

Шаҳарлараро хизмат қилишнинг маданий-маиший функцияларининг ривожланиш қонуниятларини таҳлил этиш уларнинг таъминотининг икки асосий сатҳини ажратиб бериш имконини беради, - даврий ва эпизодли таъминот. Ҳозирги вақтда аҳоли турар жойларининг перспективали гуруҳли системаларида йирик шаҳар-марказнинг режали структураларида сезиларли даражада юқори ривожланишини даврий хизмат қилиш эгаллади. Аммо шаҳарлараро хизмат қилиш сферасининг перспективали такомиллашуви уларнинг амалга ошираётган функцияларининг хилма-хиллигининг сифатий ортиши билан боғлиқ бўлган аҳоли жойларининг тизимли системалри ядросининг умумий шаклланиш жараёнининг энг муҳим элементи сифатида маданий – маиший хизмат қилишнинг юқори шаклининг ривожланишини ҳам талаб қилади.

Қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг асосий қисми учун юқори сифатли даражадаги маданий-маиший хизмат қилиш объектларининг фазо ва вақт бўйича етарлилик сатҳини орттириш вазифаси аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимларининг шаклланган ҳудудларда шаҳарлараро хизмат қилишнинг ягона каркасини ташкил этиш заруратини келтириб чиқаради. Гуруҳли тизимнинг структура ҳосил қилувчи элементи сифатида каркас транспорт магистраллари, коммуникацион тугунлар, ва хизмат қилишнинг шаҳарлараро функциясининг амалга оширилишини таъминловчи маданий-маиший комплекслардан ташкил топади.

Анъанавий равишда Самарқанд вилояти ҳудудида шаҳарлараро хизмат қилишнинг амалга оширилишидаги йирик шаҳарнинг юқори даражадаги роли ҳозирги вақтда миятликли миграциянинг юқори интенсивлигини ва жойлашишнинг режали структурасининг мономарказли характерга эга эканлигини таъминлаб келмоқда. Келажакда бу ҳолат жойлашишнинг мавжуд бўлган каркасининг учта йўналиш бўйича электрланган ва автобус алоқалари базасида сезиларли даражада ривожланиши ҳисобидан сезиларли ўзгариши зарур. Бу йўналишлардан энг асосийлардан бири Самарқанд гуруҳли тизимининг бош субмаркази сифатида Каттақўрғон перспективали ривожланиш йўналиши ҳисобланади.

Шаҳарлараро хизмат қилиш марказларининг оазисли жойлашиш шароитидаги умумий типологияси тизим марказларининг ўзаро таъсирининг иерархик белгиларини ва уларнинг мақсадга мувофиқ ривожланишининг миқдорий параметрларининг аниқ белгиларини аниқлаш имконини беради. Гуруҳли жойлашиш шароитда уларнинг

таркибига кирувчи ташкилотларнинг нафақат қуввати энг муҳим ролни эгаллайди, балки, гуруҳли тизимда марказларнинг функционал ташкил этилиши ва жойлашиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Оазисли жойлашишнинг режалаштирилган структурасида юқори поғонали шаҳарлараро марказларнинг шаклланишининг бошланғич асоси сифатида перспективали гуруҳли тизимнинг ядросини ҳосил қилувчи йирик шаҳарларнинг функционал комплекслари хизмат қилади.

Оазисли жойлашишнинг режалаштирилган структурасининг такомиллаштирилиш шароити учун шаҳарлараро марказларнинг функционал типологияси йирик шаҳар ташкилотининг базасида бир қатор турли хил ихтисосликлар билан характерланадиган (савдо-сотик, маданий, административ, медицина ва ҳ.к.) “юқори поғонали” шаҳарлараро хизмат қилиш марказларининг ажратилишини назарда тутди. Бу марказларнинг асосий функцияси оазисли жойлашишнинг бутун ҳудудини эпизодли хизмат қилиш билан таъминлаш ҳисобланади.

Бундан ташқари функционал типология доирасида қуйидагилар ажратилиб кўрсатилади:

I рангли район марказлари – булар аҳоли сони 50 мингдан ортиқ бўлган ўртача шаҳарларнинг умумшаҳар ташкилоти асосида шаклланади ва уларнинг радиуси 60 минутлик транспорт етарлилиги доирасидаги аҳолисига даврий хизматни (ҳамда қисман эпизодли хизматни) таъминлайди;

II рангли район марказлари – булар аҳоли сони 20-50 минг бўлган кичик шаҳарларнинг маданий – маиший ташкилоти асосида шаклланади ва уларнинг радиуси 30 – 45 минутлик транспорт етарлилиги доирасидаги аҳолисига тўлиқ даврий хизматни таъминлайди;

III рангли район марказлари – булар аҳоли сони 5 - 20 минг бўлган шаҳар жойларнинг ташкилоти асосида шаклланади ва уларнинг радиуси 20 – 30 минутлик транспорт етарлилиги доирасидаги аҳолисига “стандарт” (тўлиқ бўлмаган даврий) хизматни таъминлайди;

Жойларнинг марказлари – қишлоқ хўжалик корхоналарининг марказларига хизмат қилувчи объектлар базасида шаклланади ва уларнинг радиуси 15 – 25 минутлик транспорт етарлилиги доирасидаги аҳолисига ҳар кунлик ва қисман даврий хизматни таъминлайди;

Оазисли жойлашишнинг йирик тарихий маркази бўлган Самарқанд шаҳри мисолида шаҳарлараро функцияларнинг ривожланишини таҳлил этиш, шаҳарлараро функциянинг юқори поғонаси ривожланишининг Ўрта Осиё учун энг характерли шакли сифатида – туризмнинг ва маданий-маиший хизмат қилишнинг ягона режалаштириш структураси доирасида

меҳмонхоналар комплекси, савдо марказлари, уникал маданий марказларни миллий анъаналарни инобатга олган ҳолда бирлаштирувчи юқори поғонали, кўп функцияли кооперативлашган марказларини тузиш таклифини бериш имконини ҳосил қилади.

Йирик шаҳарнинг режалаштирилган структурасида туризм ва шаҳарлараро хизмат қилишнинг кўп функцияли марказларидан ташқари яна бошқа юқори поғонали шаҳарлараро марказларни тузиш ҳам таклиф этилади. Гуруҳли жойлашишнинг перспективали структурасида ўзининг ўрни бўйича улар йирик шаҳарларга яқин қишлоқ хўжалик районларининг интенсив ўзлаштирилиши билан характерланади ва жойлашишнинг таянч каркасининг асосий йўналишларига тортилади. Ҳозирги вақтда умумшаҳар маркази ядросида жойлашган олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари, ҳисоблаш марказлари ва ҳ.к. ларни бирлаштирувчи юқори поғонали илмий-ўқув комплексларини, асосан, йирик шаҳардан 15 минутлик йўл доирасидаги кичик шаҳарчалар зонасида илмий ишлаб чиқариш комплекслари, студентлар шаҳарчалари ва ҳ.к. лар шаклида ташкил этиш таклиф этилмоқда.

Юқори поғонали медицина марказларини йирик шаҳарнинг ўрмон-паркли қатламларида вилоят больницалари комплекслари асосида, аммо йирик шаҳар ва унинг таъсир доираси билан қулай ўзаро таъсир комплексларини таъминловчи асосий чиқиб кетувчи ва доиравий магистраллар яқинида ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Йирик шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги жойлар аҳолисининг бўш вақтларини ўтказишни таъминловчи гуруҳли аҳамиятга эга бўлган маданий – рекреацион марказларни йирик шаҳарнинг композицион-ландшафт ўқлари ва ўрмон-парк қатламдан интенсив рекреацион фойдаланиш зоналарининг кесишиш жойларида ташкил этиш, ташкиллаштирилмаган дам олиш ҳиссасини камайтириш ва йирик шаҳарнинг ташқари зоналарининг табиий ресурсларидан унумлироқ фойдаланиш учун зарур бўлади.

Х У Л О С А

Ўрта Осиё ҳудудида аҳоли жойлашишининг замонавий тенденциялари оазислар ҳудудларини Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон республикалари ҳудудларида шаклланаётган ягона халқ-хўжалиги комплексларининг асосий элементлари сифатида интенсив шаҳарсозлик ўзлаштиришлари билан характерланади. Бу Республикаларнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиларининг 60 % дан 90 % гача аҳолиси жойлашган оазисли жойлашиш зоналарида саноат ишлаб чиқариш, аҳоли турар жойи ва маданий-маиший қурилишлар, транспорт энг интенсив ривожланиш олмақда, қишлоқ – хўжалик ишлаб чиқаришининг интенсив шакллари амалга тадбиқ этилмоқда. Ҳозирги вақтда бу зоналарда жойлашишнинг режали-бошқариш асосий шакли сифатида аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимлари шаклланиши учун қулай ижтимоий ҳолатлар тузилган.

Оазислар ҳудудидаги жойлашишнинг мавжуд бўлган структурасини таҳлили бир қатор тарихан мавжуд бўлган шаҳарлараро хизмат қилиш марказларини алоҳида кўрсатиш имконини берди. Умуман олганда, Ўрта Осиё бўйича оазисларнинг мавжуд бўлган чегаралари доирасида бундай марказлар ролини бажарадиган, аҳолисининг сони 50 минг кишидан ортиқроқ бўлган 15 та марказни кўрсатиш мумкин. Улардан 10 та шаҳар Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бўлиб, бу Ўзбекистонда урбанлашишнинг юқори даражада эканлигидан, шаҳарлар тармоғининг Ўрта Осиё бўйича энг ривожланганлигидан ва энг қувватли халқ-хўжалиги потенциалига эга эканлигидан далолат беради. Унинг доирасида катта миқдордаги шаҳар ва қишлоқ аҳоли турар жойларини ўз ичига олган, иқтисодий ва маданий-маиший соҳадаги кенг зоналарга эга бўлган шаҳар жойларнинг бир қатор йирик марказлари ташкил топган. Ўрта Осиё учун энг типик бўлган тадқиқот объекти сифатида кўрсатилган оазисли жойлашишнинг аниқ тизимининг шаҳарсозлик бўйича ривожланиш шароитларининг умумий шаҳарсозлик таҳлили ва конкрет табиий текширишлар оазисли жойлашишнинг гуруҳли тизимининг перспективали шаклланиш зонасида энг мақсадга мувофиқ йўналишларни ва шаҳарлараро хизмат қилиш сферасининг перспективали ривожланиш шакллари ажадига кўрсатиш имконини берди.

1.Ишнинг марказий хулосаси оазисли жойлашиш шароитида оазисларнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиларининг ҳаётини ижтимоий ташкил этишнинг юқори шакли сифатида аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимини шакллантириш талабларига энг тўлиқ жавоб берадиган

жойлашишнинг сифат жиҳатдан янги шакллари тузиш заруратини аниқлаш ҳисобланади.

2. Ҳозирги вақтдаги ватанимизнинг ва чет мамлакатларининг жойлашишни ташкиллаштириш бўйича тажрибалари Ўрта Осиёда урбанизациялашиш жараёнининг ривожланишидаги ўзига хосликларни етарли даражада инобатга олмайди ва бу эса бу регионда жойлашишнинг ривожланиш тамойилларини махсус равишда тадқиқот этиш зарурлигини англатади. Ўрта Осиёда мавжуд бўлган жойлашишнинг ва шаҳарлараро маданий-маиший хизмат қилишнинг, ҳамда Самарқанд вилоятининг мисолида, оазисли жойлашишнинг мавжуд бўлган режалаштириш структураси, транспорт алоқаларининг ягона тизими билан бирлашадиган, шаҳарлараро марказларнинг фазовий-тугунли тизими сифатида перспективали аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизими каркасини шакллантириш учун зарур шароитларни таъминлайди.

Мавжуд бўлган жойлашишнинг перспективали ривожланиши жойлашиш тизимида маятникли миграция жараёнларининг юқори интенсивлиги билан ва бир қатор кичик ва ўрта шаҳарларнинг шаҳарлараро марказлар сифатида ажратиб кўрсатилиши билан аниқланади.

3. Шаҳарлараро хизмат қилиш жараёнларини ифодалашнинг асосий шакли ҳисобланадиган маданий – маиший мақсадлардаги маятникли миграция, ҳозирги вақтда, бизнинг мамлакатимизда истеъмол сферасининг янада кенгроқ ривожланишини характерлайди ва шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг деярли барча қатламларини қамраб олади.

Турли хил катталиқдаги шаҳарларнинг атрофидаги зоналарда улар, маданий-маиший хизматнинг ва шаҳар-марказлар базасида ишлаб чиқаришнинг зич жойлашишининг объектив шаклланишининг кўрсаткичларидан бири сифатида энг юқори интенсивлик билан ажралиб туради. Ўрта Осиё шароити учун маятникли миграция жараёнлари юқори интенсивлик билан нафақат шаҳар атрофидаги, балки, шаҳарлараро алоқаларда ҳам характерланади ва асосан, жойлашиш тизимининг йирик шаҳар-марказдан бир соатлик транспорт масофасида концентрланади. Бу чегаралар, одатда, унчалик катта бўлмаган ўлчамлар билан характерланадиган оазисларнинг энг интенсив шаҳарсозлик ўзлаштиришлари зоналари билан мос тушади. Йирик шаҳарларга етарлиликнинг яхши шарт-шароитлари оазислар аҳолиси учун аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимлари шаклланиш имконини нафақат транспортнинг тезкор турлари базасида, балки, анъанавий автобус алоқаларидан фойдаланган ҳолда ҳам таъминлайди. Ҳозирги вақтда транспортнинг бу турида пассажир ташиш шаҳарлараро алоқаларда

алоҳида маршрутлар бўйича шаҳар ичидагилардан устун туради, ва бу оазисли жойлашишнинг деярлик ҳар бир зонасида аҳоли турар жойларининг гуруҳли тизимларининг ягона шаҳарсозлик структурасида шаклланиши учун шароит борлигидан далолат беради.

4. Самарқанд жойлашиш тизимининг турли хил катталиқдаг шаҳарлари аҳолисининг истеъмол ориентациясининг мавжуд бўлган структурасини ўрганиш, ҳамда, транспорт ривожланишининг, хизмат қилиш сфераси ва жойлашишнинг перспективали тенденцияларини ажратиб кўрсатиш, хизмат қилишни ташкил этишнинг учта асосий даражасини ўз ичига олувчи шаҳарлараро марказларнинг перспектив типологиясини ишлаб чиқиш имконини берди: жойли, районли ва гуруҳли. Ишлаб чиқилган типологияда шаҳарлараро хизмат қилишнинг гуруҳли сатҳини йирик шаҳарнинг умумшаҳар маркази маданий-маиший функцияларинг ривожланиш базасида шаклланадиган ва ўз таъсири билан перспективали гуруҳли жойлашишнинг барча ҳудудларини қамраб оладиган, эпизодли хизмат қилиш марказлари сифатидаги юқори поғонали марказлар таъминлайди.

Район даражасидаги шаҳарлараро марказларнинг уч турини ўз ичига олади: I ва II рангли марказлар, - жойлашишнинг таянч каркасининг асосий ва қўшимча йўналишлари доирасида, ўрта ва кичик шаҳарлар базасида шаклланадиган ва гуруҳли тизим аҳолисини тўлиқ даврий хизмат қилиш билан таъминлайди, ҳамда III рангли район марказлари, - кичик шаҳарлар базасида шаклланадиган ва жойлашишнинг таянч каркасининг доирасидан ташқаридаги аҳолини тўлиқ бўлмаган даврий хизмат қилиш билан таъминлайди.

Шаҳарлараро хизмат қилишни ташкил этишнинг даражаси марказларнинг бир типини ўз ичига олади - жойлашишнинг барча ҳудудида шу корхоналар чегарасида аҳолини ҳар кунги хизмат қилиш билан таъминлайдиган, қишлоқ хўжалик корхоналарининг марказлари.

5. Оазисли жойлашишнинг маданий-маиший ташкилотларидан интенсив фойдаланишнинг мавжуд бўлган анъаналари ва оазисларнинг нисбатан катта бўлмаган ўлчамлари перспективали жойлашишнинг ижтимоий структурасининг шаклланишида юқори гуруҳли даражаларнинг шаҳарлараро марказларининг катта аҳамиятли эканлигини аниқлайди. Функционал типология доирасида гуруҳли даражасининг шаҳарлараро марказларининг 6 асосий тури ажратиб кўрсатилади:

- юқори сатҳнинг туризм ва савдо-маиший хизматлари марказлари;
- административ – бошқариш марказлари;
- ўқув-илмий марказлари;

- тиббиёт марказлари;
- маданий-рекреацион марказлари;
- тамоша-спорт марказлари;

Ўз таркиби бўйича бу марказлар уникал характерга эга бўлган объектлардан ташкил топади ва худди йирик шаҳарнинг режалаштирилган структурасида жойлашганидек, перспективали гуруҳли жойлашишнинг таянч каркасининг асосий йўналишларида ҳам жойлашади, бу эса уларнинг жойлашишнинг режалаштирилган структурасининг шаклланишида юқори даражадаги эгилувчанлигини таъминлайди.

6.Натурал текширишлар ва математик моделлаштиришнинг статистик таҳлили натижасида олинган маълумотлар перспективали гуруҳли жойлашишнинг оазисли жойлашиш шароитида чизиқли фазовий-тугунли структура характерига эга бўладиган, жойлашишнинг мавжуд бўлган табиий-ландшафтли композицион ўқлари бўйлаб шаҳарларнинг йўналишли ривожланишини таъминлайдиган ягона каркаси таркибидаги шаҳарлараро марказларнинг ўзаро боғлиқ тизимини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқариш учун асос бўлади.

Шаҳарлараро хизмат қилишнинг субсистемаси перспективали жойлашишнинг транспорт-композицион каркасининг функционал тўйинишини таъминлайди ва транспорт-хизмати функциясининг унинг таркибий элементлари сифатида концентрланиш тугунларини кўсатиб беришга ёрдам беради.

7.Районли режалаштиришнинг комплекс лойиҳаларини ишлаб чиқиш этапида ва шаҳарларнинг бош режаларини тузишда ишда таклиф этилаётган рекомандациялардан фойдаланиш жойлашишнинг перспективали структурасининг аниқ функционал-режали ташкил этилишини, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг яшашининг ижтимоий-самарали муҳитини тузишни, маданий-маиший хизмат қилишнинг аҳоли ҳаётининг режалаштирилган сатҳи учун иқтисодий ташкиллаштириш структурасини, етарлилиги, тўплами, сифати шартлари бўйича шаҳарлараро марказларнинг жойлашишнинг гуруҳли шаклларида ўтиш шароитларида энг қулай шаклланишни таъминлайди. Тадқиқотлар натижасида олинган рекомандациялардан конкрет лойиҳалаш жараёнида фойдаланиш қуйидаги характерли этапларни ажратиш заруриятини аниқлайди:

-регионал жойлашиш схемасини тузиш даражасида - перспективали гуруҳли тизимнинг халқ-хўжалигининг профилини аниқлаш, республика, ўлка масштабларида бош марказ тизимининг рангини, умумиттифоқ ва республика аҳамиятига эга бўлган туризм объектларининг таксимотини,

гуруҳли тизим регионал алоқларни амалга ошириш шартлари бўйича энг қулай композицияни.

-вилоятларнинг районли режалаштириш комплекс лойиҳаини ишлаб чиқиш даражасида - шаҳарлараро хизмат қилишни ташкил этиш структурасини ҳудудий-саноат ишлаб чиқариш комплексларини шакллантириш ва гуруҳли тизимни унинг перспективали режалаштирилган структуранинг асосий элементи сифатида каркасини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқариш билан биргаликда моделлаштириш, ҳудудни функционал зоналарга ажратиш ва гуруҳли тизимнинг чегараларини ажратиш;

-алоҳида административ районларнинг режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш даражасида - ҳудудий саноат ишлаб чиқариш комплексларини ташкил этишнинг ва шаҳар ва қишлоқ аҳоли турар жойлари тизимида аҳоли тақсимотининг тамойилларини изчил равишда қайта ишлаб чиқиш, турли поғоналардаги шаҳарлараро марказларнинг изохрон етарлилигини қуриш ва уларнинг ўзаро таъсир параметрларини аниқлаш;

-шаҳарлар ва йирик поселкаларнинг бош режасини ишлаб чиқиш ёки коррективировка қилиш даражасида - шаҳарлараро марказларнинг функционал режали ташкил этилиши, уларнинг таркибини, алоҳида ташкилотларининг қувватини, транспорт инфраструктураси билан ўзаро таъсирининг тамойилларини аниқлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар

РУЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2595-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 августдаги «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-165-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5024-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
6. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. ШНҚ 2.07.01-03* «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш» / Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси – Тошкент, 2009.
7. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. ШНҚ 1.03.02-04* «Ҳудудларни ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш таркиби тўғрисидаги йўриқнома» / Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси – Тошкент, 2009.
8. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси. 4 январь 2011 йил (ўзгартириш ва қушимчалар билан).
9. Мирзаев М.К. Туманни режалаштириш ва ҳудудий жойлаштириш. – Дарслик – Т.: «Фан ва технология», 2014.
10. Исамуҳамедова Д.У. , Мирзаев М.К. Замонавий шаҳарсозлик назарияси. – Ўқув қўлланма – Т.: ТАҚИ, 2015.

11. Исамухамедова Д.У. , Содикова М.А. , Мирзаев М.К. «Шахарсозлик лойихалаш» - Ўқув кўлланма – Т.: ТАҚИ, 2015.
12. Авдоткин Л.Н. , Лежава И.Г. Смоляр И. М. Градостроительное проектирование – Учебник. – М.: Стройиздат, 1989.
13. Яргина З.Н. , Косицкий Я.В. , Владимиров В.В. , Гутнов А.Э. , Микулина Е.М. , Сосновский В.А. Основы теории градостроительства. – Учебник. – М.: Стройиздат, 1986.
14. Лаппо Г.М. Города на пути в будущее .- М.: Издательство «Мысль», 1987.
15. Велев П. Города будущего / Пер. с болг. С.Д. Ланской; Под ред. А.Э. Гутнова. – М.: Стройиздат, 1986.
16. Владимиров В.В. Расселение и окружающая среда. – М.: Стройиздат, 1982.
17. Глазычев В.Л. Урбанистика. – М.: «Европа», 2008.
18. Малоян Г.А. Регулирование развития крупного города в системе расселения. – М.: Стройиздат, 1989.
19. Принципы формирования групповых систем населенных мест. – М.: Стройиздат, 1978.
20. Марков Е.М. Развитие малых и средних городов. – М.: Стройиздат, 1983.
21. Краснощекова Н.С. Формирование природного каркаса генеральных планов городов. – М.: «Архитектура», 2010.
22. Дисекобс Д. Смерть и жизнь больших американских городов. – М.: «Новое издательство», 2011.
23. Мерфи Р. Американский город. – М.: Стройиздат, 1972.
24. Мерлен П. Новые города. Районная планировка и градостроительство. – М.: «Прогресс», 1975.
25. Прюдом Р. , Брунетьер Ж. , Дюпюи Г. Имитационные модели города. – М.: Стройиздат, 1979.
26. Островский В. Современное градостроительство. – М.: Стройиздат, 1979.
27. Рост городов и систем расселения. – М.: Стройиздат, 1979.
28. Эсенов А. Оазисное расселение в Узбекистане «Строительство и архитектура Узбекистана», - Ташкент, 1972. № 2.
29. Лифановская М.Г. Особенности архитектурно-планировочной организации групповой системы населенных мест в Средней Азии на

- примере Ташкентского оазиса. Дисс. канд. арх. – М.: ЦНИИП градостроительства, 1975.
30. Раимов Т. , Салиев А. , Тиллаев Р. Современное состояние и перспективы развития сети городских поселений Средней Азии / в сб . «Вопросы географии республик Средней Азии». – Ташкент, 1975.
31. Гордеева И.А. К вопросу о градостроительном районировании Средней Азии / строительство и архитектура Узбекистана. – Ташкент, 1976.
32. Турсунов Х.К. , Ата-Мирзаев М.К. , Махмудов Б. Комплексная типология городов Узбекистана / «Строительство и архитектура Узбекистана». – Ташкент, 1979.
33. Схема районной планировки Самаркандской области (пояснительная записка). – Ташкент.: УзНИИП градостроительства, 1980.
34. Балгаев А. Организация межселенного культурно- бытового обслуживания при формировании групповых систем расселения в условиях оазиса (на примере Самаркандской области Узбекской ССР). – М.: МАРХИ , 1981.
35. Максакова Л. Миграция населения Узбекистана. – Т.: «Узбекистан», 1986.
36. Мулладжанов И. Население Узбекской ССР. Стрaвочник. – Т.: «Узбекистан», 1989.
37. Численность населения Республики Узбекистан. 2006-2009. Статистические сборники Госкомстата.
38. Совершенствование системы городского управления в малых и средних городах Узбекистана- основные направления, механизмы и инструменты. ЦЭИ, - Аналитический доклад 2010/04. Т.: 2010.
39. Национальный доклад: Развитие городов. – М.: ООО «Типография КЕМ», 2011.
40. Сборник Госкомстат Республика Узбекистан:- Ташкент, 2012.
41. Boyden S., Millar S., O’Neal B. Ekologiya Gorodov I ee Ludi: Gonkong [The Ecology of a City and ist People: The Case of Hong Kong] Canberra? 1981.

Интернет сайтлари

42. <http://www.obzor.ru/index.php?pa&es=3&id=50&p=print>
43. <http://www.davarh.uz/> (Ўзбекистан Республикаси Арзитектура ва Курилиш Давлат кўмитаси)
44. <http://www.natlib/> (Ўзбекистан миллий кутубхонаси)